

АБДУҲАМИД ПАРДА

ЧОРЛОВ

Шеърлар тўплами

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2008

Парда, Абдухамид.

Чорлов: Шеърлар. — Т.: «Шарк», 2008. — 192 б.

Шоир Абдухамид Парданинг шеърлари самимият билан йўғрилган. Янги “Чорлов” тўплами асосан лирик шеърлар, “Навой” достони ва жаҳон шеъриятидан қилинган таржималардан иборат. Уларда инсон қалбининг ранг-баранг жилолари шоирона ифода этилган. Ҳазал ва мухаммас йўлида битилган ашъорлар шоирнинг мумтоз адабиётимизга меҳр-мухаббати ҳосиласидир.

“Чорлов” тўплами дилрабо шеърят мухлисларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

ББК 84 (5Ў)6

ISBN 978-9943-00-229-6

© «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош таҳририяти, 2008.

Шеърлар



ЧОРЛОВ

Шаффоф шишадай тиник,
Юлдузлар сочар зиё.
Мусаффо ёғдусига,
Чўмиб мудрайди дунё.

Ҳад-худудсиз самода,
Ҳадсиз нуқраи анвар.
Айлаб қалбимни асир,
Этар равшан, мунаввар.


Термилсам-да сизга боз,
Тўя олмасман сира.
Асли не бор сиздан-да,
Юксак, соҳир, бокира.

Ноёб бу фазилаглар,
Менга ҳам бўлсайди ёр.
Вале мен ер фарзанди –
Айби бисёр гуноҳкор.

Бироқ порлаб чорлар то
Юлдузларнинг гулшани,
Бир кун узилгай тайин
Гуноҳкор ер кишани.

ОҚ ДАРВОЗА

Ўйларимнинг ниҳояси сен,
Куйларимнинг ниҳояси сен.
Изтиробим-истагим учун,
Мақсадиму маслагим учун,
Сендан нари тугайди ҳаёт,
Сен шунчалар эдингми, ҳайхот,
Оқ дарвоза, ошпок дарвоза!



Сендан нари ўзга бир олам,
Сендан нари ўзга бир дунё.
Унда билмай на фироқ, на ғам,
Бир қиз яшар, париваш гўё,
Оқ дарвоза, оппоқ дарвоза!

Бошинг узра оқарган тонглар,
Бошимни ҳам кетмиш оқартиб.
Тенгранг узра ўзга жаранглар,
Фақат сенда ўшал ҳол, тартиб,
Оқ дарвоза, оппоқ дарвоза!

Гарчи дунё беҳад, бепоён,
Ва бетимсол бўлса ҳам гарчи:
Қалб қушимга азиз ошён,
Ўксик дилнинг танҳо таянчи,
Оқ дарвоза, оппоқ дарвоза!


НАҚШ

Қишлоқнинг ўртасида,
Уй бор фишдан қурилган.
Нақшин дарбозасида
Юлдуз шакли ўйилган.

Уйда уч пари рухсор,
Бири юлдуз, бири ой.
Малаксиймо кенжаси
Юрагимдан олган жой.

Насибам хижрон-фироқ,
Васлига етолмадим.
То ҳали хануз бироқ,
Асло унутолмадим.

Қишлоқнинг ўртасида
Уй бор фишдан қурилган.
Уйнинг тархи юлдуздай
Юрагимга ўйилган.



ЙЎЛДА

Яна йўлга тушдим мен,
Қишлоғимга талпиниб.
Қўш қанот боғлаб қушдай,
Қалбим шошар ҳалпиниб.

Катта йўлда жўш уриб,
Автобусим елади.
Шамолларга тўш уриб,
Яёв юргим келади.


Кенг далалар офтобнинг
Тафти билан яшнайти.
Яйловдаги шўх тойчок
Узун-узун кишнайти.

Яшнаётган далага
Боқиб асло тўймайман.
Менга тегмай бошқага
Теккан кизни ўйлайман...

Яна йўлга тушдим мен,
Қишлоғимга талпиниб.
Қўш қанот боғлаб қушдай
Қалбим шошар ҳалпиниб.

ОШИҚОНА

Кўйлак кийдим енги йўқ,
Малаксиймо – тенгги йўқ.
Олов дейми аланга,
Туташи жону танга.
Нозик кўнглин олай деб,
То қалбида қолай деб,
Ахтардим ҳадя асил,
Қидирсам ҳам муттасил,
Ҳеч не тополмай ортик,
Қалбим айладим тортик!



ТОҒЛАР

Оташ қалар соғинчимнинг ўчоғига,
Тоғлар чорлар, чорлар қайноқ кучоғига!
Дардларимнинг деворидан ўтолмайман,
Етолмайман тоғларимга, етолмайман.
Бўлсам нетар булутларнинг ўтовида,
Ё елдим хур елларнинг етовида,
Ниғоҳимдай оламини жо этсам нетар,
Етсам нетар, тоғлар сизга етсам нетар!
Тоқай дилим вайрон қилар оҳ-воҳларим,
Тоқай сизни йиғлаб кучар ниғоҳларим?!
Ёниб-йитмай армон оташ ўчоғида,
Яйрасам бас баланд тоғлар кучоғида!

СОҲИБҚИРОН


Ҳаёт карвон, кимлар келиб кетаверар,
Кимлар мағлуб, ким муродга етаверар,
Дунёи дун токи давом этаверар,
Темур бобом руҳи мангу билмай завол,
Юртим бирлан, элим бирлан топгай камол!

Искандардан ҳатто зиёд зобит бобом,
Эътиқоду ҳам иймонда собит бобом,
Соҳибқирон неки, доно обид бобом,
Марду майдон сиймосида барҳаётсиз,
Аҳли ашъор шоҳ байтида хур баётсиз!

Алп Алининг зулфиқори қўлингизда,
Фов бўлар бир мард чиқмаган йўлингизда,
Гарчи бисёр ёғий ўнгу сўлингизда,
Янчиб бошин илон янглиғ разолатнинг,
Қудратига ишонган Сиз адолатнинг.

Эй от солган тўрт томонга ғойибона,
Зафар қучган Ҳақ жангида ғолибона,
Пирларига садоқатда толибона,
Жаҳонгирим, бунёдкор ҳам муслим бобом,
Камалакдай лол айлаган тилсим бобом.

То биз сизга ворис бўлдик, бўлдик толиб,
Рухингиздан куч-қувват ҳам мадад олиб,



Эрк жангида музаффармиз, ўктам, голиб,
Қалбимизда Сиздан мерос оловимиз,
Халпирайди мустақиллик яловимиз.

Камол топиб кўхна Кешнинг ўчоғида,
Оромдасиз Самарқанднинг кучоғида,
Беназир зот ҳукми Ҳақнинг ўлчовида,
Темур бобом, қуёшингиз порлайверар,
Чорлайверар, зафарларга чорлайверар.

ШУКРОНА

Юрагимда дардим кўп, дардим,
Дардларимга даво ахтардим.
Дардларки, сир – шакл-мазмунсиз,
Булутларга сўзладим унсиз.

Абри найсон яйдоқ яғрини,
Чақмоқ бўлиб тилди бағрини.
Тўлғаниб боз эслари оғди,
Ва сел бўлиб ерларга ёғди.

Шамолларга айтдим мен хаста,
Ёқа йиртиб бўлди дилхаста.
Дилларини айлаб сўнг вайрон,
Юлдузларни қилдим мен хайрон.

Дардим тинглаб ҳаттоки тошлар,
Мумдай эриб, тўкди кўз ёшлар.
Дарддан фориф бўлсам деб зора,
Дардим борин кўмдим начора.

Ер бағри ҳам кетганми тўлиб,
Унибди ҳар дардим минг бўлиб.
Ва дардларим шукрона айта,
Юрагимга жойладим қайта.




ИЗҲОРИ ДИЛ

I

Қуёш каби порлайди қалбим,
Оғушига чорлайди қалбим.
Нолалари мунгли най бу кун,
Сархуш этар ўткир май бу кун.
Бу кун унинг ихтиёри йўқ,
Бу кун ундан бахтиёри йўқ.
Муҳаббатдан боғлаган қанот,
Афсонавий учқур Буроқ от!
Севги – сирли салтанатда шох,
Фариштаю хурларга ҳамроҳ!
Кезар сирли маволарда шод,
Муаммо ҳам мушкуллар кушод.
Илоҳий ишқ ороми инди,
Жумла олам жаннат кўринди.
Не бир жондан азиз жононга,
Ҳавас ила боқар ҳар жонга.
Парво қилмай ўтган умрига,
Айланди боз бийрон кумрига.
Муҳаббатнинг сеҳрини қаранг,
Сарбаст қалбим шўх тор, сержаранг!
Шер йигитдай жўшар ғайрати,
Бу не ҳолки, суврат-сийрати,
Оро топар, кун-бакун оро,
Гўзаллашиб борар тобора...
То илоҳий ишқ ўти инди,
Қалбим қайноқ қуёшга дўнди!

II


Юрагимга туташди оташ,
Оташ ичра ҳам ботин, ҳам таш.
Қуймагандим оҳ, кўпдан буён,
Фариштадай бўлиб намоён,
Ўғирладинг хаёлимни боз,
Фикру ёдинг ила мен ҳамроз:
Соғингандан соғинарман, ёр,
Манглайимга битилган дилдор!
Юрагимни олиб бўлдинг сен,
Ишқ баҳсида қолиб бўлдинг сен.
Ғарибингга келарми раҳминг,
Ё беаёв ништардай захминг,



Этарми, ёр, бағрим минг пора,
Ўртанарми бу жон бечора?!
Ташналигим ортар кундан кун,
Кундан кунга кўпроқ мен мафтун.
Қўрқаманки, кўзларим ёшлаб,
Пойинг узра ўзимни ташлаб,
Бор дунёни унутиб абас,
Телба янглиғ ёлвормасам бас!
Ишқинг жоним ўртар беаёв,
Куни кеча бефарқ, бўш-баёв,
Қалбим тошар қозондай қайноқ,
Азоби ишқ — дўзахий кийноқ!
Ёлғиз илинж, ёлғиз умид бор,
Шояд, эй гул, васлинг бўлиб ёр,
Унутсам бор азоб-дардларим,
Ариса бор дилдан гардларим!
Бўсаларим ёндирса ўтдай,
Армонларим тўкилса тутдай.
Эркаласам бағримга босиб,
Алқашимга сен ҳам муносиб,
Бўса олсанг қошим-кўзимдан,
Қанддай эриб оташ сўзимдан;
Боз меники бўлсанг, меники,
Ва мен бўлсам фақат сеники!
Кел, эй, минг бир жоним поёндоз,
Ташна кўнглим бор хуморин ёз!
Умидларим бергай боз ҳосил,
Восил бўлай васлингга, восил!

ҚИШ ҚУЁШИ

Кўча гар чангийди қиш ўртасида,
Ҳалакман, ё Фалак, қиш ўрдасида.
Бисёр дур-жавоҳир уммон қаърида,
Бисёр бахт, эвоҳ, сен-мендан нарида!
Қор тилар қағиллаб бир гала қарға,
Паришон хаёллар сарсон бедарға.
Олис-олисларда умид машғали,
Мудрар муҳаббат ҳам нозли-нашғали.
Фожеали сукут, сокинлик вазмин,
Синдирар ҳаттоки Алпомиш азмин!



Иситиб-иситмас қишнинг қуёши,
Тома-тома дилим тешар кўз ёши.
Ғалвирдай тешилган юрагим хаста,
Минг бир дард
Минг бир шеър —
Минг даста-даста!

НАВО ИСТАБ...

Кўксимдаги доғларга
Шифожў даво топсам.
Чиқиб баланд тоғларга
Илоҳий наво топсам.

“Кўксингдаги доғларнинг
Давоси йўқ!” — дедилар.
“Сен учун бу тоғларнинг
Навоси йўқ!” — дедилар.

Мен ҳамон бор доғларга,
Бедорман даво истаб.
Ва хаёлан тоғларга,
Чопарман наво истаб...


ОРЗУ

Баҳри муҳит қароғим,
Сароб бахтим-чароғим.
Кўкрагим қафасида —
Кишанланган яроғим!

Яроғим қўлга олай,
Ҳаётим йўлга солай.
Ҳар бахтга ташна йўлчи —
Юлдузи бўлиб қолай!

ОҚШОМ

Оқшом чўкди. Қўшни ҳовлида —
Беданалар сайрар жўровоз.
Оҳанграбо таратгай шундай
Моҳир машшоқ қўлга олган соз.



Мен ниҳоят онам ёнида
Қишлоғимда кутаман шомни.
Чой хўплайман масрур, бахтиёр —
Сипқоргандай лиммо-лим жомни.

Атрофимда парвона онам,
Гапни гапга аста улайди:
— Тенгдошларинг бари уй-жойли
Уйланмасанг, болам, бўлмайди!


Қулоч ёйган ёнғоқ пойида
Она-бола, қизийди суҳбат.
— Фалончининг қизи бор, шунга —
Совчи бўлай, йўқ дема факат.

Юрагимда бир пари рухсор —
Яшар мудом, беҳабар онам:
— Фалончининг кўхлик қизи бор,
— Борайин, сен йўқ дема болам!

НАВРЎЗ НАШЪАСИ

Юрагимда илохий сурур,
Мен — бир малак, мен гўё бир хур.
Бамисоли учмоққа шай куш,
Англай олмам ўнгимми бу, туш?!
Дарду ҳасрат чекмагандекман,
Адл қаддим букмагандекман.
Кучга тўлган мисли шер йигит,
Шиддатимдан кўрккудек бургут.
Гўё завол-ўлим бегона;
Бор бу дунё меҳрибон она.
Ғанимларим, ғамларим йўқдай,
Дўсту ёрдан кўнглим ҳам тўқдай.
Юрагимда сабру қаноат,
Бу не сиру бу не синоат?!

Бу не тотли рухий осойиш,
Бу не лутфу бу не кушойиш.
Ҳар дақиқа мангулика ёр,
Наҳот шундай саодат ҳам бор?



Илк баҳорнинг сеҳримикан бу,
Ё Наврӯзнинг меҳримикан бу?!
Уйғонмоқда такрор табиат,
Шундан балки қалбимда рағбат.
Наврӯз! Яна олам мунаввар,
Ҳар бир чехра бир шамсиқамар;
Қучоғингда ошган сайин нур,
Ортиб борар кўнглимда сурур!

НАДОМАТ

На эҳтирос топди таскин,
На ташна қалб ҳаловат.
Улкан умид боғлаб лекин —
Кўрдим катта талофат.

Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа,
Дилда беадад армон.
Уролмайман бошим тошга,
Яшашга ҳам йўқ дармон.


Бамисоли қанотсиз қуш,
Фақат унсиз бўзлайман.
Совумаган мурдам учун
Қаро қабр излайман.

ТАСКИН

Ғар бошингга тушса ғам,
Чекаверма дод-фарёд.
Сендан-да бечорароқ
Бандаларни айла ёд.

Фурсат етиб саодат
Кулбангни қилса обод.
Бир нафас бахти қаро
Бандаларни айла ёд.

Кўрмай десанг бошингга
Бевақт қўнган қировни.
Шодликда ҳам, ғамда ҳам
Маҳкам тут, бас, жиловни!



ОНАМГА

Онажон, онажон, о, онагинам,
Толеи нигун, шўр пешонагинам.

Қароллар кафтида ўстирган гулим,
Алам-изтиробдан шикаста дилим.

Минг битта зарбага дош берган метин,
Сочлари супурги, қўллари — ўтин.

Эсимни танибман, кўзинг ёш кўрдим,
Беимон касларни сафардош кўрдим.

На бахтдан ёлчидинг ва на соғлиқдан,
Қисиб қўйди Худо хатто оқликдан.


Ўфиллар бўлдикми жонингга оро,
Бизлар-да қақшатдик сени зор, зор-а?!

Суянган тоғимсан, ишонган боғим,
Қай ишга урмай кўл, белда белбоғим.

Пойингга бош урар Ҳамид фарзандинг,
Умринг узун бўлгай, аригай дардинг.

БОБУР МИРЗО ВА ҲУМОЮН

Ҳумоюнга дард етди,
Шоҳдан ҳаловатдан кетди.
Ожиз минг битта табиб,
Ожиз бутун аҳли тиб.
Кўрди ҳинди, араб ҳам,
Фақат иззатталаб ҳам.
Бобур Мирзо шоҳ-ота,
Не лозим бўлса ато
Қилмоқлик учун ҳозир,
Бор-бисотин дилпазир,
Ҳумоюн ҳоли лекин,
Шаъм каби сўнар секин.
Қор қилмас минг бир малҳам,
Ожиз илми нужум ҳам.



Ўғлининг забун ҳоли,
Шоҳнинг ҳам танг аҳволи.
Заҳар ичган-егани,
Пойинтар ҳар дегани.
Тахт ҳам кўринмай кўзга,
Ўғлин дардидан ўзга
Кўнглига сиғмай қил ҳам,
Адл қадди долу ҳам.
Темурзода, шоханшоҳ,
Хаста ба ҳукми Аллоҳ
Ўғлига истаб ёрдам,
Хуфтон дили чунонам.
Ва ниҳоят беором,
Бобур Мирзо кўрар ром.
Фолбин дейди оҳиста:
“Тузилсин десанг хаста,
Ўғлинг учун бергил жон,
Ўзга чора йўқ, инон!”
Ва шошилинич Бобур шоҳ,
Қасам ичиб бегуноҳ,
Қизлар номига дадил,
Тиловат қилар софдил:
“Ё Раб! Мехрибон Раҳмон,
Ўғлим учун жонажон,
Менинг жоним ол, майли,
Келгай Азроил хайли!”
Хумоюн ётар хаста,
Отаси Бобур аста,
Ўғлин уч бор айланди,
Видо айтиб шайланди.
Бобур шоҳ дили сезар,
Бошида ажал кезар.
Жонин айлади қурбон,
Хумоюн қолди омон.

ФАХРИЯ

Самоларга бош урган тоғлар,
Бағри болга лиммо-лим боғлар.
Дарёларим, ҳар баҳор тошган,
Карвон каби минг манзил ошган.

Уммонларим, осмондай кабир,
 Саҳроларим, сизга йўқ таъбир.
 Лочинларим, ўқ бўлиб учган,
 Бургутларим, булутлар қучган.
 Қалдирғочлар, парвози шитоб,
 Булбулларим, хониши — итоб.
 Теракларим, расо қомати,
 Баҳордирлар чопган омади.
 Қизғалдоғу лолалар олов,
 Уфқларда шом тиккан ялов.
 Ялдо туни каби кечалар,
 Бағри куйган мендай нечалар.
 Ой-офтобим — оташ ашула,
 Юрагимда ёнган шаън шуъла.
 Ҳар жон учун бошпана гўшам,
 Гоҳ Беҳишт, гоҳ Аросат-Бешам.
 Дўсту ёрим, олисда қолган,
 Фанимларим, бўғилиб толган.
 Тақдиримга чатилган хор-хас,
 Манглайимга битилган ҳар кас.
 Сизлар билан то пайвастаман,
 Армоним йўқ гар дилхастаман!

ҲОЛАТ

Юрагимда аламли ғусса,
 Бир ғуссаки, таърифга лолман.
 Руҳим тоғдай эзар, алқисса,
 Чорасизман, ўта беҳолман.

Нимадир бу — айлаган ташна,
 Қадрдонлар дийдоримикан.
 Ҳаловатга, ҳузурга ошна —
 Давраларнинг хуморимикан.

Нимадир бу — илк муҳаббатнинг
 Армоними дилимни ўртар.
 Ёки юксак олий Талъатнинг
 Зиёсими бағрига тортар.

Нимадир бу — ўкинчми, армон,
 Қандайин бу ҳолат бефармон.
 Нимадир бу — беном, бенишон,
 Юрагимни этгувчи яксон?

Бу дунёда ҳаммаси нисбий,
Ва ҳаммаси ўткинчи, ёлғон,
Эканига қасдма-қасд осий
Руҳим сассиз қилурми исён?!

Ҳаётимни уринмай минг бор,
Сололмайман ўзанга равон.
Қалб амрига бермай эътибор,
Кўр-кўрона яшайман ҳамон.

Ҳануз хирсу ҳавасга банди,
Ҳануз нафсим устундир, устун.
Йўк жон ачир бир жигарбандим,
Ҳануз йўқдир бирон жон дўстим.

Бироқ умр ўтмоқда шитоб,
Чопар мудом бетизгин замон.
Яқинлашур улуғ сарҳисоб,
Яқинлашур фурсат беомон.

Ва мен гўё тушовланган от —
Дарду ҳасрат домидадирман.
Ожиз банда, ё Раб, бенажот,
Шум ажалнинг комидадирман.

Ношукрлик қилмайин майли,
Минг ташвишга мен ҳам андармон.
Ахир асти топиб бўлғайми,
Биронта бир жонни беармон.

Бир илинжим ёлғиз Худодан,
Не тонг олиб шафоатига,
Юз ўғирмай Ҳамид адодан —
Доҳил этса фароғатига.

ИШОНМАНГ!

Ишонманг, Ҳамиднинг борлиги ёлғон,
Сизларга ҳамдаму ёрлиги ёлғон.
Ёлғон бу дунёга келгани унинг,
Елдишим мисоли елгани унинг.

Ёлғондир ўйлари, ёлғон ташвиши,
Ёлғондир, ёлғондир қилган бор иши.
У эмас эл билан юмушга борган,
У эмас ишлаган, терлаган, хорган.

Ёлғон оқшомлари олгани ором,
Ёлғон парируға бўлгани-да ром.
Шунчаки шарпа у — алданманг асти,
Сиз билан дуч келган йўк, у эмасди.

Фурсати етганда айтгали видо,
Яқин-йироқ дўст-ёр деркан алвидо.
Топсалар ёд этса арзигулик из,
Ҳаёти бошланар шунда шубҳасиз!

ОЗОД ҚАЛБ

Кетолмадим ташлаб қаламни,
Қалампирдан аччиқ аламни,
Болдан тотли умидга қўшдим,
Ва эринмай чилвирдай эшдим.
Пайдо бўлди дунё ранг-баранг,
Асаблардай тортилди таранг.
Хиёлгина чертиб қўйсанг бас,
Жаранглагай илоҳий хур сас!
Озод қалбим созладим шундай,
Ловуллагай у ёзги кундай.
Чакмоқдайин кескир, шиддатли,
Арслондай ёвқур, хиддатли.
Даррандалар султони шердай,
Эл ишонган мардона эрдай.
Бўронларга тўш урар дадил,
Довюрақдир жумла мард одил.
Йўк, йўк бу не мардликка шўхлик,
Қўрқитолмас заволу йўқлик.
Қай зот ахир яшар мардона,
Азал-абад завол бегона,
Азал адаб завол бегона!

КЎК ЮЗИДА

Кўк юзида булутдан парда,
Аламзада хаво серзарда.
Сукутида синоат-сирлар,
Пала-партиш кулба-қасрлар.
Юксакларда озод қалдирғоч,
Парвоз этар ёзганча кулоч.
Гар на чақин, на бор гулдирак,
Билмам недан безовта юрак.
Аллақандай карахтлик ҳоким,
Мудраётир бедор идроким.
Симиллайди фақат юрагим,
Увишгандай сал чап кўкрагим.
Мастонавор тебранар шохлар,
Савоб бисёр, бисёр гуноҳлар...
Булутларни қувларкан шамол,
Минг бир кўйга солар бемалол.
Ва хамирдай булутлар тошиб,
Тоғлар томон ошиқар шошиб.
Симёғочлар хайрати орта,
Аскарлардай турар саф торта.
Туйиб муздай ёмғирнинг таъмин,
Ҳансирайди қақраган замин.
Рухсорини кўрсатар офтоб,
Кўк юзига аланглаб шу тоб,
Ахтараман камалак ёйин,
Қизғангандай мендан чиройин.
Камалақдан нишон йўқ сира,
Таъбим баттар тортади хира...
Қовоқларин солади осмон,
Аллакимдан кутгандай фармон.
Паға-паға булутлар пахмоқ,
Ташна ерни қилганча аҳмоқ.
Бағри сувга турса ҳам тўлиб,
Инай демас дур ёмғир бўлиб...

ҚИШНИНГ ИЛК КУНИ


Ҳасратангиз ғамбода осмон,
Сўйлар аччиқ, қайғули дoston.
Дов-дарахтнинг шип-шийдам шохи —
Тошга дўнган фарёди-охи.
Япроқларин такрор йўқотиб,
Хайкалдайин турар тош қотиб.
Дастларини чўзиб кўк томон,
Ёлворгандек туюлар нолон.
Ҳавонинг ҳам нафаси муздай,
Жароҳатга сепилган туздай.
Изғирин ҳам пайт пойлар қайда,
Пусиб ётар балки тўқайда.
Ой-офтobдан нишон йўқ, нишон,
Дунё гўё вайрона Кушон!
Чуғурчуклар ахён-ахёнда,
Ғавво килар қайсидир ёнда.
Мотамсаро ғамбода дунё,
Етти ётга ўхшайди гўё.
...Илк киш куни, рангги хўп ўчган —
Азасими бу кузнинг кечган.
Ғолибми ё рухимда алам,
Шундан ғамгин кўринар олам?
Кошки дейман қор ёғсайди, қор,
Ва касб этиб чор-атроф виқор,
Рухимга ҳам иниб бу оклик,
Кувонсайдим теккандай шоҳлик!

ИЗҲОР

Сени этолмадим саодатга ёр,
Бахтинг кушандаси бўлдим мен фақат.
Шахло кўзларингнинг маржондек қатор,
Шодаси кўксимда битмас жароҳат.

Кўз очиб кўрганим, майлига гоҳи,
Беаёв тугёнлар солдинг бағримга.
Кимнинг бу дунёда йўқ, айт, гуноҳи,
Лойиксан, лойиксан телба меҳримга.

Қаро кўзларимнинг ишонган тоғи,
Яхши-ёмон кунда елкадош дўстим.



Сен билан мунаввар ҳаётим боғи,
Эл ичра мен сенга суюниб ўсдим.

Бу ёшга етган бор, етмаганлар бор,
Умримиз тенг ярмин яшаб ҳам қўйдик.
Меҳримиз товланган кезларда, дилдор,
Бир-бирни Фарҳоду Шириндек суйдик.

Аллоҳдан ўтинчим, иккимизни ҳам,
Имон-эътиқодда айлағай собит.
Сўнгги сафар чоғи биз учун, эркам,
Жаннатга элтгувчи тахт бўлғай тобут.

БАҲОР

Салом азизим, баҳор,
Яна кўришдик дийдор.
Минг бир ташвишим бисёр,
Фақат тоза, беғубор,
Бағрингда бахт барқарор,
Салом фасли навбаҳор!

Пойим узра чечакдан,
Тўшаб қўйгансан гилам.
“Минг бир кеча” эртақдан —
Топилмас сендай хотам.
Жаннатга ҳамсоясан,
Гўзалликка доясан.

Чорлайсан қир-адирга,
Гулу лола сайлига.
Шаббода билан бирга,
Эл-юрт кезай, майлига.
Бошла баланд тоғларга,
Гулга чўмган боғларга.

Ниҳоят шод-бахтиёр,
Қанот боғлай қуш каби.
Сен билан айтай алёр,
Бахти бут сархуш каби.
Бор дардимга бўл дармон,
Қолмасин дилда армон.

Салом азизим, баҳор,
Қучоғингда яйрайман.
Беармон лайлу наҳор,
Булбул каби сайрайман.
Эй жаннатга ҳамсоя,
Баҳор баҳтимга доя.

ЗАФАР АЛЁРИ

*Шахмат бўйича жаҳон чемпиони
Р.Қосимжонов галабаси шарафига*


Бу юксак шону шавкат, бу юксак бахт-саодат,
Зафар қучмоқ азалдан ўзбегим учун одат,
Шукронаси учун мен қилай минг бор ибодат,
Она халқим, бошингга қўнган тожинг муборак,
Жаҳонни лол айлаган авж-ривожинг муборак.

Ғолибона тўрт томон солиб такрор суронлар,
Бежиз биздан чиқмаган ахир соҳибкиронлар,
То сафарбар Рустамдай забардаст навкиронлар,
Жаҳонни қайта-қайта лол айлар ҳали ўзбек,
Не-не полвон қаддини дол айлар ҳали ўзбек!

Рустам полвон зафари бутун эл-юрт зафари,
Элу юрт чеккан заҳмат, машаққатлар самари,
То абад бўлгай омон музаффар элнинг бари,
Музаффар халқим, сенга, беадад ҳамду сано,
Музаффар ўғлонларинг учун минг бор тасанно!

Не нисбатлар тақдилар кимлар юксак шаънингга,
Кўз тикиб ғараз билан боғу роғ, гулшанингга,
Кимлар, айт, чанг солмади тилло-зар маъданингга,
Буюклигинг сен бу кун исбот айладинг яна,
Зафарларинг зиёда, тантана қил, тантана!


Чўлпонларнинг ушалган орзуси, армони бу,
Етти иқлимни тутган музаффар фармони бу,
Бу даври-даврон озод ўзбекнинг даврони бу,
Эй жаҳон майдонида дадил от сурган халқим,
Саодат иқболига юзма-юз турган халқим!



Қаддинг кўтар, она юрт, эгилмагай ҳеч бошинг,
Шижоатга дўнгай бас, тошни ёрар бардошинг,
Мен учун ҳам то абад ҳалол бўлгай нон-ошинг,
Вориси Беруний ҳам Сино-ю Улуғбекнинг,
Қудратига тан берар бу кун жаҳон Ўзбекнинг!

ТУН

Оғиб борар, оғиб борар тун,
Руҳимда ҳам зулумот устун.
Қайсар қисмат айғирдай судрар,
Шижоатим тун каби мудрар.
Йўкса, нечун зиёда дардим,
Йўкса, нечун йўқ чин ҳамдардим.
Йўкса, нечун кўзларимда ёш,
Ва бўзлайман бевадай бебош.
Йўкса нечун элга мен кулгу,
Хислат йўқми бўлгувчи улги.
Йўкса нечун бош чиқмас ғамдан,
Даргумонман, укам, оғамдан.
Йўкса нечун омадим чопмас,
Ва бахт қуши мени ҳеч топмас.
Ишларимнинг ривожи йўқ ҳеч,
Гўё дардим иложи йўқ ҳеч.
Наҳот тақдир тегирмонидан,
Қимса чиқмас кечмай жонидан.
Ҳаққинг талаб этмоғинг учун,
Муродинга етмоғинг учун.
Наҳот ё зўр, ё заринг керак,
Баъзан кўнгили ёзаринг керак.
Наҳот қийин бўлмоқлик тўғри,
Наҳот ярим дунё қув, ўғри.
Камрок бўлиб кўксингда меҳр,
Наҳот ютсанг кўп бўлса қаҳр.
Гарчи барча қул яхши сўзга,
Ширинсўзни илмаслар кўзга.
Гарчи улуғ эзгу тўғрилиқ,
Кун кўриб кўр қилмай ўғрилиқ.
Эр хотинни, хотин эрини,
Қазигандан қазир гўрини.
Ака-ука тап тортмай паққос,
Талашгани исқоту мерос.



Бу қандайин мудҳиш манзара,
Дўзахдан-да тубанрок, қара.
О, бу чоҳда қор ҳам қораяр,
Кенг кўнгил ҳам шаксиз тораяр.
Дунёсига қайта силкиб қўл,
Қидирасан нажот — сўнги йўл!...


Гар йиртқичлар йитди оламдан,
Ҳадиксирар одам одамдан.
Амал дея ейди бир-бирин,
Меҳробида сақлар “қўл кирин”.
Ҳамон бойлик, мартаба — мезон,
Одамийлик арзондан, арзон.
Ҳамон барча нафснинг кули,
Саноқли, оз доно-оқили.
Токи гуноҳ халтаси тўлмай,
Ор-номусдан минг карра ўлмай.
Қаноатни билмагай токи,
Қўшилгунча тупроққа хоки.

Балки шундан дардим зиёда,
Балки шундан бахт йўқ дунёда.
Балки хом сут каромати бу,
Ва заифлик аломати бу.
Не тонг, ахир зеҳн-зукколик,
Раҳнамолик, асил даҳолик.
Улуғлик ҳам, комронлик ҳам,
Аввал-охир соф-омонлик ҳам.
То барҳаёт бу бани башар,
Бир Аллоҳга минг ҳамд — ярашар!

Танимиз хок, бироқ қалбда нур,
Шукр шунга, минг бора шукр.
Кун келиб бу оташ аланга,
Туташаркан гуноҳкор танга,
Не тонг, этса барчамиз собит,
Шаффофдай соф, комил, ҳур обид!

Ахир азал ноумид — шайтон,
Минг ҳамд сенга йо Раҳим, Раҳмон,
Минг ҳамд сенга ҳокими жаҳон,
Ҳам Дўзаху ҳам Боғи жинон!

1989 йил




ФАВВОРА

Кўз ёшлари тинмас фаввора,
Наҳот бағринг сенинг ҳам пора?!
Наҳот сен ҳам танҳосан руҳан,
Дўст тополмай хўп ширинсухан.
Наҳот, ё Раб, қалбингга тоза,
Бадбинлардан олиб андоза,
Ханжарини санчган хиёнат,
Наҳот дўсту ё бедиёнат?!
Кўз ёшлари марварид, дурим,
Кўз ёш ила покланган хурим!
Ҳасратдошим, ғамгин фаввора,
Иккимиз ҳам ўта бечора.
Бегона-ёт мен учун ҳам бахт,
Шу боис ҳам ғамбода, карахт.
Толе асти сафровий сароб,
Бир кун барча холи хўп хароб.
Эканлигин англолмай ҳамон,
Яшайпман бамисли нодон.
Ахир ўзим каби хўп ночор,
Ва давлатманд ҳам омади бор,
Армоним йўқ, деганин, инон,
Эшитмадим ҳеч, фавворажон!
Фавворажон, фаввора, дўстим,
Етимликда қон қусиб ўсдим.
Ҳамон шундай бағрим яримта,
Ҳамон жигар-бағрим ох, нимта.
На дўст топдим содик, мард, ҳалол,
Юрак-бағрим эзар минг малол.
На бир инсон пирликка лойиқ,
Атрофимда туссиз халойиқ.
Пирлик даъво қилган ҳам, ё Раб,
Қадам ташлар замонга қараб.
Қалбим дардин сўзлагувчи йўқ,
Олғирларнинг касби ҳамон дўқ.
Ҳамон улар ошиғи олчи,
Ҳамон улар элни таловчи.
Ҳамон улар замоннинг зўри,
Ҳар бир дардманд манглайда шўри.
Ҳамон улар дасти хўп дароз,
Ҳамон улар кеккайган хўроз.
Қапайтирар чўнтагин бари,
Ҳар соддани талар оч ари.


Сувлар сойга окиб ётибди,
Бойлар бойга бокиб ётибди.
Эски ҳаммом, эски тос ҳануз,
Ҳамон дунё ташландиқ ҳовуз.
Ҳамон устун, устун нафс, тама,
Юракларда бойлик, замзама.
Кимлар фақат пулдан гапирар,
Ким юлдузни бенарвон урар.
Кимлар кимнинг оғзин мойлаган,
Кимлар кимнинг оғзин пойлаган.
Кимлар конхўр, ваҳшийдир кимлар,
Адолатдан йироқ ҳакимлар.
Ёнингда гар бўлмаса чақа,
Сендан азиз тубан тошбақа.
Оқибатсиз қариндошлар ҳам,
Қариндош не, қариндошлар ҳам.
Айтаверсам иллат кўп, иллат,
Холи эмас бирор бир миллат.
Ҳамон унинг бирикмас боши,
Ҳамон тошдан қаттиқ бардоши.
Ҳамон фарқи йўқ ҳеч сурувдан,
Қисган Худо бирлик, уқувдан.
Тўйда ҳам ош, азада ҳам ош,
Аксарият тирик мурда, лош.
Жаҳолатнинг дастида ҳамон,
Ҳамон тўда, бебош оломон.
...Шундай каслар мен ҳам бириман,
Балки ношуд кўнгли кириман.
Бироқ мудом Ҳакни ёд этдим,
Васлин тилаб, кўнглим шод этдим.
Вале ўзим каби инсонлар,
Ғафлатзада, бадбин нодонлар,
Муҳаббатим англамадилар,
Юрагимни тингламадилар.
Гар ёвузлик бисёр, зиёда,
Эртами-кеч тубан дунёда,
Эзгуликнинг машғали порлаб,
Жумла элни покликка чорлаб,
Не тонг, маъмур этиб дилларни,
Толега эш этса элларни,
Толега эш этса элларни...

1988 йил




МУНОЖОТ

Нечун мени бадбинларга қўшиб қўйдинг,
Бир чилвиру бир арқонга эшиб қўйдинг.
Нечун ахир тубан муҳит фарзандиман,
Юхолардек нафсимга мен ҳам бандиман.
Нечун ахир айро тушиб имон билан,
Сулҳ тузай худобезор шайтон билан.
Нечун собит юриб бўлмас Ҳақ йўлидан,
Нечун ахир чиқиб бўлмас куфр чўлидан.
Нечун ахир миллат борки, иллоти кўп,
Шайтонсифат каслар кезар бисёр, тўп-тўп.
Покдомонлар уруғими ё анқонинг.
Очилмасми эшиги кенг хонақонинг.
Нечун қалбим англагувчи бирон жон йўқ,
Машаққатсиз ош не, ҳатто тўғрам нон йўқ.
Нечун ахир яхшиларга кун йўқ сира,
Кўзи очиқ борки, қалби кўр, басир-а?!
Тозаман деб қай тил билан ахир айтай,
Тубанликдан булғанмасдан қандоқ ўтай.
Бедаволар тилимни ҳам заҳар қилди,
Қилмишларин кун-тун, оқшом-саҳар қилди.
Булар оташ юрагимга солдилар чанг,
Ва иродам билан тенгсиз қилдилар жанг.
Мажруҳ этиб ҳали мурғак ёшимдан-эй,
Не бир кунлар ўтди бадбахт бошимдан-эй.
Бу не ҳолки, дўсту ганим қоним ичар,
Қоним ичиб, боз устига кафан бичар.
“Бер-бер!” дейди булар бари тўтикушдай,
Шунданмикан умрим ўтар мудҳиш тушдай.
Жонимни ҳеч ўйлагувчи дўсту жон йўқ,
Ранги рўйим афтодахол, томчи қон йўқ.
Бироқ олғир каслар юрар кекириб бад,
Ким сурбету харомхўрдир ёрдир омад.
Ришва билан, пора билан ҳали ҳамон,
Кенг дунёнинг тенг ярмини олмоқ осон.
Гарчи кўплар Худо дейди ёниб тилда,
Худо билар не муддао пинҳон дилда.
Гарчи мўмин-мусулмонлик бизга мерос,
Атворимиз ғайридинга аксари мос.
Эзгуликка ташна гарчи жумла жаҳон,
Ёвузликнинг дасти дароз, дароз ҳамон.
Гарчи жумла одамларнинг нияти пок,
Топилгувчи тубанликдан қайтмас бебок.



Бандаларда хавас эмас, ҳасад кучли,
Руҳоният қайда, баднафс жасад кучли.
Мол-дунё деб қай бирлари диндан чиқар,
Қасдлашса бас, дарҳол қилич қиндан чиқар.
Одам бисёр, одамийлик оздан ҳам оз,
Шанғиликда эркак-хотин бирдек шоввоз.
Қилгувчи қўп тап тортмасдан гуноҳ ишни,
Юз кўрмас ҳеч аксарият қўни-қўшни.
Қолишмайди дўзахдан ҳам аросатдан,
Бир хилқатки, қисган Худо фаросатдан.
Нечун бундай дунёларга эш қилдинг Сен,
Қабоҳату разолатни пеш қилдинг Сен.
Гарчи дилда муҳаббатим, меҳрим бисёр,
Пок ишқимга муносиб ёр, айт, қайда бор?!
Ҳукмингда гар замин, етти қават осмон,
Келиб кетди минг пайғамбар, минг бир Усмон.
Гарчи бисёр каломларинг турфа тилда,
Гарчи Сенга итоат бор турфа элда.
Гарчи бисёр одамийлик дастурлари,
Ҳаволарда аксарият улар бари.
Ҳали хануз камолотдан беримиз биз,
Она замин куррамизнинг шўримиз биз.
Бир томонда баҳор бўлса, бир ёнда қиш,
Бир томонда қарғиш бўлса, бир ён олқиш.
Оч-юпун эл ҳали хануз бунда бисёр,
Тўқларни ҳам деёлмайман шод, бахтиёр.
Висолингга ташнаю зор одамизот,
Тангрим, ўзинг қўлла уни, кўрсат имдод.
Шарқу Ғарбга айирмагин, оқ-қорага,
Совуқчилик солмагайсан ҳеч орага.
Насронийми, мусулмонми, будпарастми,
Тоғу тошда адашган бир ўтпарастми,
Юракларга, Аллоҳ, аввал ўз ишқинг сол,
Қўлингга ол, улусларни қўлингга ол.
Токи бари эрта-ю кеч Худо дегай,
Ҳақ йўлида жисму жоним фидо дегай.
Худо деган ахир хануз кам бўлмади,
Худо деган бошлар хануз ҳам бўлмади.
Бирлаштирса эл-юртларни улуғ номинг,
Ушалмасми минг бир йиллик эзгу коминг.
Бизлар учун майли камол армон бўлгай,
Бироқ умид дардимизга дармон бўлгай,
Бироқ умид дардимизга дармон бўлгай...

1989 йил



КЕТИБ БОРАР...

Кетиб борар умримизнинг карвонлари,
Карвонларда дилимизнинг армонлари.
Тишлар тушар, яккам-дуккам соч ҳам сийрак,
Гоҳ паришон хастаҳолмиз, гоҳо тийрак.
Ортимизда гарчи қанча ёзу қишлар,
Ярим ёрти ҳали ҳануз сакта ишлар.
Кўр қисматнинг ҳукмидамиз ҳали ҳамон,
Ва занжирбанд этмиш бизни золим замон.
Дилда ўзга ният, тилда ўзга оят,
Деганимиз яккаш чўпчак, пуч ривоят.
Бундан буён муҳаббат ҳам қондириш нафс,
Бироқ молу мулкка тўймас юҳо баднафс.
Боз устига амалталаб, унвонталаб,
Кун кўрамиз катталарнинг кетин ялаб.
Тилимиздан тушмас гарчи зикри Аллоҳ,
Хур эмасмиз, яшолмаймиз ҳеч бегуноҳ.
Олмосдан-да ўтқирроқ гар идрокимиз,
Қаро ердан олингани рост хокимиз.
Тўрт жуфт илик, мўрт чаноғу кўкрак қафас,
Аҳли одам бундан зиёд ҳеч не эмас!
Мангуликнинг қаршисида нимамиз биз,
Бугун сайрон, эрта вайрон кемамиз биз.
Яшаймиз амал-тақал қилиб мана,
Ҳаётимиз кушандаси ҳар бир сана --
Умримиз шоҳ илдизига урар болта,
Ўлда-жўлда хизмат-пизмат, ишлар халта.
Армон ила ўтаямиз, дунё бир кам,
Бу қандайин кўргуликким, фарзандлар ҳам,
Ўқиганин укавермас қайсар, ялқов,
Наҳот биз-да бир пайт шундай эдик анқов?!
Ҳали ҳануз ўтаямиз анқовсираб,
Тап тортмайин қилиб гуноҳ, боз афв сўраб.
Топиб бўлмас бокира ҳур инсон зотин,
Эрлар — шайтон, ялмоғизга хешдир хотин.
Авом қавмин оломондан фарқлаб бўлмас,
Қай бир зотлар тубанлигин нархлаб бўлмас.
Уддасидан чиққан борки, икки ошар,
Ким борига шукр қилиб, ночор яшар.
Маддоҳларнинг касби ҳануз ваъда курук,
Шўрлик авом гарданида бўйинтурук.

Лаганбардор, ялтокилар урчиб кетди,
Қалдирғочдай ёт элга ким учиб кетди.
Замон шундай замон бўлди, хуллас калом,
Тамасиз ҳеч берилмагай ҳатто салом.
Эл кўникди маош олмай ишлашга-да,
“Мардман!” деган шерлар тилин тишлашга-да.
Ҳаётимиз кечар Сирдай вазмин, сокин,
Ботинида фожиалар бисёр локин.
Қозиларнинг қаллоблиги дoston бўлди,
Дуч келганни тикиб қўйиш осон бўлди.
Илинтирар бегуноҳни қармоқлари,
Қассобники каби алвон бармоқлари.
Найранг қилар қариллаган ақобирлар,
Бизни одам ҳисобламас такаббурлар.
Эл мол-мулкин туя қилган асти шулар,
“Ялангоёқ!” деб боз яна биздан қулар.
Бу гапларни ёзаяпман юрак ютиб,
Билмам, қандай қисмат мени турар кутиб.
Тўғри сўзинг туққанингга ҳатто ёкмас,
Минг чиранма, золим замон сенга бокмас.
Пулдорларнинг чанғалида қайнар шўрва.
Йўқсилларнинг бор матоҳи — гадоё тўрва!
Соғ улусдан рамақижон хастаси кўп,
Гузар борки, дўкони кўп, растаси кўп.
Издан чиққан тизгини йўқ нарху наво,
Боз устига найранг қилар обу хаво:
Ногаҳон гоҳ ёмғир қуяр саратонда,
Илимилиқ, тайини йўқ қаҳратон-да.
Меваларни гуллаганда урар совуқ,
Қирилар гоҳ чорваю қўй, гоҳо товуқ.
Кетиб борар ифбат-хаё, меҳру шафқат,
Тўрт томонда қип-яланғоч наҳсу шахват.
Ишловчидан савдогар кўп, олиб сотар,
Нашаванд ким, ким эртаю ҳам кеч отар.
Куни тугди дасти дароз пулдорларнинг,
Қайтган каби шум замони кулдорларнинг.
Ким кўрганнинг хаёлида пулнинг дарди,
Корчолонга айланди бас элнинг марди.
Ким ризкини топар қора меҳнат билан,
Ким пулига пул қўшади тухмат билан.
Қараб турсам хор дунёнинг аҳволига,
Саодати эш кўринар заволига.

Дод-фигони самоларга ўрлаб кетган,
Азал-абад муштумзўрлар зўрлаб ўтган.
Ҳали хануз бу дунёни сўрар ўрлар,
Тузар-бузар, санчар-янчар, зўрлар-хўрлар!...
Биродарлар! Шунга ҳам минг шукр денглар,
Дардимизни тил-забонсиз қоғоз тинглар.
Келар бир кун озод замон дориломон,
Миси чиқар бу кунларнинг ҳеч бегумон.
Ҳеч бўлгандан кеч бўлгани яхши ахир,
Не тонг, насиб этса шундай толе тақдир...

1990 йил

ҲАЛОВАТ

Тайёр баланд том қани,
Текин бода, жом қани?
Безовта Замин узра,
Ҳаловат, ором қани?!

Бошимиз узра офтоб,
Ёғдулар сочар токи;
Етти ёт бегона хоб,
Қабрда ҳам ҳаттоки!

ҲАЁТ

Эшигингни эрта-кеч,
Шамоллар очиб-ёпар.
Кун келар, адашмай ҳеч,
Азроил излаб топар.

Бандалик: гоҳ-гоҳида,
Ёдга ол сўнги онни.
Қайноқ ҳаёт роҳида,
Ёндир, ёқ жисму жонни!

СИНОАТ

Хавасманд турфа зотга,
Бўлай дедим улардай;
Таниш ҳам етти ётга,
Кулгу бўлдим, ўлардай.

Қандай яратган Эгам,
Яшай қилиб қаноат.
Ўзгалар учун мен ҳам,
Бўлай сиру синоат.

ДЎСТАЛИК ҲАЗИЛИ

Солиқчи Абдулазизга

Солиқчига гарчи йўқ ҳеч хушимиз,
Во даригки, сизга тушди ишимиз.
Имкони йўқ сизга чап беришнинг ҳеч,
О, бу йил ҳам кеч қолдим мен шўрлик, кеч.
Маълумотни бўлмади ҳеч тўғрилаб,
Кун кўролмас биз кабилар ўғрилаб.
Не ҳам дердим, айбдорман, айбдор,
Бундан буён сизда барча ихтиёр.
Хоҳласангиз жарималар соласиз,
Бор будимиз қокиштириб оласиз.
Қозикалон, миршаблардан кўнглим тўқ,
Хатто ҳоким тўрадан ҳам гинам йўқ.
Машинам йўқ, чўчимасдан “ДАН”дан ҳеч,
Ҳайдовчи ҳам чиқмас дейман мендан ҳеч.
Ўғрилардан чўчимасдан ҳеч қачон,
Бор бисотим риштадайин нозик жон!
На келбатим, на ҳамёнда пулим бор,
Сатанг қизлар шундан бермас эътибор.
Қариндошлар йилда бир бор изламас,
Жаҳли чиқса, хотин “акам” “сиз” ламас.
Гарчи бисёр жамғармалар ранг-баранг,
Бирортаси минг таажжубки, қаранг,
“Ҳолинг не?” деб сўрамайди бир бора,
Ўзи билан ўзи бари оввора!
Дастимда бор сармойанинг кўри йўқ,
Уйимиз тор — на пойгак, на тўри йўқ.



Битта эмас, икки эмас, тўрт бола,
Ва фор рўзфор... ўзингизга ҳавола!
Мени ҳатто унутгандай Худо ҳам,
Туртиб ўтар бадавлат ҳам, гадо ҳам.
Бўлсам-да гар жумла элга бегона,
Солиқчилар ҳамроҳ топиб баҳона.
...Азизмиди, Лазизмиди отингиз,
Хўжаданми, фуқародан зотингиз?!
Гар солиқчи бўлсангизда “тошбағир”,
Ўқтин-ўқтин йўқлайсиз мени ахир!
Шу боис ҳам не десангиз кўнарман,
Буюринг бас, ҳатто йўқни йўнарман.
Ақча борми-йўқми асло сўрамай,
Жаримани солаверинг аямай!...

ТОБАКАЙ...

Тобакай нолийсан феъли ёмондан,
“Серташвиш, серғалва кажрав замон”дан.

Гоҳо у ёқмайди, гоҳо ёқмас бу,
Оби ҳаёт тубан наздингда — оғу.

Аҳли башар гўё иймонсиз шайтон,
Наздингда: “жаҳаннам — бу ер, бу майдон!”

Бевага ўхшайсан бўзлаган ночор,
Дод-фарёд солишдан қилмайсан ҳеч ор.

Тобакай тилингда тушмайди фарёд,
Тобакай кўксингда мудрайди Фарҳод.

Тобакай ғайратинг кутар, айт, фурсат,
Тобакай занжирбанд фаҳм-фаросат.

Тобакай алдайсан ўзингни ўзинг,
Тобакай томчидай титрар юлдузинг.

Мудом бурқсиётган оташ-аланга,
Қачон наф келтирар муштоқ Ватанга?!

ТАҲАММУЛ

Маъзур тутинг, бир замон сизга
Бағоятда таниш содда, ғўр,
Ҳар бир зотни ҳур дея билган
Кўр-кўрона инсон зотига
Ҳаддан зиёд ишонган гўлнинг
Фақат синик суврати ҳамда
Ўргамчакнинг ипидек нозик
Ришга тутган, нотавон, ўксик
Бор умиду ишончи сароб
Фариб кўнгли қолгандир яккаш.

Йироқларда бўй чўзган тоғлар
Чорлар такрор-такрор бағрига.
Чорлар бироқ қошига боргач
Кўтарилмай ярим бағрига
Тиздан мадор, кўздан кетиб нур
Ҳолдан тойиб қолармиз тайин.


Барча-барча асти йироқдан,
Жозибадор оҳанрабодай.
Нимагаки эга бўлсак, бас,
Бор қимматин йўқотар шу он.

Йўқотгунга қадар бошимиз
Нелардан, воҳ, бўлмаймиз жудо.
Ўлим келиб қучганга қадар
Неча бора ўлар бандаси.

Ажаб, одам жони тошдан ҳам,
Қаттиқроқдир, қирқ йил қуруқда
Қақшаб, ногоҳ нам етган ҳамон
Кўклайдиган қайсардан қайсар
Ажриқдан ҳам яшовчанроқмиз.

Бу ҳаётда фожеадан-да
Даҳшатлироқ ҳодисотларнинг
Афюнидан телбаман басир.

Юрагимни қиймалар такрор
Қабоҳатнинг қаттол ханжари.



Йўк, йўк ҳаёт демангиз, йўк, йўк,
Хиёнату фисқу фужурлар
Адоватдек тубан иллатлар
Бижғиётган мудҳиш дунёда
Лошим судраб юрибман аранг.

Ишқ-муҳаббат — қачонлардир мен
Сажда этган маъбуда — сароб?!
Назаримда Тоҳиру Зухро —
Фарҳод-Ширин, Лайли-ю Мажнун
Қиссалари муҳаббатга зор
Яшаб ўтган ва яшаётган
Балки, ҳайҳот, яшовчиларнинг
Қалбидаги абадул абад
Ушалмас чўнг армондир, армон.

Ҳақ ҳурмати, виждон ҳурмати,
Қалбдан силққан қоннинг ҳурмати,
Ўтаётган, ўтган ва ўтар —
Бокира софдиллар ҳурмати —
Тавқи лаънат тамға босган бу
Тубанларнинг қавмига мен-да
Нафратимнинг шиддатли, кескир
Чақмоғини ёғдираман боз!

Ва уларга қасдма-қасд ўксик
Кўксим аро мени бу мудҳиш
Қаро кунлар исқанжасидан
Саодатли онлар васлига
Соғу омон олиб борғувчи
Ҳалоскорим умиднинг нимжон
Чечакларин қилгум парвариш...

ҚОР

Қор — қаҳратон зийнати,
Бездирар ях тийнати.

Тўрт томон ошпоқ, якранг,
Қарғалар холи ҳам танг.

Зада қаттиқ қаҳридан,
Кечиб бўлмас баҳридан.

Музлаган сувлар қат-қат,
Болалар яйрар факат.

Беғубор қиш зийнати,
Ва лекин ях тийнати!

Кўтара олмай қорни,
Чорлар замин баҳорни!

МАШРАБОНА


Шеърятга тутиндим ошна,
Илҳом ила яшадим ташна.
Йўқ, йўқ, хайрон қилолмас дунё,
Дилим вайрон қилолмас дунё.
Арзимагай ажабланишга,
Маъниси йўқ минг тубан ишга,
Парвойим йўқ, бу дунё бир кам —
Сакта мудом бундан кейин ҳам.
Хур ва озод гоё дилбанди,
Ҳар саробга бўлмадим банди.
На оила, на фарзанд, уй-жой,
На муваққат мартаба, сарой,
Ва на хизмат — оёққа тушов,
“Масъулият” — менинг учун ёв!
Шоирман хур — сатримга масъул,
Ўзга жумла оламдан маълул!
Топинганим-тошганим бода,
Жисму жоним ҳам таним бода!
Бода қалбим кўзларин очган,
Шеърларимга ифорлар сочган.
Бода учқур боғлаган қаног,
Нажотсизлик ичра хур нажот.
Бода ила дадил, мард, шерман,
Бода ила Алпомиш эрман!
Бодага ҳамд сўйлаган Хайём,
Бода айлар қайғуни айём!
Юрагимга бахш этган қувват,
Бода — Ҳотам соҳибмурувват!
Кел, ичайлик йитгай аламлар,
Нурга тўлгай ғариб оламлар.
Юракларга солгай боз туғён,
Туғёнлардан туғилгай исён.

Яшамаса инсон гар ёниб,
Гоҳо қақшаб, гоҳи қувониб,
Жўшмаса боз қалб амри билан,
Баралла боз айтмаса ўлан,
Дарду ғамин сўйлаб баралла,
Куйламаса булбулдай ялла,
Инсонлиги инсоннинг бекор,
Инсон эмас, тубан банди хор!
Унвонларга учмадим асти,
Енголмади турмушнинг дасти.
Булбулман ҳур, қўшиғим-қуйим —
Унвон, маош, мартаба, уйим.
Майхонадан чиқолмадим гар,
Нодонларнинг қошида мустар,
Аламим боз ичимга ютдим,
Комилларни интизор кутдим.
Кимлар учун телба-девона,
Кимларга ёт, кимга бегона;
Киборларнинг наздида тубан,
Авом учун буюк умуман,
Кимлар боқди ҳасадда ёниб,
Хайрихоҳлар алқаб, қувониб,
Сифингандай топиниб келди,
Ёвлар дўстдай ёпиниб келди.
Ҳаммасига кўнглим кенг қилдим,
Феъли хўйим бирдай тенг қилдим.
Ишондим боз яккаш ўзимга,
Хунолуд ҳур боқий сўзимга!
Сатрларга жойладим борим —
Шеърим! Мангу яшил баҳорим!
Асрларни босиб ўтарсан,
Авлодларга бориб етарсан.
Заволларга ғаним, қасдма-қасд,
Яшагайсан мангулик ҳамдаст.
Ялов алвон имон, ол ялов,
Таъмагирсан деёлмас биров.
Қон қусдим боз, қаттол қиёмат —
Қутурди. Мен собит, хиёнат —
Кўчасига доримадим йўк,
Хотирим жам, мудом кўнглим тўк.

ХАЛҚ ЙЎЛИДА

*Телба-тескари савдолардан юраги тўлиб-тошган
бахши алам билан дўмбирасини сайратиб,
эшитганларни яйратиб, каломларни қийратиб,
нола қила кетибди:*

Бағрим қуртдай кемирар,
Пушаймон-армонга суф.
Минг тикмагин ҳеч тўлмас
Туби йўқ кармонга суф.
Ўз элига фаним-ёв,
Окпадар султонга суф.
Лош-мадфундан фарқи йўқ
Фафлат босган жонга суф.
Булбулларин хўрлаган
Ношукр бўстонга суф.
Таъма билан битилган
Сафсата дostonга суф.
Сарик чақага қиммат
Шармандали шонга суф.
Асил мардга тегмаган,
Ютукқа, совринга суф.
Муриддини этган хор
Такаббур эшонга суф.
Имондан айиргувчи
Шайтоний “эхсон”га суф.
Нон қадрини билмаган
Меҳмонга, мезбонга суф.
Ёш-қарини ўйнатган
Қўл кири — “шайтон”га суф.
Қўрқоқ қавм қутурган
Майдонга, қўрғонга суф.
Ҳаром-ҳариш қайнаган
Қоп-қора қозонга суф.
Номи улуғ, дастурхон —
Қуп-қуруқ давронга суф.
Ҳафтага етар-етмас
Ҳар моли арзонга суф.
Қурт-қумурсқа кемирган
Меваи ларзонга суф.
Умримизга кушанда
Ҳар фасли хазонга суф.



Зар кадрини этган хор
Хар нарху мезонга суф.
Тили ҳам дили бошқа
Мунофик “илон”га суф.
Ёлгон сўйлаб синмаган
Бесубут лисонга суф.
Бетайин, бехосият
Санокка суф, сонга суф.
Надомат, афсус ила,
Ўтган ҳар бир онга суф.
Ҳам эшик, ҳам чойчақа
Қули сур дорбонга суф.
Чорлаганда чиқмаган
Мохга суф, тобонга суф.
Узункулоқ ҳар миш-миш,
Фалону пистонга суф.
Сони бор саноғи йўқ
Хирожу ўлпонга суф.
Қўйин қашқир қақшатган —
Ҳар чўлик-чўпонга суф.
Сену менга тегмаса
Кўк бўйи хирмонга суф.
Ишқ ўтини ўчирган
Бад шубҳа, гумонга суф.
Чанқовни ҳеч босмагай
Суви шўр уммонга суф.
Елпиндидан йиқилган
Бўш аҳду паймонга суф.
Тифдай дилни тилмаган
Имону виждонга суф.
Бегонадан фарқи йўқ
Қариндош-ёронга суф.
Эй Ҳамид, киска кил, бас,
Тўрт томон, тўрт ёнга суф,
Замину осмонга суф,
Жумлаи жаҳонга суф!..

ШЕЪРИЯТ

Оҳанрабодай қалбим чорловчи илоҳий сас,
Қасрингда асирликни ким қилмас, айтгил, ҳавас,
Бироқ бамисли лочин туткич бермагайсан, бас,
Беадад қутлуғ қурбон, не бахт ёлғиз мен эмас,
Муқаддасан бамисли Аллоҳнинг каломи сан,
Арши Аълодан инган пайғоми, саломисан!

Шеърият! Паривашдай ўғирлаб бор оромим,
Ёғдулар сочиб нурга чўмдинг зулумот шомим,
Яратган раво айлаб энг олий эзгу комим,
Шонли сардафтарингга то абад битдим номим,
Топинганим-топганим, тилло тожим бебаҳо,
Сехринг бирлан не осий сарбаланд буюк, даҳо!

Демасман, куфр аҳлидай: “Нетдинг, найладинг мени?”
Туман минг бир бандадан сийлаб сайладинг мени,
Не зоти кабирларга мурид айладинг мени,
Сарбаланд юксакликлар томон шайладинг мени,
Манглайимга битилган эй муқаддас битик-хат,
Олмос қанот боғлаб ҳам ҳеч кучиб бўлмас хилқат.

Гофилларнинг наздида гарчи нархи арзонсан,
Беадад шукронаким, мангу боғи ларзонсан,
Иблислар пойин қирқар кескир қилич — Азонсан,
Илоҳий мусаффо-соф андозасан, мезонсан,
Белда қувват, кўзда нур, қалбимдаги кўр ўзинг,
Эзгулик кўшиғига ҳамнафас ҳам жўр сўзинг!

Қуюндай ҳеч сифмаган кенг қирлар-адирларга —
Қалбим боз мухрладим оташин сатрларга,
Оташин сатрларим михланиб хотирларга,
Не ажаб, дўнса минг бир баходир-ботирларга,
Ҳақ ханжаринг кўксимда қирқ минг қирра дудама,
Қирқ минг қирра етар бас, яна қирқ минг қадама!

Саждагоҳ меҳроб ўзинг, ҳам ҳаётбахш об ўзинг,
Эътиқод, Диёнатдай бебаҳо, камёб ўзинг,
Муваққат олам ичра барҳаёт, ноёб ўзинг,
Етмиш минг томиримда шиддат-шаҳд, шитоб ўзинг,
Камалақдай товланган руҳим минг бир рангисан,
Эътиқод, Иймон, Виждон наъраси, жарангисан!

ФИФОН

1

Рахнамо Рауф Парфи,
Эътиқодим бош ҳарфи.
Гўё хунталаб ракиб,
Эрта-кеч қилар таъқиб.
Бағрим қон қилар баёт,
Бу баётсиз йўқ ҳаёт!

2


На шоирман, на олим,
Худкуш — кушанда золим.
Тентираган теваман,
Дарди ишқинг севаман!
Хаста кўнглим доғланган,
Самоларга чоғланган.
Ёр, висолинг гар армон,
Минг бир дардимга дармон!

3

Қалбим тилар тор қафас,
Азоб бering ҳар нафас.
Кишанланг оёқ-қўлим,
Бош узра чарх ур, Ўлим!
Қалбим қон қусар, яра...
Арслондай тортай наъра!

ЮРАГИМГА...

Юрагимга етказган озор,
Дилозордан безорман, безор.
Лаънат бўлгай имонсиз касга,
Ва минг лаънат очкўз нокасга.
Лаънат Ҳақдан йироқ олимга,
Минг бир лаънат қонхўр золимга.
Лаънат дейман боз тубан ишга,
Доя-асос тубан турмушга.
Чаёндайин етказар озор,
Дилозордан Худо ҳам безор.



Кимга қалбим айладим инъом,
Тузоқ тикди, тикди минг бир дом.
Умидларим очилмай сўнди,
Пок дилимга дард-ғубор инди.
Не тонг, найдай нолалар қилсам,
Кўз ёшим боз жолалар қилсам.
Рўшноликка ташнаман-зорман,
Дарду ғамнинг дастидан хорман.

Ишқ оташи пасайган ҳамон,
Забтга олди бешафкат замон.
Дунё томин бўйлаган сайин,
Ҳақ-ноҳақни ўйлаган сайин.
Етимликда улғайган жоним,
Сағир бўлди то сўнгги оним.
Омад кулиб боқмади асти,
Тубан дунё ёкмади асти.
Хор қисматдан совуди кўнглим,
О, қанчалар дов эди кўнглим.
Хувиллаган кулбадай ғариб,
Қирқимдаёқ қирқилдим қариб.
Мажнун мисол элдан бегона,
Жонзотларга бўлсам ҳамхона,
Арирмиди дилимнинг зори,
Ёвузларнинг зарби — озори.
Ох, гулдан-да шикаста кўнглим,
Шафқатталаб зор, хаста кўнглим.
Мард йўқ бирон дардимга дармон,
Забтга олар аёвсиз армон.
Сен най мисол нолалар айла,
Ва ғижжақдай волалар айла.
Бевафо бу дунёдан вафо,
Ахтармоқлик жафодир, жафо!
Ким айтади от суриб ўтдим,
Аввал-охир оҳ уриб ўтдим.
Аввал ташна айлади меҳр,
Қақшатди сўнг муҳаббат — сеҳр!
Ҳақсизликнинг беаёв тиғи —
Юрагимни тўлдирган йиғи!
Тополмайин меъёр ва мезон,
Сўнди жоним ки барги хазон.
Гар Аллоҳга барчамиз қулмиз,
Маҳкумлармиз, мақтул, мақтулмиз:

Ҳақиқатни сўйламас ҳеч ким,
Охиратни ўйламас ҳеч ким.
Тўрт томонда лаганбардорлар,
Иблисга эш яловбардорлар.
На тартиб бор, на-да интизом,
Дунё — қонга ташна маст Низом!
Гар дилимда бисёр меҳрим бор,
Меҳримга эш, нафрат қаҳрим бор.
Ё Раб! Мен бир бандаман ожиз,
Авф эт шеърим бўлса ножоиз.
Шундай қисмат кўрибсан раво,
Сабр ҳам бер — минг дардга даво!
Гарчи хаста кўнглимга такрор,
Озор бериб, эрса-да безор,
Минг балога жонимни ночор,
Қайта-қайта айладим дучор.
Муҳаббатга муҳибман, кулман,
Кимга ёмон, кимга маъкулман.
Қалбимга боз тутарман қулоқ,
Ҳақталабман — меники улоқ!
На таъма бор, дилда на гумон,
Туғ-яловим Эътикод, Имон!
Ўз холимга қўйингиз фақат,
Эркалансам, қилингиз шафқат.
Гоҳо йиғлаб, куларман гоҳо,
Гоҳо яшнаб, сўларман гоҳо.
Парирулар жонимни олар,
Юрагимга тугёнлар солар!
Молу дунё мен учун эрмак,
Шон-шуҳрат ҳам афсона-эртак.
Юрагимни айлаб ол ялов,
Кўнгилларни ёритсам бирров —
Ҳеч шубҳасиз мамнун, беармон,
Ўтажакман дўсти кадрдон!

1990 йил

БУ ҲАЁТ

Созладим гар қалбим торини,
Ким ҳам тинглар кўнглим зорини.
Бор дунёни ашъор-шеър дедим,
Шеър деганим сайин панд едим.



Мен мураккаб билган бу ҳаёт,
Асли содда халқона баёт.
Бу ҳаётдан донишманд-доно,
Ахтармас ҳеч мазмун ва маъно.
Куйлагандай шоҳона ўлан,
Яшаб ўтар қалб амри билан.

ҚИСМАТ

Умид бирлан чўзилган кўллар,
Армон ила муаллақ қолди.
Бошлангали улгурмай йўллар,
Арсатда ғойиб, йўқолди.

Ғар қалбимда армонлар қат-қат,
Ғар надомат асорати бор, —
Нетай, ҳақли яшашга фақат,
Оташ қалбда жасорати бор!

ҚОНУНИЯТ

Тома-тома кўл бўлар уммон,
Кимларни ғарқ қилмас беомон.

Замон ҳамон ғар шошилмас ҳеч,
Мўлжалидан асло қолмас кеч.

Аста-аста ғар ташлар қадам,
Бас келолмас аксари одам.

Қадам ташлар минг йиллаб аста,
Ҳамон шитоб, навқирон-раста.

Сезилмас ҳеч оқими унинг,
Пайкамайсан ўтганин кунинг.

На даъвати бор, на хитоби,
Вале қатъий ҳисоб-китоби:

Майна қилиб, устингдан кулиб,
Бир кун олар ҳаётдан юлиб.



ҲУКМ

Очкўзнинг хаёлида
Фақатгина ҳамёни,
Тошни-да ҳазм қилар —
Еб тўймас ошқозони.
Эшигига урсанг бош,
Аввал қарар қўлингга,
Бўш бўлса гар кўлларинг,
“Кетавер, — дер, — йўлингга!”
Билолмадим қай бир сир
Имонидан айирган,
Ҳақиқат қовурғасин
Нақ сингудай қайирган.
Куни учун кулган у,
Ўлмаё туриб ўлган у,
Паймонаси тўлган у,
Эҳ, бўлари бўлган у...
Гумаштасин кўллайди,
Лаб-лунжини хўллайди,
Гар харидор чикса бас,
Онасин ҳам пуллайди.
Эътиқодин бичган у,
Эътиқоддан кечган у,
Ҳам шайтонга кўл бериб,
Шайтон сувин ичган у.
Ҳар гапида шаъма бор,
Аъмолида тама бор,
Кимдан қанча олишда
Аниқ тахмин, чама бор.
Таъсир қилмас на хитоб,
На илтижо, на итоб,
Қорн Ишкамба каби
Билгани ҳисоб-китоб.
Аъмолида залолат —
Қиёматдан далолат,
Бир куни уни қилар кўр
Таҳқирланган Адолат!

ИЛТИЖО

Қайдасан, қай томонда,
Қай тошга урай бошим?!
Ломаконман маконда,
Дўзах рад этар лошим.

Тилда такбир-тавалло,
Минг розиман баридан!
Вале Тангри таоло —
Кутқар бу чоҳ қаъридан!

Қалбимга не бегона,
Барча-барчасин ўлдир.
Қалбим телба-девона,
Бокира нурга тўлдир.

Бу маконда ломакон,
Тугади бор бардошим.
Бағринга дориламон,
Кетарман олиб бошим!

ТАВАЛЛО

Нимаики кўрдим, бари бадкирдор.

Шекспир

Беҳишт дея билдим дунёни,
Ҳар инсонни фаришта-хур деб.
Заҳмин татиб аксар риёни,
Ғазабландим минг қарра панд еб.

Гўё мудом тангу тор олам,
Гўё хира тортар кун-бакун.
Гўё ортар кундан кун нолам,
Ҳалокатли интиҳо, якун!..

Кўш қанот бўл, Ўзинг бўл дармон,
То янгратай ҳақиқат созин.
Ва баралла куйлай беармон,
Ташна қалбим муқаддас розин.

Хотирим жам айла то абад,
Ҳам иродам собит айлагин.
Юрагимда меҳру муҳаббат,
Оташнафас нафрат жойлагин.

Ром этолмас ҳеч ҳою-ҳавас,
Бахт-саодат Ўзинга сийлов.
Юрагимда ёниб турса бас,
Ёлқинланиб покиза олов.

Покиза бу аланга омил,
Бор иллатлар куйиб-доғлансин.
То беғубор дунёга комил,
Ташна қалбим мангу боғлансин.

ҚАНОАТ

Сиздан нон тиладимми,
Шухрат-шон тиладимми?!
Керак эмас шон-шараф,
Қушман — қибла тўрт тараф.

Бошим эггандан кўра,
Бошдан кечарман, жўра!
Гар чувалган минг ришта,
Гар эмасман фаришта.

Тиллога тенг ҳар оним,
Яратган мулки жоним!
Хур ҳаётнинг фаслида,
Мен ҳам меҳмон аслида.

...Ахтариб ҳикмат, савоб,
Аъмолим сажда, тавоб.
...Сиздан нон тиламасман,
Шухрат-шон тиламасман.

Қаноат бошимда тож,
Ёлғиз Аллоҳга муҳтож!
Гар беш қунлик ҳаётим,
Завол билмас баётим!

ВАСИЯТ

Кўзим юмсам, ёлғиз тилагим:
Кўзингизда титрамасин ёш.
Ғам-аламга хаста юрагим,
Тинганда ҳам беролмас бардош.

Сиз яхшиси жонсиз танамни,
Ювинг, артинг аллалар айтиб.
Эслаб алла айтган онамни,
Не тонг, ногоҳ тирилсам қайтиб.

НАСИҲАТ

Аввалию охири дема,
Ботинию зоҳири дема.
Ғар суйганинг бўлса ҳам Зухро,
Мен тенги йўқ Тоҳири дема.

Биров билсин, биров билмагай,
То ғанимлар ишин қилмагай.
Зухрайдан хабар топиб тез,
Қоработир етиб келмагай.

НАҲОТ...

Наҳот елдай тез ўтди умрим,
Наҳот куйлаб бўлди қалб — кумрим.
Кетиб борар белимдан мадор,
Наҳот яқин энг сарбаланд дор?!
Кел эй, кўнглим барчасин қўйиб,
Йиғлаб олгин тўйиб ва тўйиб.
Вафоси йўқ дунёдан йиғла,
Минг бир макр, риёдан йиғла.
Йиғлагил боз ҳасрат, аламдан,
Мудом сакта, бир кам оламдан.
Йиғлагил кел, ўтган умрга,
Дийдалардан кетган хур нурга.
Ёлғон дунё, ёлғондир яккаш,
Йиғлайвергин дилинг бўлса ғаш.

Ром айлайн десанг гар элни,
Қирқ бир жойдан танғи-да белни,
Уввос солиб йиғлагил, йиғла,
Юрақларни беаёв тиғла.
Кўзларингда ўйнаса гар ёш,
Қошингда шай жумла қари-ёш.
Гадолардан ибрат ол, ибрат,
Ожизлиги уларнинг — қудрат!
Юрагимнинг қолмагай дарди,
Мадад бўлгай десанг эл марди,
Десанг олам бўлгай махлиё,
Хожат эмас на макр, риё;
Ҳар нени қўй, айлама хавас,
Йиғлаш илмин эгалласанг бас!
Бу дунёни йиқар ё зўрлар,
Ё йиғлоқи манглайи шўрлар!
Десанг мудом қўнглим бўлгай тўқ,
Бандасига ишонма хеч, йўқ.
Оғзингдаги ошингга ишон,
Кўзингдаги ёшингга ишон!
Ишон фақат ўзинг ўзингга,
Йиғлаб-йиғлаб айтган сўзингга!
Йиғлоқликнинг ажиб сеҳри бор,
Йиғлоқига элнинг меҳри бор!
Йиғламсираб турсанг букилиб,
Келган, дейди ҳар ким, юкуниб.
Вафоси йўқ бу дунёдан кеч,
Уқубатлар бор ридосин еч.
Йиғлайвергин яхши-ёмондан,
Фанимга ён босган замондан.
Кекса онанг учун йиғла боз,
Йиғлай-йиғлай хижил қўнглинг ёз!
Қадринг учун йиғла топталган,
Мардинг учун йиғла хўп толган.
Йиғлайвергин ўтган онингга,
Минг балога дучор жонингга.
Қувватим йўқ дея чекма ғам,
Қувват ўрнин босар кўзда нам.
Ўхшай десанг мастоналарга,
Йиғлаб бош ур остоналарга.
Кўзларингдан оққан сел билан,
Эш бўлгай боз қайғули ўлан.
Лаҳад ичра ётарсан ҳали,
Бу кун — шунга йиғлаш маҳали.

Йиғла ўтиб кетганлар учун,
Ҳақ васлига етганлар учун.
Йиғла дарди бедаволарга,
Йиғлагил боз хуш наволарга.
Йигит ўлган уканга йиғла,
Хасталанган аканга йиғла.
Ўз фарзандинг учун йиғла — ёт,
Мушкулларинг учун уввос торт!
Ушалмаган орзулар учун,
Кўз ёшингга кўрсатгин кучинг!
Йиғлай-йиғлай келгансан ахир,
Йиғлай-йиғлай кетгайсан охир!
Ожизлигинг учун дод айла,
Оху ноланг марги бод айла!
Осудалик марҳумларга хос,
Сен лоақал мудом торт уввос!
Инсон хор-зор, бўларкан увол,
Кўз ёши-да қудратли курол!
Ёмғирдан сўнг дунё ёшарар,
Йиғи — дилда завкинг оширар.
Демагил ҳеч нечун ғам-қайғу,
Минг бир дардга даво бу оғу!

ОРЗУ

Хаёлингга бораман кочиб,
Хаёлингдан тилайман мадад.
Юрагимни, ишон, кенг очиб,
Айтадиган дардим беадад.

Вале қанча талпинмай, эвоҳ,
Қисқадан ҳам қисқадир қўлим.
Умидсизлик энг кабир гуноҳ,
Бизни яктан айлагай ўлим!

ХАСТАЛИК

Бошгинам ғувиллайди,
Юрагим увиллайди.
Шашқатор кўзим ёши —
Мисли сел дувиллайди.



Жонимга бедаво дард
Астойдил тиккан кўзин.
Золим кимсадай номард —
Хотиржам тутар ўзин.

Темир исканжа билан
Сиқувга олар, толмас.
Минг шукрки, кўксимдан
Тепасин бўйлай олмас!

ВИСОЛ

Дилимда бори ўчар,
Руҳим лочиндай учар.

Пастда қолар юлдуз-ой,
Чорлар илоҳий чирой.

Бегона аввал-охир,
Уйғун ботину зоҳир.

Нур бўлиб эшиларман,
Сен билан кўшиларман.

ЭЙ, ЁРОНЛАР

Қорда қолган кўзичокдай дилдирайман,
Нажот истаб ҳар тўрт томон пилдирайман.
Юрагимда кетмагай ҳеч минг бир армон —
Ҳеч бўлмаса мингдан бирин билдирай ман.

Не кунларни кўрмади бу сағир бошим,
Кўз ёшию, жигар қоним ичар ошим.
Олисларда киндик қоним тўкилган ер,
Билмам қайдан кўним топар етим лошим.

Беш кунлик бу дунёсидан шошиб ўтдим,
Худо дедим, минг бир довон ошиб ўтдим.
Гоҳ қуридим саратоннинг саҳросида,
Гоҳ Жайхундай кирғоғимдан тошиб ўтдим.

Эй ёронлар, бир гап айтай, кулоқ тутинг,
Хеч ким парво қилмас қону зардоб ютинг.
Истаманг ҳеч бандаларин илтифотин –
Энг аввало Яратганнинг лутфин кутинг!

Хирсу хавас оғзин асло ёполмадим,
Пирларимнинг ортидан ҳеч чополмадим.
Минг бир жонин фидо қилган бир мен учун
Онагинам кўнглин асло тополмадим!

Фарзандларим олдида юзи қораман,
Худо билар, не иш билан оввораман.
Икки ракат намоз кунда малол вале –
Минг мушқулим осон қил деб ёлвораман?!

Сони бору саноғи йўқ армонларим,
Ер остида ётар дардга дармонларим.
Менга армон сизга минг бор насиб этгай,
Армонларим сизга амру фармонларим!

Сиз ҳам балки мендай бағри куйган зотсиз,
Йигит зоти бўлмагай ҳеч қачон отсиз.
Сизлар билан ҳеч тўлмаган кўнглим тўлар –
Илхомимнинг сарчашмаси, кўш қанотсиз!

Қўлдан қўлга ўтар бобомерос хома,
Сиёҳ бўлар қалбим қони тома-тома.
Шеър-ашъорим битилган қалб қони билан
Мушқулингиз кушод айлар қаломнома!

Келмаганман минг бир дарддан нолиш учун,
Даъво қилмам қалбингизда қолиш учун.
Ҳам ҳабиб, ҳам табибман ҳар бирингизга
Яралганман бор дардингиз олиш учун!

БАҒИШЛОВ

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими қиёматли
биродарим Мирнўлат Мирзога*

Сўзамол, не кабир давралар гули,
Эй кўхна Сайрамнинг бийрон булбули.
Оққушдай “Нексия” боз остингизда,
Улуғлик офтоби бўй-бастингизда.
Бу хислат Тангрининг мукофотими,
Шоирлик хислатин шарофатими.
Гар макр-ҳийлага бегонасиз Сиз,
Мурота бобида ягонасиз Сиз.
Абдулла Орифлар ҳамроҳу ҳамроз,
Қай улуғ зот каби оқсайсиз бир оз.
Чиғатой қавмининг ворис-наслимиз,
Не тонг, қариндош ҳам бўлсак асли биз.
Минг шукр, амалда, ҳамон ишдасиз,
Мени ҳаёт ила боғлар риштасиз.
Бисёр гар теграмда ҳамроҳу ҳамроз,
Машрабона қалбим англагувчи оз.
Уларнинг топгани-тутгани ҳам пул,
Тангридан эрта-кеч кутгани ҳам пул.
Юҳолар наздида мол-мулк, сармоя,
Ҳаёт пойдевори, муқаддас моя.
Эриш туюлмагай Сизга бу сўзим,
Бамисли очилди учинчи кўзим.
Дейдилар: хунардан барака унар,
Айирар ё қўшар башарни хунар.
Қовушмас ишчи ва деҳқоннинг гапи,
Аҳли тижоратнинг ўзгача таъби.
Фикру зикри шаҳар аҳлининг катта,
Тоғ эли феълидан ўзга, албатта.
Ижод сеҳри ила боғланганмиз биз,
Мангулик қасрига чоғланганмиз биз.
Шоирмиз! Қалбларга ёр илохий сир,
Шоир сиймосида бедор хозик пир.
Қалби кони ила битар ашъор-шеър,
Чин шоир Ҳақиқат, Адолатни дер!
Жумла иллатларга такрор тикар дом,
Олам саодатин ўйлагай мудом.



Кўрсатдингиз такрор Хотамдай ҳиммат,
Ва топдим камина кадр ҳам қиммат.
Сирли хислатингиз бисёр бегумон,
Бежиз бўлгани йўқ Домла Қаҳрамон!¹

• • •


Баъзида беадок муаммо, савол,
Бедор бу инингиз айлағай беҳол.
Ким эдик? Ким бўлдик? Бўлолмадик ким?
Фикру зикримизга қай ҳислар ҳоким?
Кечиб ўзимиздан жасур, мардона,
Қай аламдийдага бўлдик парвона?
Имон, эътиқодга ташнаҳол, толиб,
Нафсимиз устидан бўлдикми голиб.
Эзгу фазилатлар камол топдими,
Ва ёхуд бори ҳам завол топдими.
Бир кун кетар бўлсак биз бу дунёдан,
Қай макон топармиз биз у дунёдан.
Дўзахми, Жаннатми биз учун арзир,
Ва ё Аросатми муштоқ, мунтазир.
Отамиз — етказдик вояга кимни,
Нодон-ношудними ва ё олимни?!
Оллоҳнинг бандаси муслим-мўминлар,
Ақлимиз ром этар қай сохта “дин”лар.
Ҳокимми амалдор ва ё мулозим,
Гар ҳар ким ўз бурчин ўташи лозим;
Қолиб қисматдаги эзгу амаллар,
Чираниб неларни қилдик қамаллар.
Розими биздан ҳеч туққанларимиз,
Раҳбарми ҳар ишда уққанларимиз.
Надомат тошларин отиб тўрт томон,
Қолдикми ва ёхуд гуноҳга ёмон.
Ҳокимми ҳар ишда замонга зайли,
Ва ё ҳур қалбимиз илоҳий майли.
Ҳақиқат қон йиғлаб турган ониди,
Ҳамдард бўлдикми ҳеч сарбаст ёнида.
Вазият ҳолимиз айлағанда танг,
Тубанлик билан тенг қилдикми ҳеч жанг.
Ёндик, турфа қисмат ўтида ёндик,
Инсонлик шаънидан гоҳида тондик.

¹ Марҳум устоз Озод Шарафитдинов “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири сифатида Ўзбекистон Қаҳрамони унвони олганига ишора.

Гоҳида ғафлатда, гоҳида огоҳ,
Қай зотлар куйига рақс тушдик гоҳ.
Унутиб бир лаҳза ямлаб ошарни,
Бойита билдикми мулки башарни.
Фалакни титратса дод-оҳларимиз,
Кимларнинг бўйнида гуноҳларимиз.
Англаб етдикми ҳеч наср ҳам назм,
Қанчалар муаззам, қанчалар азим.
Лоақал бир бора жасур, беҳадик,
Ҳақиқат кўзига қарадикми тик.
Ғафлат уйқусини тарк этиб бир кеч,
Оллоҳнинг зикрини қилганмизми ҳеч.
Тушса тарозуга бор аъмолимиз,
Вазминлик қиларми ҳеч ҳалолимиз.

* * *


Елар шитоб учқур йиллар самани,
Ортда қолди навқиронлик чамани.
Гарчи ҳамон шеърпарастмиз, шоирмиз,
Аслан бу кун носирликка доирмиз.
Бу кун ортик ёш-ялангдай шиддат йўқ,
Қаршимизда сарҳад билмас муддат йўқ.
Бундан буён ҳар дақиқа, ҳар бир он,
Яратгандан асрларга тенг имкон.
Бизнинг ёшда кимлар қалби қотар тош,
Кимлар бўлар сиз сингари элга бош.
Ким айланар пайғамбарга, даҳога,
Ким айланар нафси ўпқон, юҳога.
То навқирон қалб амрининг сарбози —
Аксарият манфаатнинг дорбози.
Хасисликда Ишқамбадан ўзар ким,
Мансабидан айро тушиб тўзар ким.
Фитналарнинг конига ким айланар,
Кимлар кетган, ким кетар, ким шайланар...
Одилдан ҳам қотилимиз кўп бизнинг,
Дастимизда бадбўй-бадном чўп бизнинг.
Баланду паст жумла ишлар бизга тан,
Умид ила нигоҳ тикар эл, Ватан!
Биз унутиб элу юртни, улусни,
Қийратамиз нарда, пирра, қулусни.
Замон-макон биздан умид узмас ҳеч,
Биз ароққа зўр бергаймиз эрта-кеч.



Ёқтирмаймиз асти гапнинг ростини.
Мўлжаллаймиз тек буруннинг остини.
Кемирар боз қора ҳасад куядай,
Ва ғувулар бошлар чумчук уядай.
Дарду ҳасрат қилар қадам ранжида,
Хира тортар муҳаббат — қалб ганжи-да.
Ўрта авлод — на пой эрур, на калла,
Аросатга ўхшаб кетар бу палла.
Асабимиз гаранг, қулоқлар гаранг,
Бардошимиз етиб-етмайди аранг.
Катталардан “қизғанган” қаҳримизни —
Кўшиб уйда сочармиз заҳримизни.
Ёнимизда ёшлик оқар айқириб,
Етолмаймиз бизлар унга ҳайқириб.
Кўксимизда армонларнинг занглари,
Ўйимизда ўрта ёшнинг ранглари.
Маъно юклаб ки боз ҳар бир қадамга,
Яқинмиз гар мудом мулки адамга:
Умидвор боз биздан етим-есирлар,
Умидвор боз майиб-мажруҳ, басирлар.
Умидвор боз алданганлар хор-ғариб,
Кимлар сарсон биздан нажот ахтариб.
Фуруримиз кўксимизда мудраган,
Имонимиз Ҳақ йўлига судраган,
Виждонимиз — қалбимиз қилган пора,
Қадр ҳамда қимматимиз бечора.
Турфа тузум телба қилган шахсимиз,
Ўзлимиз — қудратимиз, нақшимиз.
Ноҳақ азоб тортаётган маҳбуслар,
Муҳаррикдан ҳеч фарқи йўқ маҳсуслар.
Ва қотиллар одамийлик бегона,
Умидвор боз ҳатто далли девона.
Ҳам умидвор таҳқирланган моҳлар ҳам,
Ҳам умидвор қаҳри қаттиқ шохлар ҳам.
Гуноҳкорлар пушаймон ўз ишидан,
Умид кутар биздай ҳар бир кишидан.
Замон неки, ҳам мозий, ҳам келажак,
Халоскор деб биздан умид кутажак.

• • •

Айланиб замона хувайдосига,
Етдикми қалбимиз сувайдосига.
Домла Миртемирдек жўмард ҳам танти,
Видо кўшиғимиз тайёрни банди.



Не қилдик муаззам ҳам азим Ватан:
“Ўғлоним!” деб бизни олгудайин тан?!
Фаластин мардлари ёққан аланга,
Асти туташганми бизнинг ҳам танга.
Умримиз бахш этиб улуғ ғояга,
Етказа билдикми асти вояга.
Оллоҳга банда ҳам Расулга уммат,
Бўлгудай топдикми кадр ҳам қиммат.
Айланиб ҳам четлаб мардлик дарасин,
Бўғиб ўтдикми ё Виждон наърасин?!

* * *

Менинг ғойибона ҳамроҳ, ҳамдардим,
Сизга айтмай кимга айтайин дардим.
Қаро айлаб кимлар оппоқ юзимни,
Афсус-надоматга бурди сўзимни.
Қопағон ит каби қақшаб хурдилар,
Умрим ниҳолига болта урдилар.
Бусиз ҳам беш кунлик ҳаётим асти,
Бешафқат қайчилаб ташлади дасти.
Надомат ярашмас гар эр кишига,
Лаънатлар айтаман тақдир ишига.
Ҳаётим йўлига тикканлар тузоқ,
Рўйхати, во дариф, узундан узок.
Қузғундай чарх урар гарчи бошимда,
Ғарқ бўлар қон ютиб қонли ёшимда.
Унда биров билмас гадодан тортиб,
Не кабир зотлар-да қолгувси ортиб.
Адолатни эзиб-топтаб янчганлар,
Аслан нақ кўксимга қилич санчганлар.
Қай қаттол ҳақиқат узра от солар,
Қалқонсиз кўксимни нишонга олар.
Замона зўр ила ҳам зарники то —
Ором йўқ мен учун қабрда ҳатто.
Ҳақиқат қуёши бўлиб порлайман,
Имон-этиқодга элни чорлайман.
Ҳар қаттол баттолни ер қилар шеърим,
Хору зор ҳар касни шер қилар шеърим.
Иқбол томон шитоб кетиб борар у,
Нурли манзилларга етиб борар у.
Не тонг, ташна этган мунаввар олам,
Ёд этиб, шод этса руҳимизни ҳам.



Оғам! Гар кўксимда доғимларим бисёр,
Сиз каби Помирдай тоғларим бисёр.
Ҳазрати Хизр боз тутиб қўлингиз,
Очиқ қилгай Оллоҳ юрар йўлингиз.
Уйингизда мудом тўй ҳам тантана,
Юксак мартабалар тилайман яна.
Асраб Ўзи такрор жабру жафодан,
Асти айирмагай меҳру вафодан!
Қабул айлағайсиз минг бир саломим,
Ҳам Сизга бахшида эзгу каломим!

Далв, 2003 йил

«ЎЗБЕГИМ»


Эркин Воҳидов қасидасига мусаддасдан

Эй, самандар мисли мангу безавол жон, ўзбегим,
Қанча ёзмай асло битмас шеъру дoston, ўзбегим,
Арши аълодан илоҳий бўлди фармон, ўзбегим,
Гоҳи шодон, гоҳи бағри қайнар вулқон, ўзбегим,
Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру оқсоч Тиёншон, ўзбегим.

Туркий авлодим жаҳонгир мангу боқий дастхати,
Айлаган Чингизни ҳам дол Мангуберди шиддати,
Мард Широқнинг то қиёмат порлагай шаён талъати,
Бахтимиз бут то абад Парвардигор ҳақ ҳиммати,
Сўйласин Афросиёбу сўйласин Ўрхун хати,
Кўхна тарих шодасида битта маржон, ўзбегим.

Кун чиқарда гарчи қалқон чўнг паноҳдир Тангри тоғ,
Мўр малахдай босди ёғий дастида қонли яроғ,
Бўлди яксон минг шаҳар ҳам бўлди яксон мингта боғ,
Қисматингдан қисса сўйлар то хануз ҳар сўлу соғ,
Қайсари Рум найзасидан бағрида доғ узра доғ,
Чингизу Боту тивига кўкси қалқон ўзбегим.

Қўйдилар фозилларинг ҳақ алжабрнинг тамалин,
Уммон ортин ал-Беруний топди кўрмоқ амалин,
Орзу айлар не бир эллар ал-Бухорий камолин,
Айлаб баланд тожу тахтдан илму урфон бадалин,



Тузди-ю Мирзо Улугбек Кўрагоний жадвалин,
Сирли осмон тоқига илк кўйди нарвон, ўзбегим.

Сўз тополмам таърифингга, сўз тополмам ҳеч қачон,
Булбулингдан ҳеч қолишмас қумрилар ширинзабон,
Борми ҳеч ўғлонларинг забт этмаган шонли довон,
Лол этар аҳли башарни марду майдонлар ҳамон,
Мир Алишер наърасига акс-садо берди жаҳон,
Шеърият мулкида бўлди шоҳу султон, ўзбегим.

Мард-жасур Алпомишимсан ҳам музаффар, довюрақ,
Қизларинг Барчин мисол озодаю ҳам оқбилак,
Беллашар Юсуф ила ой юзли ўғлонлар малак,
Таърифингга сўз тополмай не ажаб бўлсам ҳалак,
Тарихинг битмакка, халқим, мингта Фирдавсий керак,
Чунки бир бор чеккан оҳинг мингта дoston, ўзбегим.

Марҳамат этди сенга боз толеинг хўп боқарам,
Йитди кулфат, йитди зулмат, йитди озору алам,
Битди дилда минг асрлар силқиган қонли ярам,
Қадди-бастин осмондай тиклади юртим — қаълам,
Ортда қолди кўҳна тарих, ортда қолди дард, ситам,
Кетди ваҳминг, битди захминг, топди дармон, ўзбегим.

Қир-адир ҳам дала-даштинг биз ўтармиз боғ қилиб,
Қатра ҳар гардинг қадрлаб, жон каби ардоғ қилиб,
То абад бағрингда яйраб, ҳам димоғни чоғ қилиб,
Шод этиб хеш-ақрабони, ёв дилини доғ қилиб,
Фахр этарман, она халқим, кўкрагимни тоғ қилиб,
Кўкрагида тоғ кўтарган танти деҳқон, ўзбегим.

Куйламакка таърифингни не учун жаҳд этмайин,
Чорласанг, жон бергали, бас, не учун аҳд этмайин,
Қувватим сарф этгали боз не чун тахт этмайин,
Сен учун минг бир довонни не учун фатҳ этмайин,
Ўзбегим, деб кенг жаҳонга не учун мадҳ этмайин,
Ўзлигим билмоққа даврим берди имкон, ўзбегим.

Мен онаминг эрка ўғли, ҳам асал, ҳам қандиман,
Эл учун минг бир юмуш, минг мушкулотга бандиман,
Эл аро гар то хануз хур ишқпараст ҳам риндиман,
Шер мисоли наъра тортсам не ажабки энди ман,
Мен буюк юрт ўғлидурман, мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам содиқ ўғлон, ўзбегим.

НАВОИЙ

Достон

Ёлғиз қалам тебратади. Ҳаж сафарига тайёргарлик кўриш мақсадида сўнгги ишларини ниҳоясига етказиш тадоригида. Хуросон аҳли фаровонлиги йўлида сарфлаган куч-гайрати етарли эзгу натижалар бермаганидан юрак-бағри ўртанади:

Элу юрт гамида ўртадим жонни,
Фаровон бўларми дедим замонни.
Умид кўзин тиккан мендай мардига,
Даво бўлолмадим элнинг дардига.
Қирғин-баротлардан тутдай тўкилган,
Заҳматдан қомати етти букилган,
Вабою ўлатлар бало бошингга,
Ҳар номи амалдор шерик ошингга.
Солиғу ўлпонлар саноғи йўқ ҳеч,
Жисмингга ёпишган бамисоли печ.
Бироқ маломатдан чиқмайди бошинг,
“Хиёнат ёрингдир, жафо йўлдошинг!”
Бир кўлинг меҳнатда, бири урушда,
Умринг гулдай сўлар оғир турмушда.
Минг алам, минг ситам, жафога шайсан,
Тобакай рўшнолик кўрмай яшайсан.
Тобакай рўшнолик ширин туш бўлар,
Озурда кўнглинг, айт, қачон хуш бўлар.
Маст-аласт шоҳларнинг кирарми ақли,
Ё мангу армонми саодат нақли.
Юкинг зиммангдаги оғирдан-оғир,
Токабай елкангни айлагай яғир.
Хор қисмат карвони имиллар нечун,
Қай замон толега етишгай очун?!
Мен орзу қилардим шундай замонни.
То бахти очилгай ҳар бир инсонни.
Илм нури ила диллар чароғон,
Чўлу биёбонлар яшнаб фаровон.



Овуллар чиройи шаҳардан аъло,
Элни қийратмаса минг турли бало.
Қашшоқлик эл учун афсона бўлса,
Омбор донга, диллар нур билан тўлса.
Ва шундай комрон мамлакат шоҳи,
Ки ҳар бир фуқаро пушти паноҳи.
Эй умид кўёши, порлайвер, порла,
Шитоб чорла, толе қасрига чорла!

Бир оз тин олгач, давом этади:

Яшаб қўйдим салкам пайғамбар ёшин,
Шитоб ўтди умрим — йилдирим, яшин.
Мен каби шоирни кўп қўрган дунё,
Шоирлар тугилгай бир-бирдан аъло.
Улуғ устодларнинг қўллади руҳи,
Темурий Бойқаро даврин шукуҳи.
Ҳар мисра, байгимга қанот боғлади,
Боз ижод гулшани сари чоғлади.
Арзигаёй минг қарра айгсам шукрона,
Аксарият кулиб боқди замона.
Салтанат устунни -- вазири аъзам,
Шоири замонман — улуғ, муаззам!
Ҳам устод, ҳам ҳабиб мавлоно Жомий,
Мадад бўлди мудом, беминнат ҳомий...

*Сарой. Навоий қадрдон дўсти
Ҳусайн Бойқаро билан*

Навоий:

Номимни ёд этурлар менинг,
Рухимни шод этурлар менинг.
Шеърлар битдим қалб қоним ила,
Эътиқодим-имоним ила.
Умрим бўйи айро тушмадим,
Ҳою-ҳавасларга ўчмадим.
Яккаш ёниб ижод қилдим боз,
Ижодимни қисмат билдим боз.
Достонлардан инжу яратдим,
Олам аҳлин бунга қаратдим.
Минг ранж ила чекиб боз алам,
Аҳли туркни этдим якқалам.



Орзуларим — эзгу ниятим,
Авлодларга пок васиятим,
Оташ қалбим — ором бегона,
Мисраларда яшар мардона.
Бу диёрдан энди кетгайман,
Ҳақ васлига жадал еткайман,
Гарчи Сиздан яқин кишим йўқ,
Бунда ортиқ қилар ишим йўқ.

Хусайн Бойқаро:

Дўстим, менинг ишонган тоғим,
Қиёматли қондош ўртоғим!
Сиздан бўлак, айтинг, кимим бор,
Сизсиз Ҳирот ғариб қафас, тор.
Жаннатмакон бобом яловин,
Қандакордай топиб қаловин,
Ўттиз йилки мен билан бирга,
Элтиб етиб келдик шу ерга.
Мен-да ҳориб, тойганман ҳолдан,
Хабардорсиз оғир ахволдан.
Сиз туфайли тахтда комрон,
Юрт сўрадим, дўстим, беармон.

Навой:

Йўқ, йўқ, айни Сиз боис, шохим,
Яратганга етдими оҳим,
Давлатингиз соясида хур,
Ижод этмиш камина масрур.
Сўзнинг аслин айтар бўлсам гар,
Юксак толе бўлиб муяссар,
Сизга лойиқ вазири кабир,
Эл корига айладим тадбир.
Аксарият ўртаб бу жонни,
Англаб етдим сирли жаҳонни.
Шу боис ҳам деяверинг хўп,
Асти, дўстим, сиздан қарзим кўп.

Хусайн Бойқаро:

Камтарсиз хўп таҳсинга лойиқ,
Бежиз сизни севмас халойиқ.
Сўранг ҳар не, сўранг, марҳамат,
Ҳижратдан сўз демангиз факат.

Навоий:

Менда истак не қилар, дўстим,
Бирга-бирга улғайдим, ўсдим.
Дарди дилим сизга хўп аён,
Такрор бўлғай гар этсам баён:
Навосизлик наво мен учун,
Давосизлик даво мен учун...
Армонларим бисёрдан бисёр.

Ҳусайн Бойқаро:

Сўйлайверинг тортинмай зинхор,
Дастимизда бутун салтанат!

Навоий:

Салтанатми ёхуд шайтанат?!
Ундан ҳеч бир топмадим маъно,
Яккаш таъма, яккаш таманно.
Эл ризқини боз этган туя,
Амалпараст каззобга уя;
Гарчи ташдан зарҳал-ялтирок,
Бироқ ичи тубан, қалтирок;
Айшу ишрат авжига минган,
Кибру ҳаво дилларга инган.
Таъмагирлар айлаган макон,
Доно учун сарой — тор зиндон!
Амалдор эл-улусни талар,
Ҳеч уялмай пойингиз ялар.
Калондимоғ айёр вазирлар,
Фиску фужур, фитна хозирлар.
Йирткичдайн хом-хариш еган,
Миршабларнинг дегани деган.
Қозиларнинг дастида қонун,
Ичар улар шўрлик эл қонин.
Қилмишларин қўймас ўғрилар,
Зиндон тўла оқил, тўғрилар.
Солиқчилар боз шилиб элни,
Машаққатсиз букмайин белни,
Туваги ҳам тиллодан хатто,
Наф йўқ ғўр, гўл муллодан хатто.
Бундай юртда мен учун жой йўқ,
Ҳири — зиндон, юлдуз йўқ, ой йўқ.

Хаммасидан кечайин такрор,
Хирқамни ҳам ечайин такрор,
Алданибман такрор кўз тикиб,
Обрўйимни эл ичра тўкиб,
Хуфиялар, ё Раб, қўйдингиз,
Юрак-бағрим тигсиз ўйдингиз.
Мен ношуд-чи бандаи нодон,
Салтанат деб фидо қилдим жон...
Бирок армон қилмасман зинҳор,
Чўнг тасалли ҳам чўнг толе бор:
Неки қилмай эл учун қилдим,
Эл-юрт дардин муқаддас билдим.

Хусайн Бойқаро:

Элим-юртим деганингиз не,
Ҳижрат гамин еганингиз не?!

Навоий:

Гар инсон йўқ орзу-армонсиз,
Борми бир зот мендай имконсиз.
Эсиз бисёр орзу-ниятим,
Букилди боз пок ҳамиятим.
Умидларим дўнди саробга,
Ва айланди қалбим харобга.
Гарчи бисёр хайрихоҳларим,
Қўкка ўрлар фарёд-оҳларим:
Золимлар ҳеч қўймас зулмини,
Олимлар хор айлар илмини.
Амалдорлар ўз элига ёв,
Мушугин пишт демайди биров.
Бу эл учун қайғурдим жуда,
Бари кетди бироқ беҳуда.
Очларини тўйдирсам дедим,
Ғарибларнинг гамини едим.
Мадрасалар зиё маскани —
Қурдим, бироқ фозиллар қани?!
Қани ахир Мирзо Улуғбек —
Янглиғ илм осмонида Бек.
То тирикман, тирикман токим,
“Халқим!” деган кўрмадим ҳоқим.
Мингбошилар майлига бироқ,
Ўнбоши ўз қавмидан йирок.

Ким минибди амал отига,
Кибрланиб инсон зотига,
Сурувдаги қўйдаин қарар —
Қандаин эл корига ярар?!

Элим обод кўрсам дедим боз,
Дилини шод кўрсам дедим боз.
Шу мақсадда яратдим боғлар,
Боғларим, воҳ, забт этди зоғлар.
Меҳрим кимга бердим зиёда,
Афсус тошин тердим зиёда!
Бу эл ҳануз ғариб, юпун, оч,
Аксарият гадо, яланғоч.
Бу юрт қачон бўлгай фаровон,
Юрак-бағрим ўртар шу армон.

Ҳусайн Бойқаро:

Абдуллатиф янглиф ғофил, ғўр,
Шаҳзодалар тахтталаб, нонкўр,
Ўткинчи тахт, айшу ишрат деб,
Енгилса-да минг бора панд еб,
Ҳануз қаттол кайрайди қилич,
Тинч қўймас ҳеч, салтанатни тинч.
Улар ёвуз, улар бешафқат,
Дўстим, сиздан ҳайиқар фақат!

Навоий:

Тож бор экан, то бор экан тахт,
Эл-юрт билмас не эканин бахт.
Шаҳзодалар талашгай уни,
Дарё бўлар бироқ эл хуни.
Ох, дўстгинам, ранжиманг, бироқ
Адолатдан жумла шоҳ йироқ!
Салтанатлар азалдан-азал,
Авомга ён босмас ҳеч маҳал.
Мана бизнинг аҳли Хуросон —
Ҳолин кўриб, бағрим бўлар қон!
Йўқ, яхшиси мен ҳаж баҳона
Олисларга бўлай равона!

Ҳусайн Бойқаро:

Тушунаман, гар топса имкон,
Ҳаж қилмоғи фарз ҳар мусулмон.

Осойишта бўлсайди замон,
Кетар эдик бирга бегумон!
Кучдан қолиб қариганимда,
Шоҳликдан-да хориганим-да,
Хушламаган қай ишим Худо,
Ҳаловатдан айлади жудо.
Шаҳзодалар фаним бир ёндан,
Шайбоқхон бор шимол томондан!
Темур бобом арвоҳи ҳаққи,
Ғанимга хор этмайлик халқни.
Ўзингизга аён вазият,
Шафқат билмас ғаним бадният,
Ҳирига ҳам чанг солгай охир,
Бир замонки, қиёмат зоҳир.
Дўстим, бўлинг менга қўш қанот,
Самарқандга от солайлик, от!
Боболарнинг руҳин этиб шод,
Ғанимлардан айлайлик озод!
(ўйчан, ўзи билан гаплашаётгандай)
Минг бир дарддан оромим йўқ ҳеч,
Неча кунки, ҳар оқшом, ҳар кеч,
Темур бобом кирар тушимга,
Сизга айтмай айтайин кимга:
Салтанатнинг ғамини ейди,
“Ғафат сендан умидим!” — дейди.
“Бобом руҳи бўлсин десанг шод,
Ватанингни қил, — дейди, — озод!”

Навоний:

Яна устун келди қўлингиз,
Навоний боз сизнинг қулингиз.
Ким ватанга фидо этар жон,
Ҳаж савобин топар бегумон!

*Навонийнинг бу хитобидан мамнун Хусайн Бойқаро
қадрдон дўстини бағрига босади.*

2000 йил

Ғазал Ҳўлида



МАРДУМИ ЎЗБЕКИСТОНМАН

Ким учун яхшию кимга ёмонман,
Мозийдан иқболга учган камонман.

Не ажаб, боғларим сермева, ларзон,
Боболар ардоқлаб қадаган донман.

Кун-бакун рухоний суврат-сийратим,
Бокира Эътикод, тоза Имонман.

Кулмангиз шайтонлик голиб келса гоҳ,
Минг шуқр, эл аро мен-да инсонман.

Қаҳру ғазаб бирлан тутинмадим дўст,
Ва лекин жавҳари меҳрга қонман.

Келдиму кетмоқлик кўйига тушдим,
Беш кунлик дунёда ахир меҳмонман.

Бус-бутун бўларми элнинг бахти деб,
Жафокаш юрт бирлан жигари қонман.

Агарчи илгимда музофотим йўқ,
Қасрваш қалб бирлан сийрати хонман.

Навоий даҳоси ёру мададкор,
Қодирий, Фитрату Усмон, Чўлпонман.

Аҳли дил ҳамдарду яловбардори,
Ки мен ҳам шоири дилбар замонман.

Гардига Ҳамиднинг минг жони фидо,
Бахтим бут — мардуми Ўзбекистонман.

ХАСТАМАН

Хастаман, дардимга бир даво борми,
Навосиз қалбимга ох, наво борми?

Нидо қилдим ахтариб ороми жон,
Даъватимга бирон бир нидо борми?

Бошимда савдойи ишқ ғавғолари,
Дашти ишқда мен каби гадо борми?

Кўйингда садқа этдим минг жонни ҳам,
Йўлингда мен каби бир адо борми?

Тилимда ҳам дилимда зикри ёр, эй,
Етти иқлимда ортик мато борми?

Дилимнинг ноласидан жаҳон вайрон,
Ҳамиднинг кўнглидек соз сато борми?

Чиқолмам ҳеч бу хижрон чоҳидан, ох,
Билолмам, ёр, бирон сир дуо борми?

Элингдан бадгумонсан, ғафлатзада,
Аъмолингда разолат-риё борми?

Ҳикмати аҳли дониш ташнасиман,
Илм нуридан аъло зиё борми?

Кутма имон молшараст кавмидан, ёр,
Молу давлат ичра ҳеч ҳаё борми?

Ташналаб ўтди Ҳамид умид бирлан —
Ки жаннатда суви соф дарё борми?

ЖАМОЛИНГДА

Жамолингда илоҳий, ёр, латофат бор,
Жилвасида жонимга минг бир офат бор.

То бедаво дарди ишққа мубталоман,
На ўнгу на тушимда, ох, ҳаловат бор.



Кулиб боқдинг юзингда ишвалар ўйнаб,
Висолинг гар умид қилсам кафолат бор.

Кетай дейман тутиб баринг то қиёмат,
Нетай, хайҳот, йўлимда минг касофат бор.

Нахот сендек парирухсор ила ёндош,
Минг жаҳолат, минг тубанлик, қабоҳат бор?!

Илохийлик нури порлар кўзларингда,
Ўзинг айт, ёр, бунда қандай каромат бор?!

Хатти ҳолинг, лафзи болинг, қилу қолинг,
Ҳам навниҳол қомагингда камолот бор.

Пойингга бош урса не тонг жумла жаҳон,
Лутфингда, ёр, хур қавмидан аломат бор.

Мен бунда зор, сен унда зор, бу не бозор,
Ҳар ишингда, бир кам дунё, камомад бор.

Чехраи олингдин абгор осмонда ой,
Зиёсидан қалбимда жўш — даромад бор.

Оташи ишқ ичра куймоқ пеша менга,
Ишонмам ким деса: бунда хурофот бор.

Жамолингдан жами олам чаман бўлғай,
Ҳамид дерки: то қиёмат саломат бор!


ФИРОҚИНГ ЎТИДА

Фироқинг ўтида ёнган қулингман,
Боғингда сайроқи шўх булбулингман.

Не тонг ўтсанг боқмай ҳолимга бир бор,
Оёфингга илашган хор гилингман.

Раҳм айлаб висолинг жомидан тут,
Бу бўстон саҳнида меҳмон гулингман.

Дилингга тушмагай шубҳа-иштибоҳ,
Муродингга етказар дулдулингман.



Қисиб қўйди зурриёддан дема ҳеч,
Керак бўлса ҳам қизу ҳам улингман.

Бехабарсан, эртаю кеч худ-бехуд,
Босиб ўтар ялангтўш ул йўлинг ман.

Саболар ҳам наволарга қулок тут,
Тўрт томонинг — ҳам ўнгу ҳам сўлингман.

Не савдолар тушмагай, ёр, бошингга,
Ҳар бирида корингга шай элингман.

Дўсту ёринг жони ичра жон бўлсам,
Фаним кўзга тортилгувчи милингман.

Қўрсатмагай доғингни ҳеч худойим,
Йўқса, ёниб йитгувчи хор кулингман.

Хамиднинг сиймосида кўр ўзингни,
Сувратинг ҳам сийратинг ҳам дилингман.

ЙИҒЛАЙ-ЙИҒЛАЙ

Йиғлай-йиғлай икки кўзим кўр бўлмаса,
Манглайим ҳам бунча, ё Раб, шўр бўлмаса.

Шоирликни даъво қилма бехуда гар,
Юрагингда оташ, олов, кўр бўлмаса.

Навоийнинг нигоҳи-ла дунёга боқ,
Шогирдлик хайф, устозидан зўр бўлмаса.

Хор этди деб кўзингда ёш, дилинг-да ғаш,
Кафилдирман гар ўзи ҳам кўр бўлмаса.

Ҳар кимсага инсоф бергай Ўзи аввал,
Танҳо илинж, Худойимдан сўр бўлмаса.

Дўсту ёрдан фаним кўп деб бўлма хайрон,
Дунё дунё эмас мору мўр бўлмаса.

Тушмасдим-эй бир парининг домига рост,
Муҳаббатнинг риштасидан тўр бўлмаса.

Салтанатга етолмаса ҳеч йўқ ажаб,
Амир, Саййид, Эшон, Тўра, Мир бўлмаса.

Бўлармидим фаришталар қавмига ёр,
Суйганим гар малаксиймо хур бўлмаса.

Ҳамид, қўлда қалам мудом, тилингда шеър —
Қайда эди, Абдуллодек пир бўлмаса!

ХАБАР КЕЛДИ

Такаллум айласам не тонг, дилбаримдан хабар келди,
Дилим нурли чаман айлаб, қатида ой-қамар келди.

Жафо чекдим висолининг умидида дилим хушлаб,
Шукурлар айтайин такрор, ниҳоят илк самар келди.

Беошиён дилимнинг ҳам беустухон тил дастидан,
Ки дод айлаб бораёй кимга, бошимга минг хатар келди.

Одамзот оласи ичда деганлар сўзламишлар ҳақ,
Сирги силлиқ кимсалар сийратан тошу табар келди.

Аҳли дониш қавмининг бошини ҳар қайда ҳам кўрдим,
Не боис айт, хурзода эл кабутардай мустар келди.

Билиб бўлмас келар пайтин бу илҳом муждасин, ё Раб,
Гоҳи кундуз, гоҳи окшом, гоҳ шому гоҳ саҳар келди.

Дўсту ғаним демай бори улусга бол-асал тутдим,
Ки қайтарда тобоғимда аксарият заҳар келди.

Не тонг сендек парирўни тополмай дарбадар кезсам,
Азалдан минг туман элга ягона гули тар келди.

Яратган хикмати ақлинг наҳот лол айламас, дўстим,
Ки ҳар элда ҳар ўғлонга муносиб бир дилбар келди.

Навоий нағма созидир, хонишига Ҳофизлар эш,
Шу боис ҳам Ҳамиднинг шеъру ашғор шакар келди.

ЮЗИНГИЗДА

Юзингизда хандалар,
Пойингизда бандалар.

Бандаларга қўшилиб —
Бўлибман шармандалар.

Аҳли ишқ то киёмат,
Ўт аро — гулхандалар.

Гулханда демай асти
Ҳақиқий ватандалар.

Аҳли башар беш кунлик
Омонат мўрт тандалар.

Кафанга дўнар бир кун
Эгнингдаги жандалар.

Ким чиқолмас уйдан,
Кимлар Чин, Адандалар.

Кимлар қайларда сарсон,
Кимлар хур гулшандалар.

Аччиқ армон кўксимни —
Рандалар, боз рандалар.

Пешволик қилар даъво —
Ёлланма корандалар.

Чалдим қилиб қалбимни
Жарангдор чирмандалар.

Борми сендек, эй Ҳамид,
Ўтнафас гўяндалар.

БЕХАБАРСАН

Беҳабарсан, ишқинг билан ёнар жоним,
Қачон васлинг шаробига қонар жоним.

Шабнам янглиғ пок муҳаббат орзусида
Юрак-бағрим хунолуд ол-анор жоним.

Хирсу давлат, тубан шавкат пеша кимга,
Аёвсиз ишқ адаб менга ҳунар жоним.

Бу дийдалар селобидан этиб уммон,
Ошиғидан тоқайгача тонар жоним.

Пойи узра бош ургали ҳар лаҳза шай,
Ошуфтасин тоқай тубан санар жоним.

Ишқинг ила не жафолар кечди бошдан,
Тобақай, айт, ситамларга қўнар жоним?

Бетақаллуф қалб қасрига қай қутлуғ он —
Диёнату инсоф, имон инар жоним.

Бевафодан вафо истаб ногоҳ бевақт,
Не тонг, агар армон билан тинар жоним.

Ногаҳонда қўз юмса гар ошиқ Ҳамид —
Васлинг истаб чечак янглиғ унар жоним.

ЁР АЙЛАГАН

Бизни қўйиб ўзгаларни ёр айлаган,
Қўзларимга кенг дунёни тор айлаган.

Дард устига дардим бисёр этса-да ишқ,
Кечолмам ҳеч, йўқдан мени бор айлаган.

Аҳли дониш суҳбатига талпиндим боз,
Нодон борки, Ҳамид мудом ор айлаган.

Азал-абад хору забун аҳли ошиқ,
Дўсту ёрни ким ҳақ, ноҳақ хор айлаган.

Дунё ишин англаб бўлмас, бу не асрор,
Кимни лочин, кимни сору мор айлаган.

Беимонлар дастидан дод этма, Тангрим,
Ҳар бирига қилмишидан дор айлаган.

Имони бут банда борки, барчасининг
Мушкулига муҳим чора, кор айлаган.

Айтаверсам дардим адо бўлмагай ҳеч,
Дунё дардин юклаб мени нор айлаган.

Армон ила ҳам боумид боқар Ҳамид,
Базми жамшид қайда дўсту чор айлаган.

РОЗИ ДИЛИМ

Рози дилим йўллагайман еллардан, ёр,
Ахтараман зор-интизор йўллардан, ёр.

Бошим олиб кетай дейман то қиёмат,
Ким топибди толе ўзга эллардан, ёр?!

Борми даво, бўлса айтгил, мен каби бир
Дардимандга захаролуд тиллардан, ёр.

Кўксимда дарз узра минг бир дарзлар, ё Раб,
Бир-биридан аъло алвон гуллардан, ёр.

Елкамдаги армон юки оғир тортар,
Қайтмас бўлиб кетган ёшлик йиллардан, ёр.

Оҳу воҳдан ўзга эмас касбу корим,
Ҳикмат кутма ишқ даштида гўллардан, ёр.

Ваъда этдинг васлингни боз ишва айлаб,
Қуш ҳам тўймас ошга берсанг қўллардан, ёр.

Ҳамиддан ҳеч молу дунё этма таъма,
Жондан ўзга не оларсан қуллардан, ёр!



КЕНГ ДАЛАЛАР

Кенг далалар кўйнида шаббодадай елайми,
Рухимни соф-мусаффо зиёларга белейми.

Ломаконман хур макон тополмай ҳеч замондан,
Риштаи жоним Арши аълоларга улайми.

Исканжаи изтироб гирдобиди ютиб қон,
Хунолуд кўз ёш ила ёш боладай қулайми.

Вайрон этгай дунёни дод-фарёдим тўфони,
Кечалари қашқирдай ваҳимали увлайми.

Айтинг ахир тутибди Хумони қай бир жўмард,
Билсам-да гар беҳудамен-да абгор қувлайми.

Фаришталик даъвосин қилсаммикан то абад,
Ё гуноҳлар занжирин боз бўйнимга илайми.

Бандаман гарчи ожиз, мусулмон имони бут,
Шабнамдай соф-мусаффо шаъним хокка булайми.

Арши аълода мангу роҳат-фароғат тайин,
Гуноҳларнинг дастидан жаҳаннамга қулайми.

Кимга айтай дардимни — тақдир метин тош қаттиқ,
Тегирмонга солиб ё боз ун қилиб элайми.

Осмон йироқ, ер қаттиқ, тилда тушов, қўлда банд,
Аламимни қасд этиб, ўз жонимдан олайми.

Хур бўлиб хур эмасман, банда бўлиб, банда хор,
Бандаи бечорадай аросатда қолайми.

Ёмон ила ётма ҳеч, эрта туриб айтма ҳеч,
Фанимларим ё мен ҳам тек Худога солайми.

Беш панжасин бир йўла оғзига тикар кимлар,
Шохга-да буюрмаган дунёсини талайми.

Сайратиб Хамидни боз яйрадингиз беармон,
Бас, жўмард шоирми ул ё сизга қул-малайми?!

АНОРГА ҚАСИДА

Нусратулло Жумахўжа ўғлига

Гар марварид донасан, гавхар — дона-донасан,
Қасрдай қават-қават неча минг бир хонасан.

Жамулжам етти пуштинг, гўё тугилган муштинг,
Гумбаз — қафасга тушдинг, ки асил дурдонасан.

Агарчи нону ошсан, тошдан қаттиқ бардошсан,
Мазлумларга қардошсан, бағри қон ғамхонасан.

Қай битта ёв беаёв, қадар қўксингга ғаров,
Нечун бағринг ўт-олов, алангадай ёнасан.

Гар ғаройиб тархинг бор, кадр-киммат нархинг бор,
Қиёматли чархинг бор, бунча шўрпешонасан.

Қасдма-қасд қай замонга, юрагинг тўлди қонга,
Ўхшаб ё Чингизхонга қон биланми қонасан.

Гохи дашту далада, гоҳ тарози паллада,
Гоҳ ашъор, гоҳ яллада — тайёрсан, таронасан.

Покиза хилолингни, ҳаётбахш зилолингни,
Бағринг тўла болингни бахш этар ҳур онасан.

Ким эзиб иچار қонинг, ғазал-чистонинг — шонинг,
Қувада асил конинг, меваи Фарғонасан.

Меваи Фарғона не, меҳри дарё она не,
Ёқуту дурдона не, меваи шохонасан.

Нархинг бу кун осмонда, етган борки дармонда,
Етмаганлар армонда, менга ҳам бегонасан.

Ким ер сени саломат, ким дер сени “аломат”,
Кимга ташбех — маломат, меҳвари мастонасан.

Гарчи асил мевасан, шеър-шикоят шевасан,
Гўё бебош бевасан — ҳар ўққа нишонасан.

Гар мудом бисёр мўлсан, кимматсан — қўлма-қўлсан,
Қисматингни, эй гўл, сан кимларга ишонасан.

Гумбазмисан ё қаср, назммисан ё наср,
Асрлар қилмас таъсир муаззам кошонасан.

Дастурхоннинг безаги, май-шаробнинг газаги,
Дардга дармон ўзаги — Синои замонасан.

Не қадимги фанорсан, таърифи беканорсан,
Ёнар, қонар анорсан — ҳамватан, ҳамхонасан.

Неки Нусратуллога, ва не Ҳамидуллога,
Ҳар шеърпараст муллога беназир баҳонасан.

ОДАМ ДЕСАМ

Туппа-тузук одам десам, қарға билан дўст экансан,
Улфатинг-ла гўнг титишдан беҳад масрур, маст экансан.

Савлатингдан, давлатингдан тоза зотлар бўйи келар,
Ялтир-юлтур қилар ташинг, ботинингда паст экансан.

Тилинг ширин, дилинг бироқ заҳар-заққум қурум яккаш,
Мағиз десам, суви қочган, қуриб битган пўст экансан.

Атрофингда қарға-қузғун, қўшилишиб урарсан чарх,
Эсли-хушли қай зот борки, барчасига қасд экансан.

Қаҳринг ҳам йўқ, меҳринг ҳам йўқ, дуч этмагай сенга
Жаллод қавмин қўлидаги ойболтага даст экансан. асти,

Бекаму кўст зотсан дея тутай десам этагингдан,
Жамиятда беҳамият ҳам бедаво кўст экансан.

“Ё Раб!” деган илтижою таваллолар сен учун ёт,
Худо урган беномусу, имони хўп суст экансан.

Яхшимасми минг ўлганинг бу кунингдан нодон Ҳамид,
Шайтонсифат бетаъфиққа, во ажаб, вобаст экансан!

1989 йил

Мухаммаслар

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ ҒАЗАЛИГА

Қул-асир этмиш, ёронлар, лабда инжу донаси,
Қай азиз ул киблагоҳлар отаси ҳам онаси,
Бир умр қутлуғ-муқаддас саждагоҳ остонаси,
Қайси уйнинг шамъидур ул, қайси жойда хонаси,
Ўртади жонни сўранг, кимнинг эрур ҳамхонаси?


Бир боқиб котил кўзи беруху бежон айлади,
Кошки бир кўрсам дебон кўйида сарсон айлади,
Лолу хайрон кўнглими боз лолу хайрон айлади,
Бул замон дину дилимни хонавайрон айлади,
Билмадим, кимнинг эрур у мунису ҳамхонаси.

Қадди қоматки, равон хўп, йитмагай, ҳеч йитмасун,
Бадниятлар бу парипайкар қўлин бир тутмасун,
Марҳамат қил, марҳамат, дил то абад ўртанмасун,
Лабларининг бодаси ҳаргиз лабимдан кетмасун,
Кимга сўз бермиш вафодан май тўла паймонаси.

Борми бир банда илохий васлига мос-муносиб,
Қайси бир гулшан сари боди саодатлар эсиб,
Ким топиб ёр васлини, ким қайси бир қул бенасиб,
Ул саодат шамъининг базми эрур кимга насиб,
Сиз, Худо ҳаққи, сўранг, кимдур унинг парвонаси?

Бул тириклик боғи ичра биз-да бежиз келмадик,
Ҳақ висолин истамай то асти масрур бўлмадик,
Ҳур саодат гулшанида кулмадик, ҳеч кулмадик,
Ҳар киши афсун била тортмоқчи, аммо билмадик,
Тортадур нозик дилин кимнинг қизик афсонаси?

Васлининг бир журъаси ҳам шухрату ҳам бўлди шон,
Васли неким, хоки пойи қаҳқашондур, қаҳқашон,
Икки дунёда топилмас бу каби зебо, ишон,
Ё Раб, ул ой юзли, юлдуз чехрали олийнишон,
Қайси коннинг гавҳари, кимнинг эрур дурдонаси?



Қилганидай гул жамоли телба булбулни хароб,
Чехраси гулгун санам айлар эмиш элни хароб,
Рустахез кофирни ҳам лол, ҳатто одилни хароб,
Қилди ичмасдан лабининг бодаси дилни хароб,
Кимга улфат, ким эрур ҳамкоса, ҳампаймонаси?

Қул Ҳамид боз ақлидан бегонадур сансиз дедим,
Ҳажринг ичра ёнадур боз, ёнадур сансиз дедим,
Етти иқлим, эй пари, ғамхонадур сансиз дедим,
Оҳким, Ҳофиз дили девонадур сансиз дедим,
Шўҳ табассум бирла: — Бу кимнинг, — деди, — девонаси?

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА


Хаста ҳам озурда жон дод устига дод айлағай,
Дод этиб ошиқлигин боз элга иснод айлағай,
Иш эмиш хўп босавоб ким хастани ёд айлағай,
Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай.

Йўқ ажаб, лутф айлабон бу бандасин дардин еса,
Чикмаган жондан умид — ёрдан умидим бир бўса,
Бу муҳаббат гулшанида бир насимдай у еса,
Гарчи халқ озодасимен ёр агар бандам деса,
Андин ортуқ англаким, бир банда озод айлағай.

Қалбими кўрин нисор этдим яна дийдам нурин,
Ҳам хануз ардоқладим боз гавҳари ишким сирун,
Гар раво ҳам кўрмади мен хастага кўзин қирин,
Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер туганмасдин бурун,
Истарамки, аввалидин ёна бунёд айлағай.

Истагим ёр васлига то етмайин топмай қазо,
Умматингман — қўллагил бу бандани, о Муртазо!
Билмадим бу не сафоқим, холи эрмас ҳеч изо,
Ёр хижронида ўлгумдур, бу навъ эрмиш сазо
Ул кишиғақим, биравга ўзни муётд айлағай.

Тонг эмас гар матлабим топсам сенингдек моҳ ила,
Маснадим ишқу муҳаббат ҳеч ишим йўқ жоҳ ила,
Этмағай ёр ҳеч кими бир ишки йўқ гумроҳ ила,
Неча сабрим авроқи ёзгай кўнглими бир оҳ ила,
Сарсари ишқинг етиб, борини барбод айлағай.



Ганжи ишқ бисёр дилимда — бормикан мендек гани,
Илтижо айлар қулинг, ё Раб, зиёд айла ани,
Ҳақ йўлингдан, эй Худо, асло йироқ этма мани,
Шайхдин зухду риёий касб ўлур, ё Раб, қани,
Дайр пириким, фано расмини иршод айлагай.

Минг машаққат бирла юзгай гар муҳаббат новаси,
Ишқсиз бўй бермагай ҳеч одамийлик зирваси,
Аввалу охир ошиқлар мустажоб ул даъвоси:
Одам авлодида камдур одамийлик шеvasи,
Одам эрмас улки, майли одамизод айлагай.

Қайси диллар боҳавасдир, ким ҳасадга кул лекин,
Остида ким хор-забун, ким устида дунё юкин,
Хору мискин нотавон ҳам мен каби бир бормикин,
Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тийғи кин,
Ёнгилиб аввал менинг жонимга бедод айлагай.

Минг қулингдин кул Ҳамид макбули ўлсун, эй пари,
Бир йўли ҳажр чоҳидин ҳам тулуъ ўлсун, эй пари,
Гулшани кўнглингни ҳур булбули ўлсун, эй пари,
Беша ичра девлар мактули ўлсун, эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.

УБАЙДИЙ ҲАЗАЛИГА

Дилбаримсан сен менинг, шоҳи жаҳоним, туқоним,
Чеваримсан сен менинг, қоши камоним, туқоним.
Меҳваримсан сен менинг, моҳи тобоним, туқоним,
Севаримсан сен менинг, эй дилситоним, туқоним,
Жони йўқ жисм ичра жон ўрнига жоним, туқоним.

Бунчалар ҳам солланар ёр, сочларинг сунбул киби,
Дарди ҳажринг этди хор бош бермайин дулдул киби,
Дилда йўқ осойишим бир бетиним гулгул киби,
Кўрсат ул қоматниким, тортай наво булбул киби,
Васл гулзоринда, эй сарви равоним, туқоним.

Кишвари кўнглим хароб, келгил ўзинг ҳоқонлиғ эт,
Бошуур айлаб қулинг, боз эътиқод, имонлиғ эт,
Дермидим ҳеч хаста бағрим ҳажр ўтида қонлиғ эт,
Меҳрибонлик кўрсатиб, доим манга туққонлиғ эт,
Меҳр мулки ичра сенсен меҳрибоним, туқоним.



Гўш тутарму, қайси жўмард кўпу озимни десам,
Қатра қонимдан кечар ким Ҳаққа лозимни десам,
Накди жон қўлдан кетар бу саркаш созимни десам,
Топмадим ғурбатда бир маҳрамки, розимни десам,
Қайдасан, эй маҳрами рози ниҳоним, туқоним.

Қатли ом этди қулингни қўш қароғинг шодаси,
Йўқ, тамом этди Ҳамидни лўливашлар лодаси,
Этти инъом жон мудом гар учраса озодаси,
Талхком этти Убайдийни фироқинг бодаси,
Чучут онинг оғзини, ширинзабоним туқоним.

НИҲОН ҒАЗАЛИГА


Дилингни гар жафоси ҳам яна юз минг яроси бор,
Ки, ҳеч бир абри найсонлар юва олмас қароси бор,
Ҳама дарднинг бир иложи, ҳама дарднинг чораси бор,
Ҳақиқат кўзинг оч, боқ олама, не можароси бор,
Башар, ғайр ул башар ҳар қайсининг чуну чароси бор.

Беармон бандаси ташлаб кетолмас кўҳна дунёни,
Азал маънисига ҳеч ким етолмас кўҳна дунёни,
Яратгандан бўлак ҳеч ким тутолмас кўҳна дунёни,
Тилисмедурки, ҳеч ким фатҳ этолмас кўҳна дунёни,
Вале тўрт кун тамошо этгудек айшу намоси бор.

Фанимат бу саман йўрганг бемақсад сурма беҳуда,
Тилингга келганин сўйлабки, лоф ҳам урма беҳуда,
Ҳаёт бўстониға, эй дўстки, зинҳор кирма беҳуда,
Нафасни қадрини билсанг, хуш ўткар, юрма беҳуда,
Баҳоринг олди ёздур, орқадин кишлик ҳавоси бор.

Камолингга завол бўлмаки, ҳар нега кўзинг тикма,
Тамуғ ичра абад қолма, разолат тухмини экма,
Ки, ҳар дардни яқин олма, кўзларинг ёшини тўкма,
Жаҳоннинг шодига шод ўлма, андуҳига ғам чекма,
Бугун ким шод ўлубдур, эрта оқшом бир азоси бор.

Толиби ҳақ аҳлиға бу замон ҳам чўнг маъҳад бир кун,
Вафоси ҳам жафоси ҳам муваққатдур, қаҳат бир кун,
Агар-чи дўсту ёринг кўп, нажоткоринг Аҳад бир кун,
Ҳаётинг мисли рўё, уйғонур жойинг лаҳад бир кун,
Билиб бўлмас хижоб ортида не сирру хафоси бор.



Дилида бандасининг гарди йўқ деб бўлмагил гофил,
Ва ҳам элнинг бирор бир марди йўқ деб бўлмагил
гофил,
Мудом ошиқ элининг фарди йўқ деб бўлмагил гофил,
Ўзингдан бошқаларнинг дарди йўқ деб бўлмагил гофил,
Сахарлар бир қисм пар андалибнинг минг навоси бор.

Кўзимда порлаган ишқ ўтини ҳар нега ўхшатма,
Жафо айлаб қулингни боз ҳажр даштида қишлатма,
Борар бўлсам эриб, ёримки, хардай бетин ишлатма,
Бошида посбон йўқ деб етим аҳлини қақшатма,
Онинг ҳеч бўлмаса йўқдин бино қилган Худоси бор.

Ки пешволик даъво айлаб, эл узра сурма боз отинг,
Шу эл кўкси сенга пойтахту, шу эл сени қанотинг,
Бошинга етмагай то ҳеч ҳалокатли хаёлотинг,
Олиб, зоҳид, ўзингни, пеша айлаб ул риёзотинг,
Бўлақлар кўнглига кўп раҳна солма, муттакоси бор.

Разолатли риёзатда бу банда ўртаниб толмиш,
Худойим англадим дилга ҳам имон-этиқод солмиш,
Қиёматда жамолин бир кўриш фикру ёдим олмиш,
Фақат бир сен эмассан, яхшилардан бир масал қолмиш:
Жаҳонга ким келибдур, кўнглида бир муддаоси бор.

Хуморийман, хуморий ишқ майин маън этма, эй нокас,
Дилими пора айлаб, ҳолими танг этма, эй нокас,
Ки хўрлик ҳам ҳақоратни ҳунар-шаън этма, эй нокас,
Ўзингдан ўзгани атворига таън этма, эй нокас,
Ки ҳар танни табиат исмида бир подшоси бор.

Магар ҳажринг азоби жон, висолинг қотили саммдур,
Ажаб йўқ ҳечки, бол бирла заҳар минг дардга
малҳамдур,
Агар шайдо дилимнинг чекмаган дарду ғами камдур,
Жаҳоннинг ғуссаю дарди бу ишқ олдида марҳамдур,
Мухаббатдан бўлақ ҳар бир маразнинг бир давоси бор.

Ки ҳажрида ёниб бағри Ҳамидий гар хароб ўлса,
Лабининг бодаси жонбахш, шифожў бир шароб ўлса,
Жамоли офтоби тун ароки моҳтоб ўлса,
Ҳама ушшоқ эли маъшуқасидин комёб ўлса,
Ниҳонни тонгла кун кўрсатмоққа аҳду вафоси бор.

ЧЎЛПОН ҒАЗАЛИГА

Етар, бас, неча йиллар хор-забун ғафлатда ётдим-ку,
Мутелик ёвфон, етимлик ошини роса тотдим-ку,
Бешафқат бу замон ичра дилим такрор қонатдим-ку,
Муҳаббатнинг саройи кенг экан йўлни йўқотдим-ку,
Асрлик тош янглиғ бу хатарлик йўлда қотдим-ку.

Берай жон бокишинга — оташин бир ёлқини бордур,
Лабингдан бўсалар тердим, илохий талқини бордур,
Сочинг ўрдим узун тунлар, сўлим сир, салқини бордур,
Карашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлқини бордур,
Ҳалокат бўлғусин билмай қулочни қатта отдим-ку.

Мададкор анбиёю авлиёси ҳам, аё дўстлар,
Замонки икки дунёда йўқ қиёси, аё дўстлар,
Десам дилнинг малҳами ҳам қимёси, аё дўстлар,
Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,
Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Агарчи васлига такрору такрор шайлади бағрим,
Келиб кўр ҳолими бир бор ки ишқинг найлади бағрим,
Висолини билиб-билмай баногоҳ сайлади бағрим,
Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,
Кўзим ёшини жў айлаб аламлар ичра ботдим-ку.

Агарчи не керак олдим ва ҳадя айладим борни,
Ки қайда бўлса хур Машраб муқаррар тикдилар дорни,
То абад дунё юзи ҳеч кўрмагай мен каби хорни,
Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни,
Яна қулбамга қайғулар, аламлар бир-ла қайтдим-ку.

Деманг қайдин келибди, эл аро пинҳон эдим, дўстлар,
Хору зор этдилар, ё Раб, магар султон эдим, дўстлар,
Ҳамиддек эл кўкси узра бир қалқон эдим, дўстлар,
Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

МУСАДДАС

Чек қўйиб боз ҳажр, хижрон, фиروقларга,
Чап бериб боз ғаним, ғаддор яроқларга,
Назар солмай кам-кўсту ҳам куроқларга,
Изн бермай аммо-лекин-биروقларга,
Кел-эй, жоним, муштоку зор буروقларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга!

Дўсту ёрдан ғаним бисёр дунё қолгай,
Бешуур гоҳ, гоҳо хушёр дунё қолгай,
Ҳали хануз ғамбода, хор дунё қолгай,
Ташнаи ишқ дилларга тор дунё қолгай,
Кел эй, жоним, толмас қанот буروقларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.

Кечганим бор маъниси йўқ юмушлардан,
Елкамиз боз яғир айлар турмушлардан,
Тўрт томондан бошга тушар тош муштлардан,
Ибрат ол, кел, Лайли, Ширин, Қумушлардан,
Кел эй, жоним, толмас қанот буروقларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.

Ғафлат босган тўда бизга эл бўлмагай,
Қинғир дунё — бирон равон йўл бўлмагай,
“Кел, мархабо!” деган хотам қўл бўлмагай,
Алам бисёр, вале қувонч мўл бўлмагай,
Кел эй, жоним, толмас қанот буروقларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.

Ўр-кирин ҳам баланд-пастин кездим жуда,
Кезиб бағрим анор янглиғ эздим жуда,
Бағрим эзган дунёсидан бездим жуда,
Етди фурсат, сездим, эй ёр, сездим жуда,
Кел эй, жоним, толмас қанот буروقларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.

Ох урармиз тобакай хор армон билан,
Умид янглиғ мададга зор дармон билан,
Алданармиз токай турфа фармон билан,
Толе қасрин қучиб бўлмас нарвон билан,
Кел эй, жоним, толмас қанот буروقларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.

Ёлғон дунё, дунё — ёлғон, заволлар бор,
Жавоби йўқ туман минг бир саволлар бор,
Бахтимиз бут — олмос қанот хаёллар бор,
Малаксиймо, фаришта, ҳур аёллар бор,
Кел эй, жоним, толмас қанот буроқларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.

Гар доғули даврон такрор хор айлағай,
Ўн саккиз минг оламни ҳам тор айлағай,
Минг дардига ёш жонимиз кор айлағай,
Ниятимиз, не саодат, ёр айлағай,
Кел эй, жоним, толмас қанот буроқларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.

Токай тубан хорлик-хўрлик нишон бўлиб,
Кўнгил уйи мудом вайрон Кушон бўлиб,
Хор мурид ким, ким кеккайган Эшон бўлиб,
Келганмиз ҳур, кетайлик қаҳқашон бўлиб,
Кел эй, жоним, толмас қанот буроқларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.

Амр айла, нажоту қўш қанот бўлай,
Гўрўглининг Фирқўкидай зўр от бўлай,
Васлинг қайноқ шаробидан маст-мот бўлай,
Заминнинг зил занжирдан озод бўлай,
Кел эй, жоним, толмас қанот буроқларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.

Демагил ҳеч: кишану дом ишқим менинг
Етиб бўлмас илоҳий ком ишқим менинг,
Қалб қаъридан қайнар нидом ишқим менинг,
Тумор сирли асрар мудом ишқим менинг,
Кел эй, жоним, толмас қанот буроқларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.

Хор дунёда толедан гар хабар йўқ ҳеч,
Иккимиз жуфт-қават бўлсак, хатар йўқ ҳеч,
Ва юз минг бир лақаб бирлан атар йўқ ҳеч,
Маволарга кетайлик тош-табар йўқ ҳеч,
Кел эй, жоним, толмас қанот буроқларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.

Мавоки ҳур, завол бўлмас, малол бўлмас,
Улуғ инсон шаъни асло увол бўлмас,
Кўнгилларга раҳнаю дарз девол бўлмас,
Бирон мубҳам жавоби йўқ савол бўлмас,
Кел эй, жоним, толмас қанот буруқларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.

Бахт топармиз поёни йўқ парвозлардан,
Тахт топармиз дориломон овозлардан,
Ахд топармиз ҳамроҳлару ҳамрозлардан,
Нақд топармиз толеимиз эъзозлардан,
Кел эй, жоним, муштоқу зор буруқларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.

Гарчи қутлуғ саждагоҳ остонамиз Ер,
Гарчи азизу мукаррам онамиз Ер,
Само ичра ягона дурдонамиз Ер,
То қиёмат хонаи хилхонамиз Ер,
Кел эй, жоним, муштоқу зор буруқларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.

МУСАББАЪ

Не жон ичра жонона жон излайман,
Ки ҳақталаб, дўсти жонон излайман,
Ҳайрон элга ки мен ҳайрон излайман,
Меъмори жон ки дил вайрон излайман,
Муҳаббат чоҳидан зиндон излайман,
Ташнаи жонимга уммон излайман,
Кўнгил мулкига шоҳ султон излайман.

Муҳаббат кўйида банди дилим бор,
Икки олам ичра бир манзилим бор,
Ки ишқ дашти аро ойдин йўлим бор,
Кўзимнинг ёшидан минг бир кўлим бор,
Бир жонимга ҳажр аро минг ўлим бор,
Ки жонимга нажот уммон излайман,
Кўнгил мулкига шоҳ-султон излайман.

Самандардек ёниб ўтмоқ шиорим,
Жоним аро оташ солса ул ёрим,
Висол шавқи ёзиб бағри хуморим,

Бош устига тола сочи туморим,
Сония умр ичра боқий баҳорим,
Ҳам жонимга нажот уммон излайман,
Кўнгил мулкига шоҳ-султон излайман.

Муҳаббат шашти дилда тўлди-тошди,
Ҳам жонимга илоҳий ўт туташди,
Жунуним шеvasи ҳам ҳаддин ошди,
Мен учун Ҳақ яккаш ишқин улашди,
Забти ишқдин кўзу қалб ҳам қамашди,
Ташнаи жонимга уммон излайман,
Кўнгил мулкига шоҳ-султон излайман.

Бевафо ёр, вафосиз бу ҳаёт ҳам,
Гоҳо шоду гоҳ қайғули баёт ҳам,
Омон топмас сайду ҳатто сайёд ҳам,
Чашмаи ишқ Ҳамид учун нажот ҳам,
Яратгандан мурувват ҳам имдод ҳам,
Ташнаи жонимга уммон излайман,
Кўнгил мулкига шоҳ-султон излайман.

МУСАММАН

Гар синчиклаб боқсам дунё тоmidан,
Кимлар безор аччиқ ҳаёт жомидан,
Қай бир ночор айро эзгу комидан,
Қай бир қаллоб сўйлар элнинг номидан,
Қай бир олғир устун минг бир омидан,
Ном-нишон йўқ хаста дил оромидан,
Қолди кўнглим фолию ҳам ромидан,
Бедаво даҳри дун терс маромидан.

Кетди улоқ — кимда тилло, кимда зар,
Бул не ҳайратли ҳайъату хор минбар,
Пешвоман дер тўқими тилло-зар хар,
Шум қиёмат муҳримасми, алҳазар,
Бошимиздан кетмагай тоқай табар,
Оллоҳ! Оллоҳ! Мунаввар этмасанг гар —
Қолди кўнглим фолию ҳам ромидан,
Бедаво даҳри дун терс маромидан.

Тўрт томон минг бир фаним, минг битта ёв,
Офтоб чўнг аждаҳо, пуркар олов,
Аҳли одамни одам айлагай ов,
Аҳли одамга одам ёв беаёв,
Саксифат махлуқ аксар феъли гов,
Ботди бағримга беаёв бу фаров,
Қолди кўнглим фолию ҳам ромидан,
Бедаво даҳри дун терс маромидан.

Қолмади сир ҳам синоат ноаён,
Наф кўрай деб топганим захмат, зиён,
Дўсту ёрон чакди гоҳ мисли чаён,
Ки бадар кетгали ҳам йўқ ҳеч имкон,
Мақонимда ломаконман, ломакон,
Борми ёр холис, халоскор, альёмон,
Қолди кўнглим фолию ҳам ромидан,
Бедаво даҳри дун терс маромидан.

Бандаларнинг, во ажаб, ҳеч соғи йўқ,
Аксарининг Ҳақ деярга чоғи йўқ,
Топмадим хуррам кўнгил ҳеч доғи йўқ,
Дарду ғам дарёсининг қирғоғи йўқ,
Хаста кўнглим зим-зиё, чироғи йўқ,
Малҳами йўқ кўзгинам қароғи йўқ,
Қолди кўнглим фолию ҳам ромидан,
Бедаво даҳри дун терс маромидан.

Шавқи-завқи, дарду ғами эш дунё,
Гоҳ хор-забун, гоҳи иши беш дунё,
Яхшига ҳам, ёмонга ҳам хеш дунё,
Гоҳо Ҳотам, гоҳо қорни меш дунё,
Гоҳо нажот, гоҳ оғули ниш дунё,
Қолди кўнглим фолию ҳам ромидан,
Бедаво даҳри дун терс маромидан.

Қўғирчоқмиз хануз дароз дастингда,
Аксарият хору забун остингда,
Чўнг маҳобат тоғдай бўйинг-бастингда,
Рўё пинҳон ҳар чининг, ҳар ростингда,
Минг бир нуқсон ҳар тўқис, ҳар кўстингда,
Рўшно топмас фаним неки, дўстингда,
Қолди кўнглим турфа телба феълингдан,
Омонлик йўқ ортиқ содиқ қулингдан.

Токай минг бир найрангингга дош қилай,
Бас-эй, ҳафиф кўнглим қаттиқ тош қилай,
Ҳақталаб имонни ёр-йўлдош қилай,
Авлиё-анбиёни қўлдош қилай,
Ҳам юз минг бир каму кўстинг фош қилай,
Каму кўстинг фошу кўзинг ёш қилай,
Ғариб кулбанг ғариб дунё бузарман,
Хур қалбимга хуррам қаср тузарман!

1989 йил

МАСНАВИЙ

Яратдинг, минг шукр, ота-онадан,
Баҳраварлар қилдинг мулки фанодан.
Тўшалган пойимга замин гиламдай,
Бошим узра само мовий аъламдай.
Ишқ-муҳаббат бодасидан ичирдинг,
Не гуноҳлар қилмадим мен, кечирдинг.
Бандам дединг ҳар қандайин дамда ҳам,
Қўллаб мени шодлик-қувонч, ғамда ҳам.
Афсунгарсан, синоату сеҳри кўп,
Мендай ҳар бир бандасига меҳри кўп.
Инсонликни токи менга пеш қилдинг,
Минг бир пари пайкар билан эш қилдинг.
Ғар гуноҳкор ҳамда осий тандаман,
Эътиқоду имони бут бандаман.
Чикдим, не бахт, хур ҳаёт минбарига,
Омонат деб қарадим мен барига.
Шукр айтдим яхши ҳам ёмон кунда,
Шафоатга ноил айла якунда.
Тўлиб-тошган қалбимдан тома-тома,
Таърифингга битарман минг дилнома.
Дариф тутмай мақсаду мурод жомин,
Икки дунё қўллайвер, ё Раб, омин!

Шўрликлар

• • •

Бошда гар ҳаёт кузи,
Дилда гар армон музи.
Ҳамон раста қалбимда —
Ишқ-муҳаббат Наврўзи!

• • •

Юрар йўлим муҳаббат кўйи,
Фикру зикрим муҳаббат ўйи.
Мастинаман, далли девона,
Маст айлар ишқ муаттар бўйи.

• • •

Қуёш — ота, замин — онамиз,
Гоҳо оқил, гоҳ девонамиз.
Бисёр дастак, минг баҳонамиз,
Қариндошлар ҳам бегонамиз.

• • •


Биров билар, биров билмас ҳеч,
Кўнглим айтганларим қилмас ҳеч.
Эй ёр, хоки пойинг олдида
Дунё ганжин кўзга илмас ҳеч!

• • •

Иш устига минг бир майда иш,
Бошдан-оёқ минг битта ташвиш.
Қадам қўймай қай томон, ё Раб,
Юрагимга қадалар минг ниш.

• • •

Болаликда ношуду нодон,
Йигитликда телба-паришон.
На бирон ном, на бирон нишон —
Бу кун ўртар минг бир пушаймон.



* * *

Ўқ илдизим мозий қаърида,
Хаёлим иқболдан нарида.
Сўрама ҳеч замон-маконим,
Яшагайман бари-бариди!

* * *

Гар шириндан ҳам ширин гуфтор,
Гар бамисли фаришта рафтор,
Ҳар кас бирон дардга гирифтор,
Бешафқат бу чархи кажрафтор!

* * *

Омади чопганда эсламайди ҳам,
Қоқилса, келар тез бошин қилиб ҳам.
Пеш қилиб туғишган қариндошлигин,
Бор-будинг беармон шилар муттахам.

* * *

Зор айлама илоҳий нурга,
Бокира-пок фаришта-хурга.
Бас келолмас ортиқ васли ёр,
Ибодат бахш этар сурурга.

* * *

Чор-атрофга ётиб олди қиш,
Баҳор хиди келар — қайрар тиш.
Азоб берар жонга шу асно
Оғриган тишларинг олдириш.

* * *


Ўзга ҳар ким тавқари,
Суйган саман-чавқари.
Фақат мен ҳар навнихол
Навқариман, навқари!

* * *

Дилга минг бир алам қаланган,
Пора-пора минг нимталанган.
Нетиб обод бўлар, во дариф,
Ҳар пораси минг бор таланган.

* * *

Ҳажрингда девона дилим йўқ, дилим,
Минг бир дард, ва лекин тилим йўқ, тилим.



Қаттол дарди ишқинг қасдлашар қаттик,
Нахот, дардга дармон илм йўқ, илм!

* * *

Бандаларин яратар Тангрим,
Гох хар қўлга қаратар Тангрим.
Адашмагай равон роҳдан деб
Илохий нур таратар Тангрим.

* * *

Дилда гирдоблар тинар,
Рухга сокинлик инар.
Ғам-шодлик майин зарби
Ёшинг ўтгач билинар.

* * *

Таъмирлай олмадим кўнглим уйини,
Тўйиб тингламадим кўнглим куйини.
Аксар заъфар кўрдим ранги рўйини,
Соғиниб яшадим кўнглим кўйини.

* * *

Дунёга келтирган доям сўз билан,
Янграгай ҳар ғоям сўз билан.
Рўзи Маҳшар савол-жавобда
Шубҳасиз химоям сўз билан.

* * *

Қай сур маккора макри
Қирқ бир карвондан ортар.
Рўзгор қирқ минг карвонин —
Оқила аёл тортар.

* * *

Шеър ашъорларим номус-ор,
Мангу яшил наврўз, навбахор.
Имон аҳли учун машъала,
Имонсизни куйдирар шарор!

* * *

Ким ер, кимлар осмонда,
Ким хор, кимлар дostonда.
Жаннат-дўзах ёнма-ён
Замин — “боғи бўстон” да.

* * *

Мансабдорлар кўли ишдан бўшармикан,
“Дод!” деб борсак, кўрпачалар тўшармикан?
Дардимиздан тўлқинланиб жўшармикан,
Бизни ҳам эл қаторига кўшармикан?!

* * *

Жўшқин бўлсанг, тинарсан,
Метин бўлсанг, синарсан.
Минг йил умр кўрсанг ҳам
Чўбин отга минарсан.

* * *

Ёзнинг совуқ қиши бор,
Тақдир турфа иши бор.
Фарзанд шириндан ширин,
Вале минг ташвиши бор.

* * *

Бурнинг қонар қасдлашса гар зўр,
Қаллоб тикар йўлингга минг тўр.
Балои жон мисли малах-мўр
Имонга ўт қўяр қасамхўр.

* * *

Меҳринг чексиз, Раббано,
Беадад ҳамду сано.
Ҳаёт-мамотимизга —
Бахш эт минг ҳикмат-маъно.

* * *


Сен унда, мен бунда — ўртада ҳижрон,
Эвоҳ, кунда-шунда — ўртада ҳижрон.
Бир-бирин васлига ташна икки жон,
Ягона очунда — ўртада ҳижрон!

* * *

Жилмайиб ўтар дилхоҳ,
Бағрим ўртар минг бир оҳ.
Дилдор учун, ё Аллоҳ,
Юрагим ягона роҳ!

* * *

Минг гул чиқар йўлимдан,
Минг гул тутар кўлимдан.



Мажнунман, минг битта гул —
Ўтар ўнгу сўлимдан!

* * *

Қалбим қасрин бўйлар атиргул,
Мени ҳам, воҳ, ўйлар атиргул!
Битирман қалб сардафтарига —
Ишқ достонин сўйлар атиргул.

* * *

Қалб қасрига ташлайман назар,
Гар меҳробин ганжи ишқ безар,
Тўрт томонин минг дард, алҳазар,
Минг тегирмон тошидек эзар!

* * *

Мен учун бир палла бошланар,
Гар ўйласам дилим ғашланар, —
Қулсам — бахтсиз кўзи ёшланар,
Йиғласам — бахти бут ташланар!

* * *

Бойнинг жимжимадор дарвозаси бор,
Наинки сарбаланд овозаси бор.
Ҳар қандай юлдузни бенарвон урар,
Якандан яралган ҳавозаси бор.

* * *


Раббимсан! Хоҳ жабр қил,
Тақдирим минг таъбир қил.
Фақат ишқим меҳрингга —
Мос-муносиб кабир қил!

* * *

“Гар хотира — кушанда”,
Гар ҳаётим кишанда.
Яшагим келар абад,
Бетимсол шу гулшанда.

* * *

Масканим — муҳаббат дараси,
Фарёдим — муҳаббат наъраси.
Қон келар оҳ десам, юрагим —
Қонталаш муҳаббат яраси!



* * *

Гулзоримда ўсар атиргул,
Бор йўлларим тўсар атиргул.
Ақлу хушим олмагунча то —
Тинч қўймас йўлтўсар атиргул!

* * *

Безавол ишқ бахори,
Беғубор ишқ охори.
Қалбимизга қўш қанот —
Навқирон ишқ нахори!

* * *

Дунё бир кам дема — қўшиқ бор, куй бор,
Ўртанма, ғам ема — қўшиқ бор, куй бор.
Не ажаб муроду мақсадга етсак,
Мисли учар кема — қўшиқ бор, куй бор!

* * *

Дема: булар қалб кўзимиз кўрлигидан,
Дема: қисмат пешонамиз шўрлигидан.
Дема асло: қай бир каслар ўрлигидан,
Булар замон зайли, замон зўрлигидан!

* * *

То нотенглик элда йўқолмас,
То ҳар кас билганидан қолмас,
То оч девор-дармиён қўшни,
Ҳеч бир Қорун тинч ухлай олмас.

* * *


То яхши-ёмон бир гўр,
То одамзот қалби кўр,
Бамисоли малах-мўр —
Заиф қонин ичар зўр.

* * *

Яхши-ёмон билан муроса,
Яхшию ёмондан хулоса.
Яхши-ёмон кўнглин олай деб —
Қалбим жоми Жамшид — май коса!

* * *

Минг дарду хасратим сўзларман,
Минг бир дардим сўзлаб бўзларман.



Гўянда деб қилманг маломат,
Минг дардимга даво кўзларман!

* * *

Ерда қолар то ҳар сўзимиз,
То қонли кўз ёш ризқ-рўзимиз.
Гар келса ҳам неча Янги йил,
Келмас бизнинг ҳеч Наврўзимиз!

* * *

Фарқ қилса ҳам гар кимхоб-бўзи,
Бутун гар ҳар мўмин ризқ-рўзи,
То марҳамат кўрсатмас Ўзи,
Очилмас ҳеч банда қалб кўзи!

* * *

Эртаю кеч ишим оху воҳ,
Кўксимда минг нишим оху воҳ.
Мендан минг бор зиёда торгар,
Ҳамдард ҳар бир кишим оху воҳ!

* * *

Даъватимга жавоб қил,
Мўмин каби савоб қил.
Яратган ёрлақагай,
Кўнглим — Каъба, тавоб қил!

* * *

Топганим-тутганим шеър-ашъор,
Эрта-кеч кутганим шеър-ашъор.
Сухан саррофиман, дунёда —
Ягона ютганим шеър-ашъор!

* * *

Қалбимга ғалаён — янграр куй-қўшиқ,
Қалбим қилар баён — янграр куй-қўшиқ.
Ҳам тилда, ҳам дилда минг ҳамду сано,
Аллоҳим намоён — янграр куй-қўшиқ!

* * *

Тортиб олар оғзингдаги нонинг ҳам,
Қазноқдаги сўнгги дона донинг ҳам.
Худо берган, Худо олар дема ҳеч,
Шулар берган, шулар олар жонинг ҳам!

* * *

Муҳаббат-нафратим аёндир, аён,
Минг орзу-ниятим баёндир, баён.
То қайноқ қалбимда тугёндир, туён —
Касбу корим мудом исёндир, исён!

* * *

Ҳақиқат-ҳақ дедик — бўлса бўлмаса,
Ҳақ дея панд едик — бўлса бўлмаса.
Ёлғон дунёда ҳақ ахтарган ношуд —
Ғофил эл биз эдик — бўлса бўлмаса!

* * *

Аломат даҳри дун иши, аломат,
Элик ёшида ким бўлар саломат?!
Парча эт деманг ҳеч хаста юрагим
Санги маломат у, санги маломат!

* * *

Орзу-умид билан ўтар кун,
Орзу-умид билан ёруғ тун.
Минг армондан вайрона кўнгил
Орзу-умид билан бут-бутун!

* * *

Тинмас ҳеч даҳри дун тинғир-тинғири,
Юрагим қон қилар минғир-минғири.
Тер тўкар то ҳамон эл-улус тинмай,
Хузурин кўрар бир тўда олғири!

* * *


Ишқингдан ўзга бор дардим унутдим,
Висолинг шаробин интизор кутдим.
Оташ бўсанг учун қалбим не ҳатто —
Бор будим қўшқўллаб қўлингга тутдим!

* * *

Гар зиёда хароби ишқнинг,
Гар алдар гоҳ сароби ишқнинг,
Бу не асрор, қўллардан асло —
Асло тушмас шароби ишқнинг?!

* * *

Сендан айро тушган гар йўлим,
Қисқадан ҳам қисқа гар қўлим;



Умидсизлик гуноҳи азим,
Бизни яктан айлагай ўлим!

* * *

Минг бир дард-хасратим дер бўлдим яна,
Минг бир дард дастидан ер бўлдим яна.
Сенга етарми деб мингдан бир зорим —
Минг бир оҳ омухта шеър бўлдим яна!

* * *

Бор кибор қонунни четлаб ўтар, бас,
Йўлин қилган сакраб-хатлаб ўтар, бас.
Қонун посбонлари ёлғиз биз фақир —
Ҳар бир амалимиз хатлаб ўтар, бас!

* * *

Минг дўст-ёр, минг ғаним ёнимдан ўтар,
Ҳар лаҳза, дақиқа-онимдан ўтар.
Минг дўст-ёр ҳар қанча қилмасин обод,
Бир ғаним поралаб, жонимдан ўтар!

* * *

Юкиниб минг сирли соҳир салафга,
Сўзларим лашкардай тизарман сафга.
Муродга етсам не ажаб лашқарим —
Бошлаб от солсам гар ҳар тўрт тарафга!

* * *


Ақида занжири узилмасми ҳеч,
Разолат кулбаси бузилмасми ҳеч.
Барчага баробар ҳақ-адолатли —
Қонун-қоидалар тузилмасми ҳеч?!

* * *

Умрим ўтди ҳамон дилда минг армон,
Туткич бермас замон — дилда минг армон.
Тақдирга тан бергим келар ва лекин —
Бешафқат, беомон дилда минг армон!

* * *

Элу юрт, соҳиби тож,
Бири-бирига муҳтож;
Бир тану бир жон бўлса —
Мамлакат топгай ривож.



• • •

Хаёт яралганми долгадан,
“Ур-ҳо!”, “Ур-ҳо!!!”, “Олға! Олға!!!”дан.
Темирчининг сандони каби —
Омонлик йўқ минг зарб, болгадан!

• • •

Ҳар ким ҳам етмас қишга,
Гардун уста ҳар ишга.
Қайда йўқ ҳақ-ҳақиқат,
Зўр берилар “...миш-миш!”га.

• • •

То қискадан қискадир дастим,
То минг дасти қиска ҳамдастим.
Дастимизни айлаган қиска,
Фаразгўйда қасдим бор, қасдим!

• • •

Шоҳ-бутоқлар куртаги,
Ишқ — ҳар кўнгил эртаги.
Сифдирмаса кенг дунёга,
Ер таги бор, ер таги!

• • •

Парвардигор қайдиман,
Ишқ даштида дайдиман.
Кишандбанд қўл-оёғим
Ҳар париваш сайдиман!

• • •

Ҳар қадамда доми ишқ,
Ҳар бир дастда жоми ишқ.
Ҳар кимнинг анжоми ишқ,
Барча — саранжоми ишқ.

• • •

Ишим йўқ нарис-бериси билан,
Ҳануз авжида кўпкариси билан.
Яратган эгамга минг ҳамду сано,
Никоҳлаган илхом париси билан.

• • •

Гар мохтобсан — сарбаланд бадр,
Гар мехварсан офтобдай садр,



Гар султонсан кодир-муқтадир,
Не наф элда топмасанг қадр.

* * *

Қайрилма қалам қошдан тилинар ошиқ қалбим,
Кўзларим ёғдусидан билинар ошиқ қалбим.
Наинки кармоғига илинар ошиқ қалбим,
Хар пари учун қурбон қилинар ошиқ қалбим!

* * *

Шеър-ашъор — сарбаланд мох,
Гар минг бир шоир хамрох,
Илоҳий сирдан огох,
Моҳга мос шаҳзода-шоҳ!

* * *

Турфа ҳар ким турмуши,
Касбу кори, юмуши.
Нўноқ зар-тиллосидан
Афзал заргар кумуши.

* * *

Париваш пари, сариштаи жоним,
Саришта пари фариштаи жоним.
Негиб кўнгил узай пари пайкардан,
Қаддига пайваста риштаи жоним!

* * *

Дема: дунё майхона,
Қаҳратон қиш — дайхона.
“Аллоҳ!” демасанг агар
Жон оларга шай хона.

* * *

Гар муқаддас, ардоғимда гул,
Гулламас, вох, чорбоғимда гул.
Вале яшнар, ё Аллоҳ, Аллоҳ,
То қиёмат ҳар доғимда гул!

* * *

Ўтарсан ёнимдан ноз билан,
Рафторингда минг бир роз билан.
Бошим олиб кетарман бир кун
Сендай париваш хамроз билан!

* * *

Бир жонимиз минг бор олар ишқ,
Жон олишдан қачон толар ишқ!
Тортиқ қилсак ҳам минг парига —
Қалбимизда бисёр қолар ишқ!

* * *

Ул париваш, во дариф, минг ноз қилар,
Ҳар нозу ҳар ишвасин боз соз қилар.
Бошим узра қуш каби парвоз қилар,
Олам аҳлига ишқим оғоз қилар.

* * *

Эй ёр, ғарибинг ёд эт,
Ошуфта кўнглим шод эт.
Минг мушқулим қушод эт,
Ё бор-будим барбод эт!

* * *

Ошуфта қалбим шўх тор қилиб олдинг,
Юрагим оташин нор қилиб олдинг.
Тушмасдим домингга икки дунёда —
Сунбул сочинг дому дор қилиб олдинг!

* * *

Тоғдан ёлғиз тушар сой,
Ёлғиз — офтоб, ёлғиз — ой.
Аллоҳ — ёлғиз, ҳойнаҳой,
Ёлғизлик ҳикматга бой.

* * *

Улғайдик, сарбаланд тоғ бўлмадик ҳеч,
Гулладик, сермева боғ бўлмадик ҳеч.
Тиллога топилмас ҳаёт жавҳарин
Пулладик — имони соғ бўлмадик ҳеч!

* * *

Муродимга, не бахт, етарман,
Бор-будим шеърга бахш етарман.
Имонталаб, эътиқодталаб
Қалбларга бош олиб кетарман.

* * *

Порлаб чорлайди чирок,
Юрагим ўртар фирок,

Гар юлдуздан ҳам йироқ,
Кеча олмасман бироқ.

* * *

Бағрим ёкиб исиндим,
Илхом тулпорин миндим.
Сигмай етти иқлимга
Она заминга индим.

* * *

Номард оти-исми йўқ,
Жони ҳам йўқ, жисми йўқ.
На насаби, на насли,
На эр-хотин — жинси йўқ.

* * *

Шеър ашъор ҳасратим-дардим,
Шеър ашъор ҳамроҳ-ҳамдардим.
Эрта-кеч ҳақ-адолат учун
Жангга кирар шеър-ашъор — мардим!

* * *

Ўтармиз қисматга кул бўлиб,
Кун келар, қолармиз тул бўлиб.
Йитармиз дема: хок-кул бўлиб,
Қабрдан чиқармиз гул бўлиб.

* * *

Хаёлларим ром этган оху,
Оху деманг сарбаланд моҳ у.
Қўлламасанг Парвардигорим,
Етолмасман васлига, ёху!

* * *

Умр ўтар иш билан,
Қувончу ташвиш билан.
Жарроҳ каби қай дардим
Даволар тиф, ниш билан.

* * *

Қадрдон дард-ҳасрат, йўқлагай, эвоҳ,
Қўшоғиз яроғин ўқлагай, эвоҳ!
Хаста бағрим яна минг пора айлаб,
Қонга ботиб, қўнглин тўқлагай, эвоҳ!

* * *

Ўннга юрган бошин ёвлар кемиргай,
Чапга юрган ёвларин еб семиргай.
Тўғри йўлдан юрган оғмай ўнг-сўлга
Худкуш каби ич-этини емиргай.

* * *

Юрагим лахта қон ҳажринг зулмидан,
Ғарибинг чалажон ҳажринг зулмидан.
Маст қилиб висолинг шароби билан,
Халос эт, эй жонон, ҳажринг зулмидан!

* * *

Бошим олиб бадар кетарман,
Қалбим амрин адо этарман.
Эртаю кеч чорлаган Юлдуз,
Висолингга шитоб етарман!

* * *

Қайта-қайта тутиб оларсан,
Ишва билан кутиб оларсан.
Тиз чўкмайман қошингда, бироқ
Бўса билан ютиб оларсан!

* * *

Ром айлар, эй пари, гўзал рафторинг,
Маст қилар ҳар жонни шакарғуфторинг.
Ортингдан соядай эргашиб юрар,
То рўзи қиёмат бор гирифторинг.

* * *

Ой жамолинг кўзлаганим-кўзлаган,
Дарди ишқинг сўзлаганим-сўзлаган.
Хатто васлинг ичра зулми ҳажрингдан
Паноҳ тилаб, бўзлаганим-бўзлаган.

Шуоқлар

* * *

Жон ичра жон бўлар дилором қани,
Минг бир дард ичра, эй дил, ором қани?!
Ҳар пари пайкарга сен каби фидо,
Сен каби мафтун, эй дил-о, ром қани?!

* * *

Фикру зикрим эркаси оху,
Дилимдаги дод-фарёд, ох — у.
Минг бир фарёд, минг бир додимга,
Парво қилмас нетайин ох, у!

* * *

Пойимда токай минг кишан-банд бўлар,
Кўнглим минг дард билан токай банд бўлар.
Қай фурсат жисму жон боғлаб қўш қанот,
Ё Раб, фикринг билан машғул-банд бўлар!

* * *

Токай дуч келганга эланай, ё Раб,
Минг кас элагиди эланай, ё Раб.
Хоки пой қилса ҳам ҳар кас бешафқат —
Эламай тебранай-эланай, ё Раб?!

* * *

Эвоҳ, на мис ва на қалайсан,
Топганинг уйингга қалайсан.
Ҳисоб-китоб они келганда —
Аста сенга деймиз: “Қалайсан?!”

* * *

На у, на бу ёқмассан,
Токай бағринг ёқмассан.
Токай совуқ тош каби
Ҳеч бир зотга ёқмассан?!

* * *

Гар бизлар ҳам харидор,
Дуч келгандан харид — ор.
Устага ашё терак,
Қассоб учун хари — дор!

* * *

Олиб қочар хаёл оти,
Ажиб инсон хаёлоти.
Мўъжизалар кўрсатар гоҳ,
Гар шунчаки хаёл — оти.

* * *

Умр ўтар бир нави,
Ранг-баранг мезон-нави.
Аҳли башар ҳаётин
Бўлмаган бундай нави.

* * *

Гўзалликнинг беқиёс нави — санда,
Гўзалликнинг беқиёс нависан-да.
Гўзал ҳар байти Ҳамиднинг, не ажаб,
Ҳар гўзалга беқиёс нависанда.

* * *

Юрагимда ишқу муҳаббат муҳри,
Яловмида муҳаббат туғро-муҳри.
Ривоятим, ҳикоятим муҳаббат,
Тилда фақат муҳаббат хатти муҳри.

* * *

Билган ҳар гап даромадини,
Ҳар иш йўриқ-даромадини,
Тадбиркорлик билан топар, бас,
Қорун давлат-даромадини.

* * *

Уйимизнинг қўш дарчаси бор,
Қўш дарчанинг ҳам ўз дарчаси бор.
Мудом ёпиқ деманг, киришнинг
Қўп имкони, қўп дарчаси бор.

* * *

Ўзга дема асло ҳеч қону ният,
Бамисли тамоил бор қонуният.



Уларнинг қошида гоҳида ожиз,
Энг мукаммал қонуну қонуният.

* * *

Юришмас ҳеч бозоримиз,
Оёқ ости боз оримиз.
Не тонг, етса бошимизга
Ҳасрату ғам бо зоримиз.

* * *

Ўйладим, сенинг ҳам менга меҳринг бор,
Бехуда уриндим вале неча бор.
Афтода ҳолимда сенинг қўлинг бор,
Десам дединг: “Ҳоҳлаган жойингга бор!”

* * *

Камина ҳам ниҳоят туздим девон,
Ашъоримда ҳатто давлату девон.
Эзгу ўй-ниятим, ё Аллоҳ, Аллоҳ,
Яхшига йўйсалар бас аҳли девон!

* * *

Ҳақ-ноҳақни ноҳақ қорасан,
Бахил, хасис, ичи қорасан.
Ичу таши то қоп-қорасан,
Ҳақ олдида юзи қорасан!

* * *

Бу қандайин бобо, дехқон?
Десам деди бободехқон:
Ғариб ҳоли айтиб турар,
Гўё вайрон бобо дех, қон!

* * *

Қачонгача шубҳа билан боқарсан,
Қачонгача шубҳаларим боқарсан?
Билармисан навнихол, раста ишқим
Шубҳа билан парваришлаб боқарсан!

* * *

Ғар кўзларим қошингда,
Қарорим йўқ қошингда.
Қошки қолсам то абад
Ҳузурингда, қошингда!

* * *

Хаёлим чалвиган, бўлинган,
Минг битта бўлакка бўлинган.
Ўртамизда ошуфта қалб ҳам
Ўртасидан икки бўлинган.

* * *

Боғим ҳаёт бўстони,
Ёрим бағрим-бўстони.
Вале мен учун азиз
Шеър ашъор бўстони.

* * *

Дарё каби суви бўғилган,
Хастадай нафаси бўғилган,
Худо берган салоҳиятим
Минг бир сабаб билан бўғилган.

* * *

Туйғуларим тугён-бўрони,
Гўё уммон довул-бўрони.
Гўё минг тош-табар бўрони,
Омон қўймас дахшат бўрони!

* * *

То кўз тиккан бола-чақамиз,
Бор-будимиз пулга чақамиз.
Хеч қадри йўқ сарик чақамиз,
Ҳаёт мағзин қачон чақамиз?!

* * *


То гап тагида бор гап,
Бир жойдан чиқсин ҳар гап.
Шу ерда қолса бор гап,
Хеч кимга тегмагай гап.

* * *

Гар бошимда кексалик гарди,
Гар ўртагай ишқ доғи-гарди,
Муҳаббатга ташна юрагим
Мусаффо-соф йўқ ғубор-гарди.

* * *

Дейми сени гулбеор,
Ким сени дер: гул — беор.



Хар қандай жойда ўсар
Сен ягона гул беор.

* * *

Гул билан кўшилса гул,
Хаёт бўлар гўзал-гул.
Савоб иш қилар илло
Боғбон каби қўли гул.

* * *

Бола касал бўлса, гуноҳкор — она,
Асло бундай бўлмас гуноҳ кор, она.
Қилмишидан бўлиб минг бор пушаймон
Ўзи парваришлар гуноҳкорона.

* * *

Фарибда нетар давлат,
Бой билан девон-давлат.
То ният — ярим давлат,
Умидим тахти давлат!

* * *

Ким сураар давру-даврон,
Гар кимга ғаним даврон.
Омонат чархи даврон,
Хатто соҳиби даврон.

* * *

Мудом деганим деган:
Қай зот дегани деган,
Қутилмас то финг деган,
Адашар одам деган.

* * *

Бошим узра зангори денгиз,
Пойимда жўшқин денгиз.
Уларга туташ қалб ҳам
Чеки йўқ уммон денгиз.

* * *

Гоҳо юмшоқ дийдамиз,
Гоҳ тош қотар дийдамиз.
Токи очик, дунёга
Тўймас асло дийдамиз.

* * *

Меҳр-муҳаббатим — рози дил,
Шеър-ашъорим шарҳи дил.
Ёдусидан ёришар ҳар дил,
Ардоқласа, не тонг, аҳли дил.

* * *

Эй қалбимнинг азиз дилбари,
Сеникидир барча дил, бари.
Ё Раб, қачон кирар қўлимга
Дилбаримнинг қалби — дил бари.

* * *

Эй, қалбимнинг эрка дилдори,
Билармисан, ҳажринг — дил дори.
Дариғ тутма висолинг жомин,
Тилар сендан хаста дил дори.

* * *

Ҳар юртнинг ўз пул-динори,
Диндорнинг не дин — ори,
Икки дунёдан зиёд
Тилло-зари — динори!

* * *

Юрагинг бермаса дов,
Қайта-қайта тикма дов.
Гар бой берсанг бор будинг,
Наф бермас минг даъво-дов.

* * *

Бўлса ҳамки минг битта довон,
Йироқ бўлса ҳам марра-довон,
Эртаю кеч жидду жаҳд қилсанг
Қўлга кирмай қолмас минг довон.

* * *

Ҳаёт мисли елдим ел,
Тутқич бермас ҳеч шамол-ел.
Қолмай десанг гар армонда
То имкон бор — югуриб-ел.

* * *

Юҳо не эл ризқин ер,
Катта-кичик бошин ер.



То домида ўлка-ер,
Дўзах ҳатто она Ер!

* * *

Қай бир зот ҳар ишга то ақли етар,
Яхши ният билан муродга етар.
Босар-тусаридан беҳабар бекас,
Охир-окибат ўз бошига етар.

* * *

Қувончу дардларин шеър қилиб ёзди,
Шеър ёзиб, сиқилган кўнглини ёзди.
Ҳақгўйлиги боис кесилиб тили,
Боши танасидан олина ёзди.

* * *

Асли бир калима “тарбиялаган”,
Уч сўздан иборат — тар-бия-лаган.
Бир каломдан топар неча сўз шундай
Дидини сайқаллаб тарбиялаган.

* * *

Елкасида сочи ёйилган,
Бағри дуч келганга ёйилган.
Билмайдиган зот йўқ аслини,
Овозаси элга ёйилган.

* * *

Алангаки, кўзни олар ёлғини,
Тўрт томонни ёритар нур-ёлқини.
Алангали меҳрин улашар элга,
Юрагида ёли бор мард Ёлқини.

* * *

Қуёш оташ-аланга ёнар,
Жазирама — бор олам ёнар.
Гўё оташ ичра тургандай
Чидай олмай юраклар ёнар.

* * *

Эс-хуши бор — этагин ёпар,
Уй кўтариб, томин ҳам ёпар.
Билмайдиган босар-тусарин
Бир кун дўкон-дастгоҳин ёпар.

* * *

Хасталанган ноилож ётар,
Ётганда ҳам тўкилиб ётар.
Тушовланган йўрға сингари
Ишлари ҳам тек-тўхтаб ётар.

* * *

Хаётимга қўшилди бир ёш,
Халқаланар кўзларимда ёш.
Тутқич бермас, ўтиб борар ёш,
Кўнглим ҳамон навқирону ёш.

* * *

Бағрим ишқинг дарди ёқади,
Ой жамолинг дилга ёқади.
Кулиб боқишларинг қалбимда
Умид чироқларин ёқади.

* * *

Янградилар тор-дугторини,
Қалбимнинг ҳам жуфт — ду торини.
Ва булбулдай сайратдим яйраб,
Илхом парисин дугторини.

* * *

Не тонг, сувдай жигарим,
Лахта-лахта қон-хун жигарим.
Аксари ёт-бегоналардан
Фарқи йўқ туғишган жигарим.

* * *


Қўлда қаттиқ ушлар мансаб жиловин,
Жумла катта-кичик қаслар жиловин.
Наҳот Яратгандан ўзга бир инсон
Тортиб қўя олмас бадбин жиловин.

* * *

Харсанг тошдай қотиб турадиган жим,
Садо чиқмас ҳеч кимсадан, барча жим.
Гунг-соқовдай тоқай ўтирамиз жим,
Десам, дўқ қиларлар деган каби: Жим!

* * *

Кўрган каби арвохдай жинни,
Эс-хушини йўқотган жинни.



Тузалмаса, ўзига кўшиб,
Бутун элни килар у жинни.

* * *

Кўрмаганга агар битса жир,
Хумчаларда бўлса ҳам мўл жир.
Феъл-атвори ўзгармайди ҳеч,
Ҳамон ўша кўшиқ, ўша жир.

* * *

Ҳар кимнинг ўз юрти, Ватани жойи,
Ҳар гапнинг ўз ўрни, мавриди, жойи.
Ва лекин жамики золим касларнинг
У дунё, бу дунё жаҳаннам жойи.

* * *

Ковушмас дема асло жин-оят-кор,
Бадбин каслар учун ҳар жинойт — кор.
На жиндан кўрқади ва на оятдан,
Минг қилмишдан тап тортмас жинойткор.

* * *

Ичганим заҳар-зардоб,
Юрагим тўла зардоб.
Эвоҳ, етар бошимга
Минг дарду алам — зардоб!

* * *

Гар бисёр захкаш-заҳоб,
Кўнглим каби йўқ заҳоб.
Нечун бўлмай дилхаста
Бағрим емирар зах-об!

* * *

Ўзига хос ҳар бир зотнинг ҳаёт йўли,
Ҳар бир юмуш, ҳар бир ишнинг ҳам бор йўли.
Машаққатли бўлса ҳам гўё тоғ йўли,
Мукаддас мен учун шеър ашъор йўли.

* * *

Имонсизни шайтон чиқарар йўлдан,
Даргумон қайтариш хатарли йўлдан.
Фақат эътиқоди собит ҳақталаб,
Икки дунёда ҳам чиқмас ҳақ йўлдан.

* * *

Ҳилол бўлган каби замин йўлдоши,
Катгаю-кичикнинг бор бир йўлдоши.
Йўл азоби ҳатто билинмас асло,
Сафарга чиққаннинг бўлса йўлдоши.

* * *

Эҳтиёт қилинган мол йўқолмайди,
Бадавлат ҳам, қашшоқ ҳам йўқ олмайди.
Замирида ҳар ким феъли-атвори,
Минг тарбия қилсанг ҳам йўқолмайди.

* * *

Ғафлат босиб эс-хушин ким йўқотади,
Ажралиб, дўсту ёрин ҳам йўқотади.
Эс-хушию дўсту ёрдан айрилган кас,
Бор-будин не, ҳатто бошин йўқотади.

* * *

Отанинг бўлмаса кайфият-кайфи,
Ўғилнинг бошидан учади кайфи.
Кемага тушганлар то бир қисмати,
Боғлиқ бир-бирига ҳолати-кайфи.

Фардлар

* * *

Қариндош билан тўй-маъраканг ўтар,
Фақат маслакдошинг додингга етар.

* * *

Дуч келганга етказар озор,
Дилозорга мунтазир мозор!

* * *

Итни урма, талайди,
Ош бер, пойинг ялайди.

* * *

Тошар дарё кўпирар,
Қирғоқларин ўпирар.

* * *

Оч мухтож бурда нонга,
Шоҳаншоҳ бор жаҳонга.

* * *

Хола, тоғаю амма...
Қавми қариндош ҳамма.

* * *

Гар қўл кири пул,
Пулга ҳамма қул.

* * *

Меҳмон келмас хонадон,
Бамисоли тор зиндон.

* * *

Меҳмон келса, таъзим қил,
Кузатишда базм қил.

* * *

Бисёр минг бир аҳд қилган,
Етар жидду жаҳд қилган.



• • •

Тўғри йўлдан қайрилма,
Дўсту ёрдан айрилма.

• • •

Балиқчи қармоқ билан,
Хунарманд бармоқ билан.

• • •

Юрар йўлинг торайтирма,
Толеингни қорайтирма.

• • •

Бўлмай десанг заминда абгор,
Ой-юлдузга бўлма талабгор.

• • •

Меҳнат қилган эрта-кеч,
Зорикмас ош-нонга ҳеч.

• • •

Муҳаббат ранжи,
Жаҳоннинг ганжи.

• • •

Могу давлат мўл,
Ҳамон қўлма-қўл.

• • •

Баланд-пастга ҳеч бўлма бефарқ,
То қилмагай баланду паст фарқ.

• • •


Кўнгли кенг, теран,
Асил мард эран.

• • •

Пул ҳукмрон бўлган жойда,
Омма фикри-зикри — фойда.

• • •

Дил минг дардга қалқон бўлади,
Минг зарбидан талқон бўлади.



* * *

Чидамасанг минг машаққат шевасига,
Етолмайсан бахт-саодат мевасига.

* * *

Ишқ-муҳаббат сир,
Жумла эл асир.

Бишиклар

“Хамса”га

Муаззам, бетимсол обида,
Минг бир маъно боб-абвобида.
Етмиш ҳажнинг савоби тайин
Бу обида бир тавобида.

“Хазойин ул-маоний”га


Янграр Фарҳод-Мажнунлар охи,
Балқар Лайли-Ширинлар моҳи!
Аҳли ошиқ пушти паноҳи,
Баркамоллик равон шохроҳи!

“Девони Фоний”га

Минг бир аср кечар “Девони Фоний”,
Минг муаммо ечар “Девони Фоний”!
Меҳр-муҳаббатга ташна чашмангдан
Оби ҳаёт ичар, “Девони Фоний”!

Алишер Навоий ҳайкали пойига

Гар сўнгги манзили олис Ҳиротдир,
Ҳайкалин тавоби синов-сиротдир.
Дема бир обида, бир хотиротдир,
Бор олам акс этар сирли миръотдир.



Фулом Карим кутубхонасига

Китоб қасри — йўқ ҳеч қиёси,
Зиёд офтобдан ҳам зиёси.
Кўз нури не саҳифаларда
Ҳамиднинг бор меҳригиёси.

Асқар Маҳкам қабрига

Ҳаддидан ошганда даҳри дун жабри,
Чидамас, во дариф, бандасин сабри.
Тинмас то қиёмат кўз ёшим абри,
Қалбим меҳробида Асқаржон қабри!

Чойга

Ҳинду хитой, гуржи экиб-сотарлар,
Ўзбеклар эрта-кеч ичиб ётарлар.

Соатга

То асло тиним билмас,
Гар ҳеч ўрнидан жилмас.
Вақтни кўрсатишда
Аксари хато қилмас.

Ойнаи жаҳонга

Ойнаи жаҳон номи,
Меъдага тегмас жоми.
Гар бир қарич андоми,
Бепоён осмон коми.

Жаҳон шеърятидан



РУБОЙЛАР

1

То дилимда бор тобу тавон,
То танимда бор руҳи равон.
Дил мойили ҳусни дилистон,
Жон волаи ошуби жаҳон.

2

Ҳуснинг билан обод гулшани чашмим,
Равшан нури билан маскани чашмим,
Баҳра олмаса гар равзани чашмим,
Зулмат ичра қолар равшани чашмим.

3

Сенсиз сабру тоқат даргумон,
Сенсиз бағрим ўртар, ёр, ҳижрон,
Сенсиз, эвоҳ, жони жонажон,
На сабр бор, на дил ва на жон.

4


Ҳар нафас дегаймиз минг ҳамду сано,
Минг ҳамду санодан Ўзинг истиғно.
Фаришталар такбир айтар : “Тасанно —
Илмингдай илм йўқ бизда, Раббано!”

5

Том узра нозланар моҳ малаксиймо,
Ҳатто ою-офтоб маҳлиё сиймо.
Икки қошинг акси тушиб, санам-о,
Икки чашмим баайни қибланамо.

6

Лабларинг шароби маст қилар, эй ёр,
Сарбаланд бўй-бастинг паст қилар, эй ёр.
Хаёлинг ҳамроҳ-ҳамдаст қилар, эй ёр,
Йўкса, дарди ҳажринг қасд қилар, эй ёр.



7

Тонг ели келтирар гар бўйинг, эй ёр,
Боғ ичра жилвагар гар кўйинг, эй ёр.
Ҳар гул ёдга солар гар рўйинг, эй ёр,
Ва лекин ноаён феъл-хўйинг, эй ёр.

8

Тун бўйи то саҳар зорман-интизор,
Яккаман-ёлғизман, хастадил бемор.
Ҳажринг ичра омон қолмоғим душвор,
“Ёрингман!” деганинг қайда қолди ёр?

9

Жонбахш лабларингга минг жоним фидо,
Атрингга, ёр, рухи равоним фидо,
Нозингга ошқору ниҳоним фидо,
Хоки пойингга бор жаҳоним фидо!

10

Мафтун-маҳлиёман то сенга жонон,
Кўзим ёши дарё, жигар-бағрим қон.
Во дариг, афтода ҳолимга ҳар он,
Ҳатто қуш-балиқлар йиғлагай гирён!

11

Ҳажрингда насибам изтироб бу тун,
Жоним чиққудай айлар шитоб бу тун.
Фироқинг бағрим ўртар итоб бу тун,
Ҳолимга раҳм қил, моҳтоб бу тун!

12

Юлдузлар сиришким баҳрида хубоб,
Йўқ-йўқ, бундаин ҳол биз учун нобоб.
Юлдузлардан ашк дарёси шуълатоб,
Жамолинг яширди мисоли гирдоб.

13

Ҳиммат қаҳат худбин кабир-киборда,
Ҳиммат бисёр мазлум-беъътиборда.
Ҳиммат нетар зоҳиду риёкорда,
Ҳиммат нақшбандийда — ишқи борда!



14

Ғурбат ичра солди ҳажринг, эй хабиб,
Ўлар бўлдим, ё раб, минг дарддан қариб.
Ёр қайда, чорласа хастага табиб,
Кафан ҳозирласа, гар ўлса ғариб.

15

Минг жафо ёғдирса гар чархи фалак,
Золим замон зулми гар қилса халак,
Вафо ваъда қилса малика-малак,
Бошим зулфи каби пойида палак!

16

Токай минг ситаму фироқу хижрон,
Токай сенсиз ғариб бу байтул-аҳзон.
Токай висолингга ташна дил вайрон,
Қачон дил мулкига бахш этарсан жон?!

17

Дил борми, ёр, зулфингга банд бўлмағай,
Ё жон ҳажрингда кишанбанд бўлмағай.
Дилинг маним, сенинг ҳарчанд бўлмағай,
Ҳеч жон йўқ ишқингга пайванд бўлмағай!

18

Жоми Жам гар топсам ногаҳон,
Қўлдан қўймай ичай беармон.
Токай кўҳна бепоён осмон,
Ақлу ҳушим айлар лол-ҳайрон.

19

Танг қилар ахволим хипчабел ниҳол,
Қаро зулфинг айлар хастадил, беҳол.
Қоматинг қасд қилар умримга алҳол,
Лабларинг болидан жонда йўқ ҳеч ҳол.

20

Кўзингдан минг афсун топар минг ривож,
Бобилу Кашмирдан олар минг бир бож,
Айёр бошдан тож олиб қилса торож,
Тандан бош оларсан бамисоли тож.



21

Эй соқий, бағрим қон, қадах тут, қадах,
Гар йирик минг чандон қадах тут, қадах,
Гар мисли осмон — қадах тут, қадах.
Ичарман бегумон қадах тут, қадах!

22

Саркашлик қилма ҳеч жононга,
Банда тик қарамас султонга.
Васли-чун жон тик ёри жонга,
Телбалик ярашар нодонга.

23

Ул ошиқ ишқи мулки обод бўлгай,
Ақлу ҳушдан буткул гар озод бўлгай.
Манманлик қилган ҳар кас барбод бўлгай,
Яхшилик даъвоси рад, ношод бўлгай.

24

Тонг отди, то ҳануз сендан йўқ нишон,
Сен кетдинг, самода хуршид нурафшон,
Қон қилар юрагим бу ҳолат, ишон,
Кеч келиб, тез кетиб қолишинг, жонон?!

25

Мен хастага дилбардан келди нома,
Меҳр-муҳаббатга тўла дилнома.
Йиғлатди, хайҳот, бу мактуб раҳнамо,
Тўкилдим номага ёшдай тома-тома.

26

Бўстон ичра кезар боди навбахор,
Сархуш айлар нофаи Чин бегубор.
Наргис кўзларида изингдан ғубор,
Гунчага шодлигин айлар у изҳор,

27

Жонон, қўлинг бўйнимдан олма бир дам,
Додимга ет ахир, бўл менга ҳамдам.
Юзларинг юзимга суриб дамодам,
Руху ақлу ҳушга бермагин барҳам.

28

Ташнаман, соқиё, майи нобдан қуй,
Минг бир дардга дармон-даво обдан қуй.
Гар тавба қилсам ҳам боз шаробдан қуй
Бошу оёғимдан минг бор обдан қуй!

29

Эй соқий узатгин, майи тарабнок,
Жамолинг нуридан бўлгай яна пок,
Минг дарду аламга ташна бу бебоқ,
Пайдар-пай қадах туг, титрагай афлок.

30

Сен кетган лаҳзадан бетобман, бетоб,
Фикру хаёлингда кўз ёшим, ҳубоб.
Дарди ишқинг билан жисму жон кабоқ,
Кел эй ёр, то буткул этмагин хароб.

31

Кетдингу дардингда фигурман, фигур.
Кўзларим йўлингда нигорон, нигор.
Хаста не, хажрингда ногирон-низор,
Кел эй ёр, ғарибинг қилмай интизор.

32

Во дариғ, тоқай ул пари ёр бўлмас,
Хажрида оҳимдай оташ-нор бўлмас.
Тобақай инону ихтиёр бўлмас,
Тоқай хаста кўнглим бахтиёр бўлмас?!

33

Во дариғ, паришон, паришон кўнгил,
Ҳар бир амалидан пушаймон кўнгил.
Ақлу ҳуш бегона нотавон кўнгил,
Нотавонлигидан лол-ҳайрон кўнгил.

34

Жамолинг, жонона, жаннат жилвагоҳ,
Қаро зулфингдан, ёр, узолмам нигоҳ.
Ҳусни жамолингга, гувоҳман, гувоҳ,
Тенг кела олмагай на офтоб, на моҳ!



35

Рўшнолик истасанг, феълинг соз айла,
Фақат дилда борин тилда роз айла.
Бебош оломондан эҳтироз айла,
Тангри фикру зикрин ёр, ҳамроз айла!

36

Жавр этса аҳли даврон, қилма исён,
Тақдирга тан бериб, шукр қил ҳар он.
Бемаъни сўзлама токи бор имкон,
Тинглама бемаъни гап ҳам ҳеч қачон.

37

Истасанг бўлмоқни гар аҳли хавос,
Ўзинг ҳар жоҳилдан халос эт, халос.
Не ажаб, ёр бўлса эътиқод-ихлос,
Мақоминг айласа хос аҳлига мос!

38

Эй дарвеш аҳлидан ҳиммат кутган зот,
Аввало уларга қилгин илтифот.
Ғариб кўнгилларин обод этсанг бот,
Не ажаб, сенга ҳам бўлса кўш қанот.

39

Юзида минг парда, минг ҳижоб бу хат,
Дема ҳеч: муаттар мушки ноб бу хат.
Шомдан офтобга нидо-хитоб бу хат,
Қиёси йўқ гўё нақши об бу хат!

40

Сен боис зор жисми нотавоним шод,
Жамолингдан чашии хунфишоним шод,
Адл қаддингдан руҳи равоним шод,
Жонбахш лабларингдан, эй ёр, жоним шод.

41

Минг алам, минг кайғу жудолик дарди,
Бағрим ёқар, ёҳу, жудолик дарди,
Заҳар-заққум оғу жудолик дарди,
Бошимга етар, бу жудолик дарди.

42

Во дариг, оташи ҳижрон ичраман,
Бошдан-оёқ ашки ғалтон ичраман.
Гар чора ахтардим имкон ичра ман,
То ҳануз оташу уммон ичраман.

43

Дилда дарди ишқинг минг бир доғи бор,
Минг доғдан иборат минг бир боғи бор.
Минг доғ билан маъмур сўлу соғи бор,
Яна минг битта доғ қўйиш чоғи бор.

44

Мижгонларинг қатлим учун саф-басаф,
Ки ҳар бир ўқиға жон нишон-ҳадаф.
Қисматим, во дариг, талафот-талаф,
Эвоҳ, қочиб бўлмас бирон бир тараф.

45

Дўстлар фасли баҳор ичса майи соф,
“Ичмайман ортик!” деб урсам ҳамки лоф,
Ёлғон даъволарим айлангу маоф,
Пайдар-пай май тутинг, эй аҳли инсоф.

46


Офат жонга, эй ёр, доми фироқнинг,
Мисли захар-заққум жоми фироқнинг.
Васлингга етказса шоми фироқнинг,
Дилдан ўчар мангу номи фироқнинг.

47

Бошим узра, эй ёр, афсари ишқинг,
Қалбим ичра пинҳон гавҳари ишқинг.
Афсари ишқ берган кишвари ишқинг,
Ёндирар дур-гавҳар ахгари ишқинг!

48

Дайри муғ ичра муғбачалар чолок,
Қилдилар майи ноб билан маст-бебок,
Бўлди майга гаров хирқам чоку чок,
Шароб сунмадилар ортик, ё афлок!



49

Сокийи башанг, сун шароб оташранг,
Томчисидан эриб оқсин ҳатто санг.
Минг дарду ғам билан дилтангман, дилтанг,
Яйрайман, эй сатанг, майи ноб тутсанг.

50

Дарди ишқ ою йил ягона аъмол,
Ишқинг ила қалбим топади камол.
Ҳажрингдан дўзах ҳам зиёда, алхол,
Яйрасам не ажаб топгандек висол.

51

Хар зухду зохиддин уз кўнгил, эй дил,
Дайри фано ичра туз манзил, эй дил.
Мутриб-май билан мақсад ҳосил, эй дил,
Мақсадга салосил бўл восил, эй дил.

52

Кимлигим ҳеч билолмай зорман,
Неман, недан, не учун борман.
Одамманми ё хок-ғуборман,
Асил наслим билмай бедорман.

53

Дарди ишқ ичра ранжур-ранжонман, нетай,
Девонаю расвои жаҳонман, нетай,
Ёлғиз тоқат билан соғ-омонман, нетай,
Нетайки, бетоқат нотавонман, нетай!

54

Ғуборинг безагай султонлар тожин,
Ожизман васфига ҳуснинг ривожин,
Ҳуснинг торож айлар жаҳон хирожин,
Ҳолим танг қилмасанг бирон иложин.

55

Дилинг тийра қилса аҳли замона,
Кунинг гар тун каби тийра вайрона,
Ғабр қилса даҳри дун золимона,
Омонлик истасанг, май ич мастона.

56

Эй пари, хажрингда танда жон нетар,
Оламни фарёдим, не тонг, маҳв этар.
То пари пайкарим олислаб кетар,
Кулфати хижрони бошимга етар.

57

Хўтан шамъи айлар ҳар кечанг гулшан,
Кун бўйи бош узра порлар офтоб шаън,
Шом чўкса моҳитоб машъала-маъшан,
Умринг, ё Раб, бўлгай шу асно равшан!

58

Бир оқшом саодатпартав жонона,
Ўткир май узатса яна мастона,
Саҳар май хумори қилса ранжона,
Жону жомам гаров қилай мардона.

59

Май жоми тубида қуйкаси чунон,
Ошиқи шайдони айлар нотавон.
Не ғам гар ҳатто жон олса ногаҳон,
Майи ноб қатраси ато айлар жон.

60


Баланд тоғ этагин макон тутарман,
Эрга-кеч гар заҳар-заққум ютарман,
Жаҳону жонон баҳридан ўтарман,
Дилим комин тоғ пойида кутарман.

61

Факиру фано синовига бер, бардош,
Ҳиммат қил, бор-будинг ҳадя эт, қардош.
Алқаса шу икки ишинг кекса-ёш,
Чикора бошингга ёғса ҳам минг тош.

62

Хамхона бўларми дея жонона,
Хомтама бўлма эй, дили девона,
Девона дилингдай кулбанг вайрона,
Негиб пари пайкар бўлар хамхона?



63

Ой юзинг бамисли кавкаби жаҳон,
Муаттар атринг, ёр, жамбилу райхон.
Ошиқлар оҳидай сим-сиёҳ, жонон,
Сочи сунбулингсиз ҳолим танг чунон.

64

Гар захри ғам қилса ҳалок, эй соқий,
Даф қилса майи ноб не бок, эй соқий?
Дилим минг гуноҳдан ғамнок, эй соқий,
Майи ноб билан айла пок, эй соқий.

65

Фано дайрида кўнглинг тиласа май,
Тинглайин десанг гар дафу чангу най,
Токи дайр пири химмат қилмагай,
Армон бу бахт ҳатто бўлсанг Жаму Кай.

66

Парвона гар минг бир шўҳ жонон, соқий,
Кўзларим йўлингда нигорон, соқий,
Пайдар-пай жоми май тут чунон, соқий,
Сармаст бўлай мен ҳам беармон, соқий.

67

Майкада риндларга макон, эй соқий,
Мени ҳам элтдилар у ён, эй соқий.
Маст бўлсин десанг беармон, эй соқий,
Май узат ҳар лаҳза, ҳар он, эй соқий.

68

Заъфарон баргрэзон — ҳазон, эй соқий,
Ҳазондай ранг-рўй заъфарон, эй соқий.
Баргрэзон майда ҳам аён, эй соқий,
Ичарман ҳамон ҳар замон, эй соқий.

69

Мансаб, жаҳон жоҳи, эй, айлаган ром,
Бу дарду ғам боис бегона ором,
Қайда Искандару Жамдан зиёд ком,
Кўлингда бўлмаса ойинаи Жом.

Ёр кўйида бўлмай беному нишон,
 Аён бўлмас минг бир сир-асрор, ишон.
 Макону замонда бўлмай ломакон,
 Хаёти жовидон армон бегумон.

Ўтар дунё дарду ғами билан банд,
 Бақо ганжин кўзга илмас худписанд,
 Бевафо жаҳон жоҳи билан хурсанд,
 Шоҳ бўлсанг-да сен ҳам Ҳақга ҳожатманд.

Олимлик даъвосин қилар ҳар нодон,
 Илми камлигини билган — билимдон.
 Манманлик бошингга бало, эй инсон,
 “Йўқ” десанг етар, бас, олам гулистон.

ҚИТЪАЛАРДАН

1

Эй булбул, гул ишқи қилмагай шайдо,
 Ёдингдан чиқмагай хори фироқнинг.
 Гул умри беш кунлик, сўнгра йил бўйи
 Бағрингни куйдирар нори фироқнинг.

2

Эй бадбин, ўртадинг элў юрт бағрин,
 Зулмингдан диёр не, вайрона очун.
 Борни барбод айлар сен каби оташ,
 Оташни ўчирмоқ зарур инчунун.

3

Ғар шеърү ашъорим бамисли фарзанд,
 Ўзгаларнинг дилбар абёти маҳбуб.
 Маҳбуб бўлган каби уларнинг шеъри,
 Не тонг, шеърим бўлса уларга марғуб.



4

Бевафо бу даҳри дун ичра,
Ҳеч ким билан бўлма ёр иноқ.
Ёринг агар бўлса замонсоз,
Ўртар бағринг ҳар нафас нифоқ.
Гар ёр топсанг дилингга манзур,
Хатар солар бошингга фирок.

5

Мукаммал бўлиши даргумон шеърнинг,
Муяссар бўлмаган бунга ҳеч бир кас.
Баробар бўлса бас фазлу нуқсони,
Қай бир шоир буни қилмагай ҳавас.
Фазилати бисёр шеър у ашъорни
Юздан бир шоир ҳам ҳеч битган эмас.
Ранго-ранг ҳаттоки Аллоҳ каломи,
Нетиб ҳавас қилгай биздай хору хас.

6

То тилла-зар тоғ-тош конида,
Ниш-тикандан токи унар гул.
Қай бир бадфеъл хонадонида
Не ажаб гар туғилса булбул.

7

Одам зотин назарга илмас,
Дард аҳлига бўлолмас дардманд.
Аҳли элни ким писанд қилмас
Бундай хор кас худбин-худписанд.

8

Даҳри дун аҳлидан ким узиб кўнгил,
Танҳо яшамокни гар қилса одат.
Ярашса ҳам ёлғизлик бир Худога,
Узлат бандага ҳам бахту саодат.

9

Холи бўлай десанг заҳматдан,
Юҳо элдан узоқ бўл ҳамон.
Шакар талаб ғужғон пашшадай
Улардан наф кўрмоғинг гумон.



10

Ошиқ бамисоли қурбака,
Маъшуқаси мисоли оташ.
Ошиқ хору забун, афтода,
Маъшуқаси юксак ой саркаш.

11

Давлати камаймас жавонмарднинг ҳеч,
Ҳимматдан сахийнинг буришмас афти.
Олган билан дарё суви озаймас,
Гар нур сочар қуёш, камаймас тафти.

12

Тўқ бўлсанг, нафсингни тийганинг маъқул,
Кўп емоқ келтирар минг ранжу фасод.
Даррандалар ичра баднафси агар —
Беармон еб-ичиб топса ҳам мурод,
Ҳалқумига оху тираганда шох —
Тили ҳам айланмас сўрашга имдод.
Сен ахир инсонсан сохиби ҳикмат —
Молдай еб шаънингга келтирма иснод.

13

Хар мажлисда тўрдан жой кўзлар олим,
Раққос ўйинчидан асло қилмас фарқ.
Олим дема уни, жоҳилу золим,
Гўзал қаддан ўзга барига бефарқ.

14

Мухтасиб бўлишдан аввал бу кимса
Майхона кунжидан чиқмасди мудом.
Бу айём туз солиб май тўла хумга
Айшу ишрагимиз айлади ҳаром.

15

Моҳиён ҳовузи балиғи талон,
Овлоқ жойдалиги бунга баҳона.
Қимқи бу ҳовузни қўриқласа гар,
Тайинлагум мояна-моҳиёна.



16

Эй улуғ зот, қай бир хамдаминг
Пора бўлса эғнида либос.
Унга ҳадя айладинг мато,
Кўйлак учун мақомига мос.
Мато бер менга бир пора,
Либос тикай мен ўзимга хос.

17

Дўстим деганинг гоҳ бағринг поралаб,
Етказар жафокаш жонга талафот.
Куйдирар бағрим ким билан бўлсам дўст,
Дўст эмас аслида балойи офат.

18

Нокас аҳли дилга отмаса ҳеч тош,
Қадамин босмаса ҳеч хонадонга.
Дарёга тумшуғин тикмаса кўпшак,
Хирапашша қўнмаса дастурхонга.

19

Ё Раб, Ё Раб! Бу не муҳташам бино,
Тўккиз фалақдан ҳам юксак равоқи.
Гумбази уммони ҳилолга пайванд,
Шу жуфт нова билан сарбаланд токи.

20

Сафар дар Ваган деб отланган йўлга,
Кимсага эргашиш эмас гар осон,
Сафар қилмаган кас бамисли сахро,
Сахрода йўл-издан бўлмас ном-нишон.



Рус шеърляридан

Александр Пушкин

ИҚБОЛ

На юксак мартаба, на зару давлат,
На унвоң, на шуҳрат, на зарур савлат;
Қаршимдан чиқди гар пешвоз шайланиб,
Турфа ғалвалардан ўтдим айланиб.
Ўвлашган шоҳки бор навбатма-навбат,
Сулху омонликка қилмадим даъват.
Асирми жумла эл ва ё кўр-басир,
Чикора мен учун, қилмас ҳеч таъсир.
Мен булар баридан безган бандаман,
Эзгу ҳикматларга қўйдим танда ман:
Шоҳлар амри билан яшаш эрта-кеч,
Фарқ қилмас оммага қарамликдан ҳеч.
Ҳеч кимга эгмасман мағрур бу бошим,
Озод қалбим амри ёлғиз йўлдошим.
Сарбасту ҳам сармаст булбулдай гўё,
Чаманзор боғларга мафтун-махлиё;
Энг сара асарлар сеҳри қилса лол,
Мен учун энг олий илоҳий иқбол!

ОЯТ

Роҳиб-роҳибалар ҳаётдан безиб,
Ҳаёлан минг битта оламни кезиб,
Дардига ахтариб таскин-тасалли,
Илоҳий дуолар битганлар, балли!

Бебаҳо бир дуо азиз мен учун,
Моҳи Рамазонда кўрсатар кучин;
Ё Раббим! Шаънингга шукрона айта,
Уни такрорлайман қайта ва қайта.



Эй фикру зикримни банд этган оят,
Ялқов-танбалликдан асрасанг шояд;
Маддохлик, такаббур ҳар не даъводан,
Ҳам ўзинг сақлагил кибру ҳаводан.

Вале ҳар нуксоним қилгайсан аён,
Ва мендан ҳеч кимга етмагай зиён.
Ато эт итоат, севги саодат,
Илоҳий покликни одат қил, одат!

1836 йил

Михаил Лермонтов

БАШОРАТ

Россия! Қисматинг оғирдан оғир,
Тоғ-тахтдан мосуво шоҳлар қон бағир;
Қон ичиб, қон кечиб, қонда тайрилиб,
Эл ҳатто уларга бокмас қайрилиб;
На қонун-қоида, тартиб-интизом,
Ҳеч кимни ҳимоя қилмас ҳеч Низом;
Ҳароба, абгор юрт бўйлаб беомон,
Ўлат-вафо кезиб, қашшоқ, чалажон,
Жумла элни ёша бирма-бир кириб,
Ялмоғиз бўрондай ямлар қутуриб;
Уфқ бўялган кун қоп-қора қонга,
Забардаст бир баттол тушар майдонга.
Дастига не учун олганин қурол,
Маънисин сен англаб етарсан дарҳол;
Во дариф, бошингга тушган балолар,
На бағрин ўртар, на қайғуга солар;
Бағрингда улғайган бу қаттол, эвоҳ,
Қонли қўли билан қазир сенга чоҳ!..

1830 йил

ФАРИШТА

Фаришта самовот ичра парвона,
Куйлар алёр, тарона;
Булутлар, ой, юлдуз терилиб,
Тинглар бари берилиб.

Жаннат ичра хурлар ҳаёти —
Сир-синоат баёти;
Хамду сано такбирлар айта,
Тангрини алқар қайта.

Жавон қалбни босиб бағрига,
Элтар замин қаърига;
Ёш қалб ичра йўқолиб сўзи,
Қолар бир куйнинг ўзи.

То заминда чекди кўп озор,
Гарчи мудом умид ёр;
Куй-қўшиғи бу ернинг қора,
Бағрин қилди садпора.

ШОИРНИНГ ЎЛИМИ

Шоир шаҳид! Шаън, олиймақом,
Пок шаънига тегдилар унинг.
Қалбида кўрғошин, интиқом,
Мағрур бошин эгдилар унинг.

Маломатлар оташ юракка,
Қиличдай беаёв санчилди.
Бош кўтарди мардона якка,
Ва оқибат шоир янчилди.

Шоир ўлди! Фарёд на даркор,
Хамду сано, олқишлар нечун?!
Қилмишингиз оқламанг бекор,
Қаттол қисмат кўрсатар кучин!

Сиз эмасми дарғазаб, қистаб,
Ўз шоирин юртидан қувган.
Хамда текин томоша истаб,
Ўчай деган ўтга ёғ қуйган.

Яйранг... сўнги зарба, истибдод,
Ва янчилди шоирнинг боши.
Завол топди даҳо истеъдод,
Шеърятнинг сўнди қуёши!



Манфур қаттол бефарк, бепарво,
Зарба берди — зарба беаёв:
Қаҳри қаттиқ қаттол бедаво,
Қилт этмади дасти ҳам бирров.

Бу не қисмат, омад-саодат,
Мартабалар истаган ботил,
Юргимизга келган беадад,
Келгиндилар бири у қотил.

Шарму ҳаё бегона манфур,
Шон-шарафдан беҳабар бу гўл,
Бор-будимиз топтади бир йўл,
Қай бир зотга қўтарганин қўл,
Қила олмас ҳатто тасаввур.

Ва ўлди у — макон ер қаъри,
Жаҳонгашта сиймо сингари,
Шаънига шеър-ашъорлар битган,
Воҳ, уни ҳам телба-сарсари,
Бешафқат кас бошига етган.

Нечун тарк айлади меҳр боғларин,
Нечун макон этди жафо тоғларин.
Оташ қалби учун мангу тор зиндон?!Тубан бандаларга алданди нечун,
Нечун енголмади бўҳтонлар кучин,
Билса-да одамзот атворин обдон?..

Сохта шуҳрат тожин кийдириб,
Гўё яқин маҳрам қилдилар.
Асли шоир қалбин куйдириб,
Тиф-яроғсиз қийнаб тилдилар.

Жохил қавмин фиску фасоди,
Заҳарлади сўнгги онларин,
Юрагида қасос фарёди,
Олиб кетди бор армонларин.

Афсунгар алёрлар жаранги тинди,
Афсунгар алёрлар... қалбим яраси!
Олтин сози шоирнинг синди,
Янграмас ҳеч даъват, наъраси.



Сиз қилмиши тилларда дoston,
Киборларнинг арзандалари,
Дастингиздан қутилмас омон,
Яратганнинг хор бандалари.

Ялтоқилар тож-тахт пойида,
Эрк, Буюклик, Шон қушандаси.
Измингизда қонун-қоида,
Бас келолмас сизга бандаси.

Вале Аллоҳ шоҳид, алҳазар,
Дўзах сизни кутар беомон.
На мансабу ва на тилло-зар,
Бу балодан сақлолмас омон.

Ва қанчалар солманг дод-фарёд,
Нафи бўлмас ҳеч оҳингизни.
Юволмайсиз мангу тоабод,
Кечирилмас гуноҳингизни!

Александр Блок

ТОНГ


Ким зиёда, кимлар тубан-паст,
Турфа одам, минг турфа малак.
Ҳар юракда аланга сарбаст,
Ҳар кўнгилда аламлар лак-лак.

Ва ҳар бир зот бағрингни ёқар,
Яна ўзи ўчирар қайтиб.
Ва ҳар бир зот ёлвориб боқар,
Надоматлар-афсуслар айтиб...

Ҳаётимга ўзим шох-султон,
Қаҳру ғазаб музаффар ялов.
То юсакда бўлгай намоён,
Малаксиймо парилар бирров.

Такдиримни барпо қиларман,
Ўзим барбод қиларман қайтиб.
Оппоқ Тонгни кутиб оларман,
Дўст-ёр ила алёрлар айтиб.

1906 йил, сентябрь



ФАРИШТА

Зулумот заминда масканим мени,
Халоскор фариштам, севарман сени.

Севарман жонга жон ёрлигинг учун,
Наинки ёрлигинг, борлигинг учун.

Чамбарчас боғлаган сирлар, тун учун,
Онам, синглим, ёрим – сен, севмай нечун?!

Узоқ умр учун бизларга тортик,
Қисматдошим дея севарман ортиқ!

Кишан-бандим учун, афсунинг оғу,
Тавқи лаънат учун севарман ёху!

Неки менга азиз сенга бегона,
Қашшоқ эл дардида телба-девона.

Хамжихатлик учун бизлардан олис,
Муте бандаларнинг устидан холис,

Хукм айтмадим гар, севарман сени,
Хўрлаган зот учун халқимни, мени.

Жўмардлар барчасин камагай қай зот,
Илҳомим сеҳрга ишонмаган бот.

Ким кадр-қимматим қориб лойларга,
Сотилар деб ўйлар баён-бойларга...

Барида бор гарчи қасосим-қасдим,
Ожизлиги учун ва лекин дастим,

Фақир-ҳақирлигим учун мен буткул,
Аждодларим ҳаққи муте, банди, кул.

Феъл-атворим билан ҳалимдай майин,
Жангу жадалларга қандоқ ярайин.

Бирок ожизлигим учун бехато,
Севарман меҳрингу қаҳрингни ҳатто.



Сув келса ичган биз, ўт келса кечган,
Тангрим қисматимиз бир қилиб бичган!...

Қай зотлар ўйи бир, қўшиқ куйи бир,
Ажрата олмагай ҳеч синоат-сир.

Тонгларга термилдик йўғрилган сирга,
Тубсиз ўпқонга ҳам боқармиз бирга.

Фаройиб манглайда қисматимиз зап,
Қушод шод эркинмиз куллар дарғазаб!

Итоат ва исён! Кетма, қол! Йўқол!
Зулматми ё зиё — интиқ! Билиб ол?!

Ким чорлар? Ким йиғлар? Қайга? Хўдойим —
Бир тану бир жонмиз ҳамиша, доим!

1906 йил, 17 август

ТУЛПОР

Халоватга, хузурга ошна,
Бу гўшага бегонаман мен.
Бўронларга, курашга ташна,
Жаҳонгашта девонаман мен.

Курашларга ташнаман токим,
Халоватдан оғиз очма ҳеч.
Тинчлик бермай асло аллаким,
Даъват қилар, чорлар эрта-кеч.

Юрагимга қўш қанот хитоб,
Шавқи-завқи, жўшқин шукуҳи.
Олиб кетар бу тулпор шитоб,
Бўронларнинг музаффар руҳи!

1913 йил, октябрь



ҚУЗҒУН

Бийдай дала поёнсиз,
Ғам-ғуссалар баёнсиз.
Қора кузғун айланар,
Ўлжа излар шайланар.
Чалдивор кулба, она,
Алла айтар парвона;
Бешикни қучиб йиғлар,
Боз юрак-бағрин тиглар...

Минг бир аср мавжида,
Эврилишлар авжида.
Ўзгача замин-замон,
Ёлғиз сен, юртим, ҳамон,
Ҳамон ўша-ўшасан,
Дардларга дард қўшасан!
Токай қузғунлар йўлдош,
Токай ғам-ғусса, қўз ёш?!

1916 йил, 22 март

СКИФЛАР

*Панмўғулизм! Гар даҳшатли ғоят,
Ва лекин мен учун бамисли оят!*

В. Соловьёв

Гар милён-милёнсиз, бизлар беадад,
Мард бўлсангиз, тайёрмиз жангга.
Осиёлик скифлар, сохиби қудрат,
Нигохимиз оташ-аланга.

Сиз — валломат, бизлар норасидамиз,
Итоатгўй, хумпар, хувори.
Мўғуллар-Оврупо орасида биз,
Осмоңунар Хитой девори!

Асрлар сарбаланд қалъа мустаҳкам,
Иродангиз нешлаган ғоят.
Лиссабон-Мессина ҳалокати ҳам,
Сизлар учун эртак-ривоят.



Шарққа кўз тиккансиз неча бир замон,
Фамлаб ёқут-дурларимизни.
Орзу ҳам қилгансиз пинҳон беомон,
Забт этишни ерларимизни.

Ниятингиз вожиб! Қоим шу бало,
Соат сайин кулфат зиёда.
Пестумлардан балки, муқаддас, аъло,
Ном-нишон ҳам қолмас дунёда.

Кўҳна дунё! Токи бегона завол,
То маст айлар ҳаёт маҳзани,
Донишманд Эдипдай жасур, мард, ҳалол,
Синоатлар кашф эт мағзини.

Россия — синоат! Гоҳ фамгин, гоҳ шод,
Довлашар мард ёв қисмат билан.
Сиз томон кўзларин тиккан у кушод,
Ҳам меҳр, ҳам хусумат билан.

Дарди ишқ биз каби телба-девона,
Қилолмагай бирортангиз ром.
Сиз муҳаббат дардин якка-ягона,
Унутгансиз ҳатто батамом!

Бизни-чи, ром айлар илоҳий ҳислар,
Солномалар ҳарорати ҳам.
Азиз — доҳиёна сирли немислар,
Галл каломин шарорати ҳам...

Азиз қайноқ Париж кўча-кўйлари,
Венеция саррин сабоси.
Муаттар лимонзор боғлар бўйлари,
Кельннинг кибру ҳавоси.

Аҳли башар азиз биз учун биллоҳ,
Не тонг, ҳатто ҳурлар сиғинса...
Заиф сўнгагингиз, бизда не гуноҳ,
Дастимизда қарсиллаб синса.

Азал-абад собит шиддат-шаҳдимиз,
Асов отлар айлагай таъзим.
Қайсар жориялар ўлжа нақдимиз,
Тик қарашга қилолмас жазм!



Чек қўйиб қирғинлар, талотўп жангга,
Бағримизга келинг, марҳабо!
Айланиб барчамиз бир жону танга,
Адоват-кек топгай интиҳо.

Йўқ эса бизлардан гина қилманг ҳеч,
Бор қаҳримиз захрин тотгайсиз.
Дарғазаб авлодлар қарғаб эрта-кеч,
Лаънатларга тубан ботгайсиз.

Чангалзор ўрмонлар бошпана, паноҳ,
Ахтарма ҳеч ортиқ бизларни.
Хилват гўшалардан ҳеч узмай нигоҳ,
Кузатгаймиз фақат сизларни.

Ўрол томон шитоб келгайсиз оқиб,
Жангоҳга у хунхор айланар.
Қаттол чингизийлар гулханлар ёқиб,
Қирғин-барот учун шайланар.

Бундан буён сизга наинки қалқон,
Дастимизга қилич олмасмиз.
Ва лекин безовта ҳар лаҳза, ҳар он,
Кузатишдан жангни толмасмиз.

Гала-гала хуннлар қаҳри қаттиқ ёв,
Жасадларни талаб кемирсин.
Шаҳарлар — вайрона, отхона — черков,
Қонларингиз сўриб симирсин!

Садоқатинг сарбаст қалбинг азмига,
Сўнгни бора, Оврупо, кўрсат!
Жанговор ашъорим дўстлик базмига,
Сўнгни бора чорлар бу фурсат!

1918 йил, 30 январь



МАНГУЛИК

Нетай, айт, нетайин, айтақол қани,
Ягона менга тан шу ёлғиз танни?!

Хур ҳаётим учун бамисли базм,
Айтақол, кимларга қилай боз таъзим.

Боғбон — мен, гул ҳам мен — яқин юракка,
Жаҳон зиндонида яккаман, якка.

Гар ожиз бандаман, ғофиллигим бор,
Вале мангуликка дохиллигим бор.

Боқий сийнасига шитоб яхшилаб,
Суврату сийратим ўйдим нақшлаб.

Ўтар-йитар ҳатто минг битта аср,
То абад йитмас мен муҳрлаган сир!

1909 йил

ҲАЗРАТИ ИНСОН

Гар шону шуҳрати тилларда дoston,
Шаҳарлар шавкати мангулик аъмол.
Рим эмас, билаъкс ҳазрати инсон,
Асрдан асрга буюк, баркамол.

Шоҳлар қул қилсам дер, роҳиблар тинмас:
“Жанг учун туғилар инсон онадан”.
Наинки саройлар, черков муқаддас —
Инсонсиз фарқи йўқ ғурбатхонадан.

1914 йил

ХОТИРА

Куйлагай изғирин мунгли тарона,
Захарханданг бағрим тилар, жонона.
Дилбарим, бунчалар таънали боқма,
Ўрганган бағримни беаёв ёқма.

Кундан-кун чиройинг очилар сенинг,
Кундан-кун заволим яқин ох, менинг.
Бамисли фаришта ёшлар бокира,
Бағримни ўртайди армон, хотира...

Мунгли таронадай увлайди бўрон,
Захарханданг қилар кўнглимни вайрон!

АРМОН

Ой нурига чўмилган олам,
Навкирон, ёш бўлганман мен хам.

Қололмадим нетайин тутиб,
Елдай шитоб кетди тез ўтиб.

Кўзларда ёш қалбимда алам...
Ой нурига йўғрилган олам!

ВИСОЛ

Тушимда: йўл зимистон,
Елдай учар оқ жийрон.
Жийронда дилбар елар,
Васлимга шошиб келар.
Қамчи босар басма-бас,
Эвоҳ, суйганим эмас!

Оқ қайин-эй, оқ қайин,
Бағрим тоқай ёқайин.
Ёри ила бахтиёр,
Бўлгай майли ул дилдор.

Тутиб маҳкам қўлидан,
Қайтара қол йўлидан.

Ой осмонда кулар боз,
Жийрон шитоб елар боз.
Ойдин оқшом нур тўла,
Синоат ҳам сир тўла.
Нурга чўмиб юзимни,
Қамаштирар кўзимни.

Безориман шўх сарбаст,
Шеърү ашъор қилган маст.
Шиддати-шаҳди учун,
Она юрт бахти учун,
Ёқмаса ҳам гар менга,
Бағрим кенг очай унга.

ҚЎШИҚ

Наҳот мен — чарх урган кун кеча кушдай,
Наҳот умрим ўтди лаҳзалик тушдай.
Панд бериб саркашлик ва бебошлигим,
Наҳотки бой бердим олов ёшлигим.
Янгра, эй тарона, ёндир боримни,
Қучгандай бўлай то севган ёримни.
Қайдадир най йиғлар, ой ҳамроҳ ҳар кеч,
Ох, ортиқ иккимиз учрашмаймиз ҳеч!
Бағрим қон айлаган азалий севги,
Навкирон ҳаётнинг ғазали севги.
Боболар таърифнинг битган қон билан,
Авлодлар куйлагай жисму жон билан.
То ҳаёт ҳеч қимга қилмагай вафо,
Ўйнаб қол, жонингга қилма ҳеч жафо.
Менинг ҳам қолмаган қилмаган ишим,
Во дариғ, йўқ бугун суянар кишим.
Булбул таронаси селдай куюлар,
Алвидо алёри бўлиб туюлар.
Бағрим қон айлаган азалий севги,
Ҳаётнинг барҳаёт ғазали севги.



ГУЛЛАР

I

Чечаклар видо айтиб,
Юрак-бағримни эзар.
Она-юрт, сени қайтиб,
Кўрмасман, кўнглим сезар.
Алвидо, гул-лолалар,
Васлингизга тўйганман.
Сизни — армон волалар,
Эзгуликка йўйганман.

II

Саррин навбахор шоми,
Ишқу муҳаббат жоми.
Бўлмас ҳеч сизни севмай,
Бирга-бирга ичсам май.
Бир даста садарайхон,
Хайрон юрагим вайрон,
Вайрон юрагим ҳайрон,
Бир даста садарайхон.

III

Кўнғироқгул, қувноқ гул,
Булбули бийрон кўнғил.
Таърифига ожиз сўз,
Ёдга тушар бўтакўз.
Куйлама бас, ёнимда,
Қасдинг борми жонимда?!
Муҳаббат дарди яна,
Ғолиб, қилар тантана!

IV

Сизни севдим дунёда,
Дарду ғамим зиёда.
Ғар зиёда дарду ғам,
Оташин ишқим малҳам.
Қалбимда ишқ жўш урар,
Қалбим гулхан — ёнаман.
Алангага тўш урар,
Мастона парвонаман.



V

Ясама чаманзорлар,
Бегона, мендан йирок.
Гарчи бағрига чорлар,
Алқай олмасман бирок.
Табиат қучоғида,
Ўсган гулга гадоман.
Бўтакўз фироғида,
Мен булбули адоман.

VI

Гуллайди ҳатто четан,
Гуллаб мева тугар у.
Мева тугиб дафъатан,
Алвон бошин эгар у.
Гулга ўхшамас улар,
Раъно эмас бегумон.
Биздай гоҳ йиғлаб, кулар,
Биздай беш кунлик меҳмон.

VII

Авфу айла гулрухсор,
Не ҳунарлар қилганман.
Вале неки бетакрор,
Мудом азиз билганман.
Биз ҳам бетакрор асил,
Ўтиб кетгаймиз секин.
Келар не янги насл,
Биздек бўлолмас лекин.

VIII

Алвидо, гул-лолалар,
Алвидо, гули раъно.
Наинки бу далалар,
Мангу бегона барно.
Бегона бўлса нетай,
Чаманзор кўп, кўп чаман.
Заминга алёр айтай,
Замин! Сени қучаман!

IX

Гул эмасми одамзот,
Гул эмасми ҳар бир зот?
Аҳли башар чиройи,
Гулдай гўзал, киройи.
Менинг бу олтин бошим,
Даста гул, қаламқошим!
Тўрт фаслда бемалол —
Инсон яшнар баркамол!

X

Мен уларнинг мафтуни,
Бахшида жисму жоним.
Тўкилган кеч куз куни,
Менинг ҳам қутлуғ қоним.
Гуллар жанги беомон,
Гуллар жанги авжида.
Ғолиб Атиргул омон,
Долғаларнинг мавжида.

XI

Октябрь! У кунлар,
Хотирамдан чиқмас ҳеч.
Бошидан жудо гуллар,
Тушимга кирар ҳар кеч.
Инсон нозик гул дема,
Ғар гулдай нафис улар.
Пўлатдан ясаб кема,
Қурар мустаҳкам уйлар.

XII

Азиз мен учун ҳаёт,
Азиз ҳар лаҳза, оним,
Куйлар мангу барҳаёт,
Оташин шеър-достоним.
Куй ва қўшиқ йўлдошим,
Куй-қўшиқ жондан ортиқ.
Ёрижон, олтин бошим,
Гулдаста — сенга тортиқ!

1924 йил



ТУЛПОР

*Зулмат самовотдан тийра сиёғи,
Намоён қоп-қора қатрон оёғи.*

Тун. Гуриллар гулхан тобора,
Пайдо бўлди тулпор қоп-қора.

Ақл бовар қилмас сир, рўё,
Қора кўмир оёғи гўё.
Қоп-қора от тундай онкадар,
Ёлидан то думига қадар.
Тасмадайн товланар таранг,
Ялагудай яғрини яланг.
Ҳайкал гўё собит сиёғи,
Дахшат солар қора туёғи.

Ҳеч бир соя сололмас ҳеч из,
Қоралиги шундай шубҳасиз.
Қоп-қора у тундан фарқи йўқ,
Қора зиндон, чохдай тархи йўқ.
Қора қатрон, қора ўнг-сўли,
Қора гўё ҳасадгўй кўнгли.
Қароликда ягона-якка,
Шундай нур ёт қай бир юракка.

Ярим кеча. Асрор фаройиб
Яна ҳам у борар қорайиб.
Йўламади бизга ҳеч яқин,
Оғида ҳам зим-зиё чақин.
Тарк этгандай туннинг бағрини,
Кўринмас ҳеч ортиқ яғрини.
Бироқ кўзи оташ-аланга,
Титроқ солар ҳам жону танга.

Гўё мавҳум сиймо шарпаси,
(Сувратдайн чикмай ҳеч саси),
Не учун у тонггача холис,
Кетмади ҳеч гулхандан олис?
Зулмат-қора тун ила ошна,

Неларни у кидирди ташна?
Нигоҳида не муддао, роз?
Ахтарди тун бўйи чавандоз.

1962 йил, 28 июнь

ҲАЙКАЛ

Ҳайкалим ҳақ тикладим, холис,
Шармандали асримдан олис.
Бой берилган ишқимга мойил,
Тамойилдан йироқ шамойил.
Бўхтонлардан ўгирганман юз.

Қай қисматга бўлмай юзма-юз,
даф қилса ҳам минг бир балолар,
қиёфам ҳақ ўзгармай қолар.
Шу юксаклик манзур, шу таврим,
Юксалтирган қасоскор даврим!

Илҳом, кечир айбим-гуноҳим,
Хаёлларим, пушти паноҳим,
билмам қайда улоқиб кезар,
ҳақ ҳайкалим, бас, кўнглим сезар,
бузарлар йўқ айблар тақаб,
ўжар деб ҳам қўярлар лақаб,

чикора мен учун бедодлик,
болаларга улашиб шодлик,
шижоатга, ғайратга тўлиб,
юксаларман фаввора бўлиб.

1962 йил

ҚИСМАТ

Л.В.Лифшицга

Қисмат ўйин дегайман такрор,
Увулдирик... балик не даркор?
Арк-қуббалар бамисли найза,
Озори йўқ, майли кўпайса,



Пешайвон, дов-дарахт ҳам тортиқ,
Севганим оз жонимдан ортиқ.

Ўрмонзор ўлканинг бир қисми,
Бас жувоннинг бир аъзо-жисми,
Асрий дарддан толиққан кўзим,
Топсам Эстон боғидан тўзим.
Пешайвон, бор идиш тоза-тахт,
Тополмасман ортиқ бунда бахт.

Тани бошқа билмагай дардинг,
Давоси ёр — бор ғубор-гардинг.
Замон ўзга, гар ўзга макон,
Ўша-ўша бу қадим дўкон.
Айвон. Дилда қадар, гоҳ холис,
Ёшлигимни эслайман олис.

Ёриб чиқар куртакни япроқ,
Маъмур ҳосил негизи тупроқ,
Термилганда чексиз далага,
Не хаёллар келмас каллага.
Пешайвонда, ғариб, дилхаста,
Хаёл ичра сузарман аста.

Ашъоримда мазмун-мантиқ оз,
Ҳатто қўшиқ бўлмас жўровоз.
Не тонг, қайсар шеър-ашъор учун,
Ким дарғазаб кўрсатса кучин.
Қора айвон, қатма-қат парда,
Шовуллайди денгиз серзарда.

Телба замон ғариб уммати,
Зўр шеърим ҳам гар йўқ қиммати,
Эзгуликка бахшида бу ранж,
Қадрланса не тонг мисли ганж.
Қора айвон, дунё зим-зиё,
Тубсиз чоҳга чўмгандай гўё.

1971 йил



Шоҳик шеърнашдан

Шерали Лойиқ

ТҶРТЛИКЛАР

На даркор бемаврид шуҳрат-шон,
Кетма-кет чоп этиш шеър-достон?
Шоир қалби мисли она ер —
Меҳнат, меҳр тилар ҳар бир он.

* * *

Дуч келган ҳар тоғда зар кони бўлмас,
Ҳар уммон туби дур макони бўлмас.
Янги ёрдан кўнглинг қолса, айрилган —
Чин дилдоринг топиш имкони бўлмас.

* * *

Қабул айла меҳрим пайваста сўзим,
Асло узолмасман йўлингдан кўзим.
Мусофирман, олис сафарга чикқан
Ой жамолинг, эй ёр, йўлчи юлдузим.

* * *

Бир замон қалбимда минг орзу-ҳавас,
Олис юлдузларга ҳамроҳ, ҳамнафас.
Бу айём юрагим ўртанса, не ғам,
Ойдек жамолинг, ёр, кўриб турсам бас!

* * *

Кибру ҳавога сотилдилар,
Ўзларин авлиё билдилар.
“Худо йўқ!” деганлар ўзларин
Тангри, дея эълон қилдилар.

* * *

Ишқим ила баҳор лаҳза-дақойиқ,
Садоқатимга ҳам гувоҳ халойиқ.
Кўнглим тўқ, бош олиб кетсам, дегайлар:
Яшаган заминда ягона Лойиқ.

* * *

Ким ғофил, қай зотлар хушёр то ҳамон,
Золиму фидокор бисёр то ҳамон.
Шоҳларни тож-тахтдан айирдик, вале
Фақирлар қатору қатор то ҳамон.

* * *

Кездим кучоғингда даҳри дун йироқ,
Гоҳ яйраб, гоҳ бағрим қон қилди фиरोқ.
Муҳаббат роҳидек равон шоҳи роқ,
Тополмадим дунё саҳнидан бирок.

* * *

Дили беморимда ёдинг яшар, ёр,
Дару деворимда ёдинг яшар, ёр.
Қалбинг кўзи билан гар солсанг назар,
Шеърү ашъоримда ёдинг яшар, ёр.

* * *

Мудом ишқинг дилимнинг бахти, эй ёр,
Даҳри дунда ягона нақди, эй ёр.
Ишқим номаларин асра оловдан,
Лахта-лахта қон бағрим лахти, эй ёр.

* * *

Кўлингга қирқ хунар, қирқ амал бўлғай,
Хар илму аъмолинг мукамал бўлғай.
Санокли беш кунлик умринг ҳосили,
Иқбол учун мустаҳкам тамал бўлғай.

* * *

Бамисли об-оташ башар — муҳаббат.
Гар қайноқ қалбингда тошар муҳаббат,
Марҳабо, малагим, шоир қалбимга,
Фақат шоир дилда яшар муҳаббат.

* * *

Ғарибмиз, вале сиз хос билинг, эй дўст,
Зилол ашкимиз ихлос билинг, эй дўст.
Имкон қадар битган ҳар бир байтимиз,
Хароб ҳолимизга мос билинг, эй дўст.

* * *

Шоирлар гуноҳи савобдан аъло,
Тахир-талх сиришки шаробдан аъло.
Айрилманг аҳли шеър суҳбатидан ҳеч,
Додин дуд-тутуни каобдан аъло.

* * *

Табибим йўқ ўзимдан ўзга,
Ҳабибим йўқ ўзимдан ўзга.
То бой бердим аксар ҳаётим
Рақибим йўқ ўзимдан ўзга.

* * *

Чикора минг жафо қилса гар даврон,
Кимга вафо қилган чархи саргардон.
Гар умрим тенг ярми ўтди не армон,
Барҳаёт ҳаётим роҳи бепоён.

* * *

Ишқим ёрқин офтоб ва ё моҳ айла,
Маккорлар макридан ё паноҳ айла.¹
Фарҳоду Мажнундай элда афсона
Муҳаббат аҳлига шоханшоҳ айла.

* * *

Муҳаббат ҳар онимиз мотам қилар,
Насибамиз минг алам, минг ғам қилар.
Адл қадду қоматимиз, во дариг,
Минг маломат бирла долу ҳам қилар.

* * *

Гар заминда кечар ҳаётим,
Само бўйлаб янграр баётим.
Лочиндан ҳам парвозим юксак
Қўш қанотим ашғор-абётим!



БИТИКЛАР

Минбарга

Гоҳ кулинг, майлига гоҳида бўзланг,
Цицерондан баланд мартаба кўзланг.
Пеш қилмай дуч келган донишманд фикрин,
Ўз бисотингиздан бир ҳикмат сўзланг.

Хайём китобига

Барча ошиқ, вале Мажнун-Лайло йўқ,
Барча доно, бироқ Ибн Сино йўқ.
Барча маст бу дунё майхонасида
Ва лекин сен каби бир ринд сиймо йўқ.

Қадахга

Бу жаҳон саҳнида умри боқий йўқ,
Хаёт жомин такрор тутар соқий йўқ.

Асога

Ўтказган ниҳолинг расо бу айём,
Бир шохи дастингда асо бу айём.

Самарқанд нонига

Ҳар қанча хоҳласанг, совға учун ол,
Ҳар қанча хоҳласанг, совға қилиб қол.
Ягона донасин таҳмонга қўйиб —
Қуёшга боққандек ҳар кун назар сол.


Ноғорага

Ким отар “Ноғора!” деб таъна тошин,
Додлагай мендай минг зарб ёрса бошин!

Абдулло Субҳон

ТЎРТЛИКЛАР

Дунё — дарё, башар аҳли — мавжимиз,
Турнадай тизилар завжа-завжимиз.
Бағрида чикора гирдобу тўфон,
Вале гар айрилсак сўнар авжимиз.



* * *

Бисёр шоҳу султон, қаландар-гадо,
Бисёр шоду хандон, қайғули садо.
Шукр қил тақдирга ҳар бир ҳолатда,
Мавжудсан — кўрарсан не қилса ато.

* * *

Жабру ситам иши золим кишини,
Адолат ҳисоблар ҳар қилмишини.
Пушаймон эмас ҳеч чарх аъмолидан —
Жарроҳ яроғи деб билар нишини!

* * *

Ўзингдан ўзга йўқ ёримиз,
Ёлғиз ўзинг мададкоримиз.
То бор олам бизга бегона —
Бегоналик касбу коримиз!

* * *

Ота-боболаринг ёд айла, ёд қил,
Барҳаёт руҳларин шод айла, шод қил.
Ялов айла ғолиб номусу оринг,
Ҳар икки оламинг жаннат-обод қил!

* * *

Шод бўлдик, замонга шогирдлик қилиб,
Устозлар ўғитин тўтиё билиб.
Бу айём ёш-яланг ахтариб савоб,
Устоз деб эъзозлаб қиларлар тавоб!

* * *

Яшнатар оламини субҳидам нури,
Денгизни тубида жавохир-дури.
Бухоро шухратин бор олам билар —
Ибн Сино каби то бор машҳури!

* * *

Пул, эй пул, мансабу жоҳсан пул, эй пул,
Худнарастга офтоб-моҳсан пул, эй пул.
Ҳамон амри вожиб шоҳсан пул, эй пул,
Гар асли бир бари коҳсан пул, эй пул.

* * *

Гар бегуноҳ кимдир тўкса қон,
Одил жазо олар бегумон.
Қай тил тиедан бўлса ҳам ёмон,
Аксар жазо олмоғи гумон.

* * *

Она юрт бўйлаб куй-қўшиқ таралар,
Шош-Самарқанд, Термиз — эл-юрт оралар.
Юксалиш даврони бошланган гўё —
Гўё олам бошдан қайта яралар.

* * *

Шеърят парисин гар нози бисёр,
Шеърят аҳлига дил рози бисёр.
Офтобдай очилар чиройи чандон,
Заргардай сайқал бер, пардози бисёр!

Паймон

ТЎРТЛИКЛАР

Қай зот ганжи жаҳон истар, бас,
Ким умри жовидон истар, бас.
На ганжу, на умри жовидон,
Қалбим шеърү дoston истар бас!

* * *


Кел эй, соқий, май ичайлик, май,
Кел эй, мутриб, най янгрaсин, най.
Қувончимиз, оҳ-ноламиздан,
Тирилгай гоҳ хатто Ковус-Қай.

* * *

Фикру хаёлимиз қилмас ҳеч фалак,
Орзу-истагимиз билмас ҳеч фалак.
Токи юксалмасак то фалак қадар,
Асло назарига илмас ҳеч фалак!

* * *

Биз учун безавол баҳори ишқнинг,
Биз учун кетмас ҳеч оҳори ишқнинг.



Даврони навқирон ўтса не армон,
Биз билан навбахор-наҳори ишқнинг!

* * *

Гар даҳри дун ичра касман ё хасман,
Минг бир башар ичра танҳо, бекасман.
Илтифот кутмасман бирор-бир зотдан,
Мурод-мақсадимга етарман бас, ман!

* * *

Файзу тароватсиз чаманми чаман?!
Ҳикмат-ҳароратсиз суҳанми суҳан?!
То Ватан бамисли меҳрибон она,
Меҳру муҳаббатсиз Ватанми Ватан?!

* * *

Наинки бахти бут ҳар бир эл комил,
Комиллик билан боз топар такомил.
Дориломон даврон сураб беармон
Топар минг бир мушкулга минг чора-омил.

* * *

Тонгим офтобисан, шукр, минг шукр,
Шомим моҳтобисан, шукр, минг шукр.
Минг дарду аламга минг битта шифо —
Паймон гулобисан, шукр, минг шукр!

* * *

Ҳикмат қўш қаноти суҳану сўзнинг,
Қалб қўри, сурури, зиёси кўзнинг.
Жаҳолат-зулматга қасдма-қасд ғолиб —
Музаффар машғали ҳар кун, ҳар рўзнинг!

* * *

Ҳар сўзинг ҳар дилни шод қилгай,
Боғи беҳиштдай обод қилгай.
Тортма калом тобу танобин,
Минг мушкулни ҳал-кушод қилгай.

* * *

Фикру хаёлимиз дояси кўнгил,
Доя не, асоси-мояси кўнгил.
Минг битта лашкарим минг калом, минг сўз
Музаффар ялови — ғояси кўнгил!

ТЎРТЛИКЛАР

Кимга насиб этгай зулфи занжири,
Кимга насиб этгай анор-анжири.
Икки чашми порлар мисоли офтоб —
Кимга насиб этгай атри ханжири.

* * *

Сиримиз йўқ дўст-ёр, ёт-бегонадан,
Бахт уйи зиёда ҳар кошонадан.
Фарход дод-фарёдин эшитган Ширин
Етиб келди ривоят-афсонадан.

* * *

Тулпорни то хануз қилолмадим ром,
Пишгани йўқ Новизаҳакда бодом.
Англамас ҳар қанча қилмай ишора,
Бир жуфт бодом кўзи ҳали хануз хом.

* * *

Сен учун бағримда минг сир яширин,
Кечалар сўйларман ой-юлдуз сирин.
Шириндан-ширин тоғ асали бўлиб,
Заҳар тилларингни киларман ширин.

* * *

Сени ҳар чамандан ахтардик, эй дўст,
Чаман не Ватандан ахтардик, эй дўст.
Тополмай шоҳ-гадо орасидан ҳам,
Сени жону тандан ахтардик, эй дўст.

* * *

Дунёга келганман чекиб минг фарёд,
Мисоли тун бағрин пора қилган дод.
Дунёга келишдан то кетиш мурод,
Не боис, ё Раббим, айладинг бунёд?!

* * *

Ўтар баҳоримиз кўзимиз ёшлаб,
Ўтар ёшлигимиз дилимиз ғашлаб.
Гар ҳамон ҳаётмиз, вале во дариф,
Муҳаббат кўнглимиз кетмоқда ташлаб.

* * *

Даркор эмас Сулаймон бахти,
Даркор эмас Сулаймон рахти.
Ёрим билан кулба ҳам қаср,
Даркор эмас Сулаймон тахти.

* * *

Дунёларга қуш сингари шошарман,
Бу жойлардан йирок, нари шошарман.
Сахро томон шошиб оқар дарёлар,
Мен сахродан дарё сари шошарман.

* * *

Ҳар чоҳни роҳ деган ғофилмиз,
Дурни икроҳ деган ғофилмиз.
Қонга ташна қаттол қисматни
Пушти паноҳ деган ғофилмиз.

Турмағамбет Изтилеули
(*қозоқ шоири*)

ҲИКМАТЛАР

Тўн олсанг — тўзар,
От олсанг — озар.
Фақат куй-қўшиқ,
Баридан ўзар.

* * *

Тўн кийган тўнгмайди,
Лаънат олган ўнгмайди.

* * *

Яхши олишмас ҳеч, келишар,
Ёмон келишолмай олишар.

* * *

Қорни очга қора толқон мой,
Тул эркакка пучуқ жувон ой.

* * *

Оз битар, кўп ҳам битар,
Тотувликка не етар.

* * *

Кум тош бўлмас,
Кул бош бўлмас.

* * *

Икки яхши кўшилса — бир-бирин кўзи қиймас,
Икки ёмон кўшилса — хатто бир уйга сиғмас.

* * *

Эшак минганга от керак эмас,
Балиқ еганга эт керак эмас.

* * *

Гар хотинсиз тирикчилик йўқ,
Хотин олсанг, лекин тинчлик йўқ.

* * *

Молингни қуритай десанг — пул қил,
Донингни қуритай десанг — ун қил.

* * *

Сортнинг кийганин ол,
Ўзбакнинг минганин ол.

* * *

Отинг ёмон бўлса, армонинг кетар,
Боланг ёмон бўлса, дармонинг кетар.
Хотин ёмон бўлса, меҳмонинг кетар,
Феълинг ёмон бўлса, имонинг кетар.

* * *

Берсанг оларсан,
Эксанг ўрарсан.

* * *

Хўжа, мулла бошидагидан аён,
Тўра-хоким қошидагидан аён.

* * *

Қор ёғди деб қувонма,
Ортида аччиқ аёз.
Муллага дуч келсанг гар
Сўрайди назр-ниёз.

* * *

Яхшининг кун сайин зиёда моли,
Ёмоннинг кун сайин яқин заволи.

* * *

Ҳар иши тирикликнинг,
Шарофати бирликнинг.

* * *

Меҳнатсиз уруғ чиқмас,
Заҳматсиз билим юқмас.

* * *

Ақлсиз зот,
Югансиз от.

* * *

Юрагимда кўп дардим,
Тинглайдиган йўқ мардим.

* * *

Мен тортмаган дард қани,
Даъво топар мард қани?!

* * *

Илм ёритар ичингни,
Хунар оширар кучингни.

* * *

Аёл ердан чиқмаган
У ҳам эркак боласи.
Эркак кўқдан тушмаган
Аёл унинг онаси.

* * *


Токи танда жонинг бор,
Ризку-рўз, ош-нонинг бор.

* * *

Мард эр келишар,
Номард олишар.

* * *

Яхшига қилма даъво,
Бахшидан кутма даво.



* * *

Отинг ёмон бўлса, сотиб кутиларсан,
Хотин ёмон бўлса, нетиб кутиларсан?

* * *

Йигит етти қирли бўлсин,
Ёхуд бирон сирли бўлсин.

* * *

Одам бўладиган одам
Очдан ўлса ҳам ошалаб емайди.
Одам бўлмайдиган одам —
Ёрилиб ўлса ҳам, “ол” демайди.

* * *

Қариндош — қориндаги ош.

* * *

Тўн жиғасиз бўлмас,
Эл оғасиз бўлмас.

* * *

Тўқлик яраштирар,
Йўқлик талаштирар.

* * *

Ошинг борида эр тани бериб юриб,
Отинг борида эл тани елиб юриб.

* * *

Тойчоқ отга етказар,
От муродга етказар.

* * *


Шошилмаган аравада қуён олади,
Шошилган пойига этаги ўралади.

* * *

Тентак бўлсанг осарлар,
Юввош бўлсанг босарлар.
Ўртача бўлсанг, хон ясарлар.

* * *

Ош кадрин билмаган
Очлик азоби ортар.



От қадрин билмаган
Ўзи арава тортар.

* * *

Ёмон текни билмас,
Яхши кекни билмас.

* * *

Яхши Аллоҳдан кўрар,
Ёмон хамроҳдан кўрар.

* * *

Юрти ёмоннинг бийи куяр,
Хотини ёмоннинг уйи куяр.

* * *

Ёмонга ишинг тушмасин,
Тузокқа қушинг тушмасин.

* * *

Бой бой билан куда бўлса, ўртада йўрға қатнар,
Йўқ йўқ билан куда бўлса, ўртада тўрва қатнар.
Бой йўқ билан куда бўлса, ўзаро зўрға қатнар.

* * *

Оғзин катта оч,
Тиши бўлса — қоч!

* * *

Ўғрилар топишганда,
Бир-бирини ялайди.
Айрилганда копағон —
Кўппак каби талайди.

* * *

Тошганлар — тўкилади,
Қазиган — йиқилади.

* * *

Сигир бузоғин эмизар,
Бузоғи таёқ егизар.

* * *

Бош бошлайди,
Оёқ ташлайди.



* * *

Ёлгон сўз балойи жон,
Ўткир пичоқ тўкар қон.

* * *

Олтиннинг тоти бўлмас,
Яхшининг ёти бўлмас.

* * *

Қаноат қоринни тўйдирар,
Қаноатсиз отин сўйдирар.

* * *

Яхшиликка яхшилиқ — эрнинг иши,
Ёмонликка яхшилиқ — шернинг иши.

* * *

Тўқлар нелар демас,
Йўқлар нелар емас.

* * *

Оч бола тўқ боладай ўйнамайди,
Тўқ бола ҳеч нарсани ўйламайди.

* * *

Уста билан дўст бўлсанг, ишинг битар,
Мулла билан дўст бўлсанг, боринг йитар.
Миршаб билан дўст бўлсанг, бошинг кетар.

* * *

Олов ёқсанг — пишарсан,
Чоқ қазисанг — тушарсан.

* * *

Яхшининг яхшилигин айт, тошсин имони,
Ёмоннинг ёмонлигин айт, қочсин имони.

* * *

Қашшоқ гўшт еса, тишига кирар,
Бой гўшт еса, ичига кирар.

* * *

Гўшт есанг, тишинга кирар,
Емасанг, тушинга кирар.



* * *

Мараган ҳар такани
Қиш тушганда кўрарсан.
Кеккайган ҳар йигитни
Иш тушганда кўрарсан.

* * *

Уйнинг иссиқ-совуғи
Қиш тушганда билинар.
Кимнинг қандай экани
Иш тушганда билинар.

* * *

Этнинг бари қази бўлмайди,
Итнинг бари този бўлмайди.

* * *

От югурса, айиради,
Тил югурса қайиради.

* * *

Ақллига айтсанг билади,
Ақлсизга айтсанг кулади.

* * *

Билимли аёл бошингга қарар,
Билимсиз аёл ёшингга қарар.

* * *

Тентакнинг оёғи саккизта,
Семизнинг таёғи саккизта.

* * *


Зулматда қалтирайсан,
Ёруғда ялтирайсан.

* * *

Сигири бор уйда айрон бўлар,
Сигири йўқ ҳар уй вайрон бўлар.

* * *

Тош билан япалоқни урсанг, япалоқ ўлади,
Япалоқ билан тошни урсанг ҳам япалоқ ўлади.



* * *

Хон эли билан,
Аёл эри билан.

* * *

Пичоқ берсанг, чини билан бер,
Гар чин берсанг, кини билан бер.

* * *

Тентак “Соғман!” дейди,
Янтоқ “Боғман!” дейди.

* * *

Серғайрат киши,
Унумли иши.

* * *

Уммон дури остида,
Фақат кўпик устида.

* * *

Ота ўлиб, бола қолса, муродига етгани,
Бола ўлиб, ота қолса, армон билан кетгани.

* * *

Яхши меҳмон келса, қўйинг эгиз туғади,
Ёмон меҳмон келса, қўйинг кашқир буғади.

* * *

Оқсоқнинг йўлига тушма,
Сўқирнинг қўлига тушма.

* * *


Кўҳна калом, янги калом қозифи,
Ҳар яхшию ҳар ёмоннинг озифи.

* * *

Қозон тошар,
Нодон шошар.

* * *

Қўйинг нияти омонлик,
Бўри нияти ёмонлик.



* * *

Азалдан бой ошиб борар,
Хар янги бой шошиб борар.

* * *

Белига айил ботганин
Эгаси эмас, от билар.
Эр йигитнинг қадрини,
Дўст-ёр эмас, ёт билар.

* * *

Тоғига мос тулки,
Замонга мос кулги.

* * *

Яхшилик терак устида,
Ёмонлик оёқ остида.

* * *

Ёмонликни кўп қувган, бир балога йўлиқар,
Яхшилик йўлин тутган мол-давлатга тўлиқар.

* * *

Икки яхшини қўшганинг савоби бор,
Икки ёмонни қўшганинг жавоби бор.

* * *

Эл ичида оз бўлсанг,
Хар фикр келар ўйингга.
Юрт ичида йўқ бўлсанг,
Лаънат илинар бўйнингга.

* * *


Оёғи ёмон кўлни булғайди,
Оғзи ёмон элни булғайди.

* * *

Мард берганин айтмайди,
Айтганидан қайтмайди.

* * *

Бор бўлсанг тошма,
Йўқ бўлсанг шошма.



* * *

Нодон-ношуд жовдирайди,
Сўз тополмай довдирайди.

* * *

Жаҳл чиқса, ақл кетар,
Ақллида жаҳл нетар?!

* * *

Ёмонни яхши десанг
Ёмонлиги қолади.
Яхшини ёмон десанг
Хушфеъли йўқолади.

* * *

Навкар бекнинг қошида,
Дехқон ернинг бошида.

* * *

Қашшоқлигин яширган эл бой бўлмас,
Ёлғизлигин яширган бағри тўлмас.

* * *

Овни эринмаган отади,
Ёки кўринмаган отади.

* * *

Ориятли эр,
Ору номус дер.
Ориятсиз эр,
Ўз бошини ер.

Инли3 шеърятидан

Жон Донн

МУҲАББАТ ЖАНГИ

То бизни ром айлар ишқнинг жаранги,
Қизиқтирмас асло лашкарлар жанги.
Мисли Шахристонсан синоат, тилсим,
Ўз севган ёрингга бўларсан таслим.
Исёнчи голландлар бизга на даркор,
Оломон хўп қайсар, ҳокимлар маккор.
Қай бирин кўнглига топиб бўлар йўл,
Серғалва ҳар уйдан мудом йироқ бўл.
Французлар мудом бизлардан кулар,
Ҳаттоки Тангримиз унутди улар;
Бизнинг хур-парилар уларга азиз,
Қутқара олмасмиз бу элни, эсиз!
Ирландиянинг-ку йўқолган тинчи,
Бу телба элга ҳам зарур бир синчи.
Эхтимол, бир ҳукна қилганми яхши,
Ёхуд қон олсинми табиб ё бахши.
Сафарга чиқсакми шайлаб кемани,
Уммонда кезишдан бор қандай маъни?!
Не ажаб, саргардон, хору зор ночор,
Худонинг қаҳрига гар бўлсанг дучор.
Кеманинг қафасдан фарқи йўқ сира,
Ҳеч гапмас фарқ бўлса гар бу асира.
Ва ёхуд гар кема қаср-қошона,
Вале эътиқоддан йўқ ҳеч нишона.
У аҳли жиноят учун ароба,
Ақли ноқис учун паноҳ хароба:
Ким йўлга отланар сароб ортидан,
Не ажаб, айрилса она юртидан.
Бахт-нажот топармай ўчоғингда мен,
Жон олиб, жон берай кучоғингда мен.
Қалбимни қўшқўллаб топширай сенга,
Ки сен ҳам ўз қалбинг тортиқ қил менга.



Ким молу дунё деб қонли жанг қилар,
Васлинг шавку завқин қайдан ҳам билар;
У ёнда ваҳшийлик, бунда эхтирос,
У ёнда ёв ғолиб, бу ёнда мен -- рост!
Жангда боз қонхўрлик чиқар авжига,
Биз асир бўлғаймиз ишқнинг мавжига.
Жангда қирғин-барот, бу ёнда меҳр,
Жангда қахру ғазаб, бунда ишқ, сеҳр.
Янчса гар инсонни уруш теvasи,
Фарзанд ҳар покиза ишқнинг меваси.
Не ажаб, куч-қудрат, ғайратга тўлиб,
Фарзандлар улғайса баҳодир бўлиб.
Барчанинг шарт эмас кирмоғи жангга,
Қуролсоз ҳам зарур ахир Ватанга.
Улар қурол-яроғ ясагай сўзсиз,
Етказиб берайлик жангчиларни биз!

ОТАШИН ИШҚ

Оташин ишқимга тош отма бас, тош,
Наҳот ҳеч бўлмаса бошқа бир ишинг,
Наҳот кунинг ўтмас санчмасанг нишинг,
Наҳот сен шунчалар бебош бағритош!
Молу мулк жамғаргил, мансаб-мартаба,
Кошоналар тикла бамисли Каъба,
Саройга дохил бўл ушалиб коминг,
Мухрлангай тилло тангага номинг,
Фақат, ёлғиз қора ниятингдан кеч,
Оташин ишқимга тош отмагил ҳеч.

Ишқимдан ким зарар кўрибди, ёху,
Қай зотлар таъзирин берар у бошлаб,
Ер юзин кўз ёшим оларми қоплаб?
Ё кўклам йўлига ғов бўларми у?
Муҳаббат ўтида ёнганим учун,
Минг бир ҳалокатга дучорми очун?
Сарбозлар қиличин қўймас қўлидан,
Лўттибозлар қайтмас қинғир йўлидан,
Наҳотки буларнинг барига сабаб,
Оташин қалбимда ишқим нозиктаб?
Майлига, ишқимиз ўхшат ҳар нега,
Шам десанг ҳам майли, бир ёниб-ўчар.



Капалак де умри бир кунда кечар,
Вале ҳар банда ўз фикрига эга.
Ёнгаймиз гар ишққа алёрлар айта,
Тирилгаймиз қақнус сингари қайта.
Иккимиз айирмай йигит ва қизга,
Бир тану бир жон деб қарагил бизга.
Дардли ишқ бирлан гар боз хаста жонмиз,
Тоабад пайваста, пайваста жонмиз.

Токи биз айландик бир тану жонга,
Гарчи кенг дунёни тангу тор қилиб,
Панд берар бўлсалар бағримиз тилиб,
Дўнгаймиз мангулик шеъру дostonга.
Кун сайин ишқимиз токи баркамол,
Жонгинам, биз учун завол йўқ, завол.
Асрлар кетидан асрлар ўтиб,
Гар не салтанатлар кетгайлар йитиб,
Бизнинг пок ишқимиз, жонгинам, инон,
Яшар афсонага дўниб бегумон.

ВИСОЛ

Кел, бағримга босай тез, менга ором бегона,
Тиникиб, ишқ жангига ҳозирландим мардона.
Шундай кўшин ҳам душман яқинлашгани сайин,
Қақшатқич зарба учун шайланар ёвқур тайин.
Бамисли Сомон йўли камаринг еч оҳиста,
Белларингга қўлларим токи бўлгай пайваста.
Қўйиб бергил, жонгинам, нафис кўксингга қалқон,
Зебигардонинг ўзим ечиб олайн осон.
Келақолгил, малагим, ҳатто томчи қолдирмай,
Сипқорайлик илохий висол жомин пайдар-пай.
Жисму жонингга мендан кўра минг бор яқинроқ,
Ҳамма-ҳаммасин ечгил, йироқроқ тутгил, йироқ.
Ва ечгайсанг кўйлагинг, ё Раббим, ўзинг қара,
Ҳаттоки жаннатда ҳам учрамас бу манзара.
Гўзаллардан гўзалим, малаксиймо фариштам,
Сен боғи беҳишт ила боғловчи нафис риштам.
Таърифингга тил ожиз, жозиба-ҳуснингга хос,
Етмиш минг томиримда қайнаб-тошар эҳтирос.



Шавқи висол иккимиз то сармаст айлар аста,
Бир тану бир жон каби бир бутунмиз — пайваста.
Илоҳий онлар учун шукрона айта-айта,
Муҳаббат шаробига қонайлик қайта-қайта!

БЎРОН

Кристофер БРУКга

Дўстгинам, Худойим айлаган тортиқ,
Мен учун ҳатто бор дунёдан ортиқ.
То олис сафарга чикдим чоғланиб,
Ҳажрингда ўртандим такрор доғланиб.
Мудҳиш ўйлар дилга ғалаён солар,
Наҳот ёт элларда ўлигим қолар.
Ҳеч гап эмас ахир гар қодир Худо,
Бир йўла баридан айласа жудо.
Соҳилда тураркан кемалар токи,
Шундай ўйларга ҳам бордим ҳаттоки.
Ва лекин Аллоҳнинг марҳамати кенг,
Ниҳоят шамол ҳам қанотланди денг.
Йитса бас дегандай очлик ташвиши,
Овқат танламас ҳеч оч қолган киши.
Бизга қанот бўлган енгил шаббода,
Барчамиз маст қилди бамисли бода.
Ва лекин ошнадай феъли ғаройиб,
Қайгадир кўп ўтмай бўлди-ю ғойиб,
Уммонда етимдай қолиб кетдик биз,
Қисматнинг қаҳридан нолиб кетдик биз.
Ва лекин музофот, кишвар талашиб,
Ёвлашиб, лашкари сонсиз қалашиб,
Қасдлашган сингари икки буюк шоҳ,
Ҳамла қилди бўрон қутуриб ногоҳ.
Уммон қозондайин қайнаб-тошарди,
Тўлқинлар ҳаттоки бошдан ошарди.
Бирдан қаҳри келиб Раббиял аъло,
Бизнинг бошимизга ёғдирди бало.
Ухлай-да, дардимга топай деб дармон,
Ором топдим гарчи бир оз беармон.
Уйғондим: бузилган даҳри дун тархи,
Кун билан туннинг ҳеч йўқ бирон фарқи.
Қай томон шимолу қай томон жануб,
Қутурган уммонда бўларми таниб?!

Увиллаб-гувиллаб, кўтариб сурон,
 Дахшат солар такрор аждархо бўрон.
 Бамисли қиёмат қойим нақд, яқин,
 Қарсиллар гулдирак, боз чақар чақин.
 Тўғонни бузгандай дарё бир йўла,
 Челаклаб ёғарди шиддатли жала.
 Кимлардир қон қакшаб бамисли бола,
 Яратган эгамга қиларди нола.
 Азройил тургандай гўё, алҳазар,
 Титраб ҳар тўрт томон ташларди назар.
 Қай каслар умидин узиб баридан,
 Жон топган хилватдан, кема қаъридан.
 Кун кеча бамисли булутдай улкан,
 Қирқ ямоқ увада бўронда елкан.
 Кема ҳам қалдираб, ғичирлар эди,
 Гўё нажот истаб пичирлар эди.
 Бас келиш учун биз уринган сайин,
 Бўроннинг шиддати ошарди тайин.
 Сурон ҳар биримиз кўру кар қилиб,
 Майна ҳам қиларди боз биздан кулиб.
 Бундайин дахшатлар қаршисида, бас,
 Ҳаттоки дўзах ҳам дахшатли эмас.
 Билиб айтган азал эл суйган бахши,
 Азоб-уқубатдан жон берган яхши!
 Чанг солиб бўғзига ёғду-зиёни,
 Зулмат қоплар экан то бор дунёни,
 Худодан то бўлмай энг олий фармон,
 Ой-офтоб ёғдуси биз учун армон.
 Алвидо! Бўронда холим ғоят танг,
 Шейрий номам сенга битдим мен аранг.

Жорж Гордон Байрон

АНГЛИЯДАН ЖЎНАШДА БИР ХОНИМГА БАҒИШЛАГАНИМ

Фурсат етди! Гувиллар уммон,
 Сафарга шай кема ҳам шул он.
 Елканини ўйнайди шамол,
 Фурсат етди дегандай, алҳол.
 Кетар бўлдим юртимдан такрор,
 Ёлғиз сени севарман, эй ёр!

Тўйдим ғариб ҳаётдан, нетай,
Ҳасратларим, ох, кимга айтай.
Ёлғиз сафар — ягона нажот,
Ортиқ васлинг бегона, хайҳот.
Ортда қолди барчаси, эсиз,
Эй ёр, сени севарман ёлғиз!

Гох йиғлатиб, қувонтирган гох,
Қўздан менга бегона нигоҳ,
Гарчи менга оғирдир ғоят,
Унутарман бир кун ниҳоят.
Гар тор қафас қадрдон гўша,
Юрагимга ҳоким тек ўша.

Якка-ёлғиз, мардона, шоввоз,
Долғаларга чиқарман пешвоз.
Чор-атрофга назар ташлайман,
Дўст тополмай кўнглим ғашлайман.
Оч домига тортар оломон,
Ёлғиз сени севарман ҳамон.

Узундан ҳам узун йўл босиб,
Не тонг топсам макон муносиб.
Вале латиф ҳаёлинг, эй ёр,
Ҳаловатим ўғирлар такрор.
Ҳажринг аро қоларман якка,
Сендан ўзга сирмас юракка.

Ҳатто қашшоқ дайди ҳам ғариб,
Бир бошпана топгай ахтариб.
Токи бор бир савобталаб жон,
Яккаланиб қолмас ҳеч қачон...
Қай бир зотдан кутай, айт, мадад,
Ёлғиз сени севиб то абад.

Саргаштаман — бу қисмат надир,
Қай ўлкада топарман қадр?
Учрармикан минг жонин нисор —
Айлагувчи фидойи бир ёр?
Сен-чи, хануз сир бермайсан, сир,
Ёлғиз сенга бўлсам ҳам асир!

Недан маҳрум, неларга эга,
Кимлар эдик, айландик кимга?

Тегирмоннинг тошидай тақдир,
Ожизларни янчмоғи ҳақдир.
Олов-оташ қалбим мардона,
Мангу сени севар, дурдона.

Хаёлимга ҳоким қай жонон,
Билмагай ҳеч сергап оломон.
Ишқимни рад этмиш қай малак,
Сенга аён — мен шўрлик ҳалак.
Бу дунёда санокли сарбаст,
Биргина ёр ишқи билан маст.

Севмоқни боз айладим хаёл,
Паривашни фаришта тимсол.
Ҳажринг бағрим этмаганда қон,
Севар эдим тақрор бегумон.
Ўзга ҳурни севмоғим оғир,
Ёлғиз сени севарман, ахир.

Нигоҳинга, оҳ, севимли ёр,
Тўёлмадим, хайҳот, сўнгги бор...
Сендан жудо кўнглимга мискин —
Олис сафар тасалли-таскин.
Ғар Ватандан, толедан йироқ,
Ёлғиз сени севарман бирок!

КАТУЛЛА НАЗИРА

Чарос шахло кўзингдан, жонон,
Боз бўсалар олсам беармон!
Бўсаларинг айласа сархуш,
Асрлар-да ўтса мисли туш.
Муҳаббатдан ким бўлган безор?!
Бўсаларим ёндиргай тақрор.
Бор дунёга бегона, бефарқ,
Минг бир бўса уммонида ғарқ,
Яна минг бир бўсалар олсак,
Сановига етолмай қолсак.
Ҳижрондан ҳеч гап очмагил, ёр,
Сендан айро тушмасман зинҳор!

ДАМЕТ

Рафтори одаму эси паст, басир,
Тек турфа куфроний ишларга асир.
Қўркмас ҳеч Худодан, элдан уялмас,
Шайтони маиндан фарқи йўқ, хуллас.
Онадан туғилган худписанд, худбин,
Шамолдай беқўним, беҳаё, бадбин.
Қизларни алдашга устаси фаранг,
Қаллобки, дуч келган ҳоли бўлар танг.
Ашаддий қароқчи эсини еган,
Манглайда қўштамға “Нобакор!” деган!
Қон билан бўялган ҳар икки дасти,
То ҳануз қилмишин қўймайди асти.
Гар йўлга сололмас бандаси ожиз,
Жазосини берар Тангрим шубҳасиз!

Перси Биши Шелли

ҚАСОС

Юлдузлар-да сўнар, ҳатто нур-зиё,
Сингиб йўқолгайдир тунга зим-зиё.
Қасрлар, тоғ-тош ҳам йитгайдир, бироқ
Ажалдан-да, Эрин, сен кудратлироқ.

Қаранг-эй, хароба, вайрондир бари,
Боболар масканин ютган ер қаъри.
Ғанимлар қиларкан юртни қонга ғарқ,
Ботирлар ғафлатда ётарлар бефарқ.

Надоматлар бўлгай, янграб хуш наво,
Минг алам, минг дардга бўлмагай даво.
Авжига чиқар боз уруш даҳшати,
Қирғин-барот, урхо-урлар ваҳшати.

Қайдасиз жўмардлар, о нахот беҳол,
Жангу жадал ичра топдингиз завол.
Ёлғиз этагингиз юлқиб довуллар,
“Ал-қасос!”, “Ал-қасос!” дея увиллар!

ТАБИАТ ГУЛТОЖИ

На бахт-иқбол ва на шон-шуҳрат,
На куч-қувват қучмас ҳеч қачон,
Шафқат билмас соҳиби қудрат —
Банди этган муте оломон.

Завол топар ғариб, ғамбода,
Ҳамдард бўлмас бирон мард, эсиз.
На қувонч бор, на май, на бода,
Соя янглиғ йитгайлар изсиз.

Шармандали мутелик, қуллик,
Бу не тўда, бу қандай авом?
Инсон қадри эмас бир пуллик,


Буюк ахир инсон деган ном.
Гултожи ки жумла жаҳоннинг —
Бахти кулгай ҳар бир инсоннинг!

ОЗОДЛИК ҲИМОЯЧИЛАРИГА МАДҲИЯ

Қани олға ташланинг дадил,
Зодагонлар айлаган абгор —
Аҳли улус, жанг қилган одил —
Шаҳидларнинг руҳи мададкор!
Бунда қанча бегуноҳ ётар,
Оч ўлим боз кимларни ютар!

Ғафлатдан бас, уйғонинг етар,
Соҳиб ва қул азал-абад ёв.
Кишанин қул чилпарчин ётар,
Токи чорлар исёнкор ялов.
Жангга чорлар шаҳидлар шоён!
Лаънатларга тўлмиш тўрт томон!
Жангга! Жангга! Бир тану бир жон!

Қани, қайда ялов, туғимиз?
Чорлайвергай Эрк туғи мудом.
Ҳурриятнинг эркин ўғлимиз,
Ёддан чиқсин ғам-ғусса тамом.



Жангу жадал сиз учун муштоқ,
Кўр-кўрона қон тўкманг бироқ,
Эрк учун тек қайрангиз яроғ.

Сизга олқиш, сизга шараф-шон,
Шухратингиз сўнмас то абад.
Шаънингизга битиб шеър-достон,
Қасрлар ҳам этгаймиз бунёд.
Жангда — ғолиб, ризқингиз бутун,
Мардлингиз айлағай мафтун,
Кўркувдан боз келдингиз устун.

Гулчамбарлар айлангиз инъом,
Йўллариға поёндоз раво.
Мард ботирлар олғайлар ором,
Жароҳатлар топгуси даво.
Мангуликнинг рамзи гул-чечак,
Куллик бўлғай биз учун эртак!
Шўр қисматни тарк этингиз, тарк!

ВАҚТ

Қутурган уммонсан, қутурган уммон —
О, Замон, ким сенга кела олғай бас.
Қабрингда неча минг фарзанди инсон,
Завол топмиш ахир тоабад бесас.

Шиддатинг-шаҳдингдан олам қоронғу,
Гирдобинг тартади девдай комиға.
Кекса-ю ёш демай тутарсан оғу —
Ох, ким ҳам йўлиқмас Вақтнинг домиға?!

Суронли, бўронли ҳар лаҳза-онинг,
Қасдиға тушдинг, айт, яна қай жоннинг?!

ПРОЗЕРПИНА ҚЎШИҒИ

Она Замин, эй меҳри дарё,
Эй беором, безовта олам.
Тангрилар ҳам азиз-авлиё —
Бошпанасан даррандаға ҳам,



Қизингга ҳам шафқат қил, шафқат,
Даво бўлгил дардига фақат.

Абри найсон ила ҳар жонни,
Жонига жон бўларсан тайин.
Шу боис ҳам ҳар тўрт томонни —
Таровати ортар кун сайин.
Қизингга ҳам шафқат қил, шафқат,
Даво бўл бор дардига фақат.

ҲАСРАТ

Шукур айтай! Чекил, эй ҳасрат,
Дарду ғамим, қайғули нусрат,
Иккимиз хўп дўсту кадрдон,
Ғамбода бу дилгинам фақат,
Ором топар бағрингда, инон.

Ғуссагинам! Бизларни гўё
Ака-сингил каби зим-зиё —
Кулба ичра солдилар ёлғиз.
Йиллар ўтиб борар бевафо —
Ҳамон ҳамдам, ҳамон иккимиз.

Чекил қайғу... кел ёнимга ёр —
Тўйиб-тўйиб боқайлик, дилдор,
Дарё ҳам қир, яйловга сокин.
Қушлар учар... заминни зинҳор —
Дўзах дея атама лекин.

Ўрмонзорлар! Мағрур, улуғвор,
Илоҳий бир ажиб сеҳри бор.
Кенг далалар ям-яшил, қара!
Ёлғиз бизлар, ё Парвардигор,
Муздай совуқ ҳам бахти қаро!

Йўқ! Йўқ! Қаранг, кўзларда, мана,
Шодлик, қувонч қилар тантана.
Порлар умид учқунлари боз.
Ғамгин ғусса! Қўнглимга яна
Бўлолмасан сен ортик ҳамроз.



Бўсами, йўк, мен ишққа ташна,
Оташига ошнаман, ошна.
Бебахосан севги, муҳаббат.
Кишанларни парчалаб ташла,
Мангу яша, мангу тоабат!

Қайғу-алам! Дўсти кадрдон
Шу сўнгги пайт, ушбу сўнгги он —
Яширма ҳеч дилда неки бор
Фафлат ичра мудрар тўрт томон —
Ҳасрат-қайғу чекмагил бекор.

Икки юрак висолга етгай,
Жисму жонлар қовушиб кетгай.
Ва ниҳоят керакли палла —
Рухимиз боз сарафроз этгай
Кунлар қўшиқ куйлаб баралла.

Ва оҳиста элитгай уйқу —
Ғам-аламсиз, беранж, беқайғу.
Иккимиз, ёр, ётармиз бирга.
На-да бир хис, на-да бир туйғу —
Бош қўярмиз тоабат ерга.

МУҲАББАТ ФАЛСАФАСИ

Талпинар дарёга жилғалар,
Дарёлар сингади уммонга.
Замин узра шаббода елар,
Эш бўлиб боз мафтун туманга.
Жумла жаҳон бир тану бир жон,
Ягона ишқ ўтида ёнар.
Бизнинг ташна жонимиз, жонон,
Қачон висол жомига қонар?!

Самоларга туташган тоғлар,
Хур тўлқинлар чопар соҳилга.
Бағрида ишқ дардидан доғлар,
Гуллар ўхшар опа-сингилга.
Тун денгизга аста қўяр бош,
Кундуз кувнаб қучар заминни.
Ёлғиз васлинг армон, бағритош,
Шод этарсан, айт, қачон мени?!



ҲИНДЧА ТАРОНА

Тушларимда сен ўзинг ҳамон,
Кўзларимдан қочади уйқу.
Маъсума тун бунча нурафшон —
Юлдузлардан ёғилар ёғду.
Фикру зикринг ҳоким, ҳукмрон,
Парвардигор, сен ўзинг гувоҳ.
Деразангинг пойида, жонон,
Пайдо бўлиб қоларман ногоҳ.
Осуда тун оғушида маст,
Шовуллайди оҳиста дарё.
Ўт-ўланлар атридан сармаст,
Беҳишт бўйин туйгандай гўё.
Бор дунёни унутиб тамом,
Сайрар булбул, сайрайди чунон.
Ҳажринг такрор эгар қатли ом,
Юрак-бағрим ўртайди, жонон.

Ишқ дардига ўзинг даво қил,
Токай ёнай гуссалар билан.
Юрагимда гулханлар ёкқил,
Олов-оташ бўсалар билан.

Жисмимни жон тарк этган мисол,
Бораяпман музлаб тобора.
Ҳажринг аро топмайин завол,
Дардимга, ёр, чора қил, чора!

К...га

Азал сукут — олтин, дейдилар,
Тилдан учган сўз бир пул бўлар.
Самимий ким айтса дардини,
Кулгу бўлар тўкиб каддини.
Эзгу-умид ҳам сароб-рўё,
Туғишгандай ўхшашдир гўё.
Фақат содиқ дўстнинг висоли,
Дабдабадан, хашамдан холи.

Лутфингизга эмасман муҳтож,
Лекин нетай, ночор, ноилож,



Азалий бир ҳикматни, эй ёр,
Такрорлайман такрор ва такрор:
Парвонани чорлар аланга,
Тун ҳам мудом талпинар тонгга.
Шундай сўнгсиз коинот изми,
Айлантирар сайёрамизни.

Уильям Йетс

СУРУР

Эзгулик, ёвузликни, етар, бас, ҳеч қилма ёд,
Халос бўл тирикликнинг бу мангу савдосидан.
Паришон оқшомларнинг оғушида яйра шод,
Тўйиб симири шудрингли субҳидам ҳавосидан.

Ёғилса-да ишқингга вийбату тухмат тоши,
Барбод бўлса-да гарчанд умидларинг то абад.
Ҳамон ёш ва навқирон ҳаётнинг ҳур кўёши
Оқшомлар сурурлидир, шабнамлар софдир беҳад.

Юр, кетайлик, ўрмонзор ястанган қирлар томон,
Олтин офтоб, ҳам хилол, ложувард кўк, ёнбағир —
Бир ҳаёт ваъда айлар, ҳаётки, дориломон,
Маъволарга кетайлик, дўстгинам, юргин ахир.

Унда тоғ узра Тангри даъвати янграр мудом,
Унда замон ва макон парвози билмас поён.
Муҳаббатдан маъсумроқ ғира-шира номозшом,
Умид, ишончдан азиз сахар шабнами чандон.

ОДИССЕЙ

*“Саодатли Одиссей монанд
дунё кезган жаҳонгашта зот”.*

Шак-шубҳасиз, сафар олди туйган бўлса гар
хар томири, шоҳтомири-ла
юракларда тўлиб тошган ишқ-
муҳаббат салоҳиятин.

Содиқ, собит, барқарору
муסיқадек музаффар-ғолиб,
хамда бизлар билан бизда туғилган —
йитмайдиган балки биз билан
барҳаёт ишқ-севги қувватин.

Шундай бўлса не ажаб, бироқ аён эмас ҳеч кимсага бу.
Муҳаббат — сир-синоат
асрорларин айлагил ошкор
дея такрор қилдим тавалло
фароғатли шоён лаҳзада.

Мусофирдай олис бегона юртда тез-тез
қулоқ тутдим ишқ-муҳаббат долғаларига:
кадрдон денгиз янглиғ шовуллайди у,
у — баайни зарбаси баҳор қасирғасин қақшатқич.

Ва ўнгимда жонланар лавҳа —
термиларман Одиссейга ҳайратга тўлиб:
мана у, денгизнинг шўр шамоли кизартириб,
яллиғлаган кўзлари билан
гўшасидан юксалган тутун ва дарбоза ёнида кутавериб
қартайган итин
яна бир бор кўрмоқ истагида ўртанар бағри.
Сафарлар оқартирган мардона боши
юксаларкан кема саҳнида
тўкилар лабларидан пайдар-пай
йиллар қаърин тилка-пора айлар сўзлар
кўз ёши монанд.

Олға томон узатар
кеманинг арқону тизимчалари,
гоҳ қахратон, гоҳи саратон,

гоҳ шиддатли довулу бўрон
дағаллаштирган конталаш қадоқ кўлларин.
Аъмоллари далолати ҳаётимиздан
ғайриоддий чакчайган бир кўзли баҳайбат
чала инсон, чала йирткич маҳлуқлар ҳамда
хотирадан маҳрум қилиш учун чоғланган
газандалар ҳайдалишидан.

О, қанчалар сон-саноксиз бу маҳлуқотлар!

Нахотки муқтадир Тангрилар эмас,
маҳв айлаган уларни инсон?!

О, Одиссей ҳақиқатдан улуғдан улуғ!

Ахир, маслаҳати билан беназир

Ахеяликлар ясаб ёғоч от

Трояни енгмадиларми?

Гоҳо қаршимда бўлар-да намоён,
йўлин топиб ё айрича от билан
даъват айлар ўз Троям забт этгали.

Фарзандидек мен билан
сўзлашади бамайлихотир:

кекса балиқчилар каби сўзлар у —

улар нола қила бошлаганда киш

тўрлар уюмига ёнбошлаганча

мени овунтирмак, аллалаш учун

куйлардилар титраб овози

Эротокритос кўшиғини

ва мен уйку аралаш қайсар қисмат Аретусани

мармар пиллапоя бўйлаб қуйига

етаклаётганлигин кадам-бақадам

тинглар эдим кўркувдан титраб.


Одиссей ҳар бир елкан ёдга солган хотиротларнинг
чидаб бўлмас азобидан сўзлайди яна,
шунда фақат қалбинг раҳнамо:
зимистон тун — яккасан, якка,
хас-хашакдай ҳатто эпкин измидасан сен.

У яна бало-офатлар тўрт томон улоқтирган
дўстлар ҳалокатин шоҳиди бўлмак
азобидан сўзлагай ёниб.

Гар санокли тирик қолганлар

вале шаҳид мардона зотлар

руҳи билан ҳамдам, ҳамсуҳбат



юрагингга тўлар куч-қувват.
Сўзлайди у... афсонавий Горгонанинг қиёфаси
кўнгилдагидек нақш қилинганин оҳиста
пайқагандек қўллари менга
қийғос қишда ҳадя айлар ложувард денгиз.

Робиндранат Тхакур (ҳинд шоири)

ҒОФИЛ

Барчасидан воз кечиб, отланди ярим тунда:
“Чорлар мени Худойим, ортиқ қололма бунда.
Қай куч мени то хануз кетгали қўймас йироқ?”
“Бу — мен!” хайкирар Худо, эшитмас ғофил бироқ...

Кўз ўнгида, тўшакда бағрида норасида,
Гўдаги билан ухлар хотини ёш, расида.
“Раҳмонми булар ёхуд...” термилар у даргумон.
“Булар — менман!” дер Худо, эшитмас осий ҳамон.

Йўлга тушар дафъатан, деди: “Қайдасан, ё Раб?”
“Қаршингдаман!” дер Худо, кўрмас сўқир қалб қараб.
Ярим кеча, чақалоқ, йиғлар чўчиб безовта.
“Қайт ортингга!” дер Худо, эшитмас ғофил ота.
Умидин узган Тангри дейди: “Қайга чопарсан
Гўшангда қолдим, нодон, излаб қайдан топарсан?!”

АВЛИЁ

Чопар айтар: “Эй рожа, бир қошиқ қонимдан кеч,
Маъбадингга авлиё яқин йўлай демас ҳеч.
Ўрнашиб йўл бўйига — туташган қир-адирга,
Такводорлар билан у ибодат қилар бирга.
Тангрига ҳамду сано айтар улар чувиллаб,
Зарҳал ибодатхонанг ётар бунда хувиллаб.
Тиллога ҳам топилмас уясин ташлаб, ташна —
Болари дала-даштга бўлгани каби ошна,
Мухташам бу маъбадни унутиб ёшу қари,
Гард-ғуборга беланиб ибодат қилар бари”.
Тахтин тарк этиб рожа йўлга тушди хезланиб,

Ва деди майсазорда авлиёга юзланиб:
 “Шоҳона маъбадимиз хувиллаб ётар унда,
 Тоат-ибодат қилмоқ жоизми ахир бунда?”
 Авлиё дер: “Шоҳона маъбадингда Худо йўқ!”
 “Шаккоклик қилма!” дея рожа унга урар дўқ.
 “Муқаддас меҳробда нақд турар Тангрининг ўзи,
 Меҳробу Тангрини ҳам кўрмас сўқирнинг кўзи!”
 “Илло, кимсасиз эмас ибодатхонанг, эй шох,
 Макон айлаган уни дабдаба, ҳашамат, жоҳ.
 Афсус, олий маъбадда Тангридан йўқ ном-нишон,
 Ўзинг Тангри, ўзинг хон, ўзинг ҳам имом-эшон!”
 “Билармисан, сармоя сарфладим даста-даста,
 Чиройига жумла эл боқар ҳайрат-ҳавасда.
 Худо йўлига уни қурганман истаб савоб,
 Нечун унда Тангри йўқ? Худодан қўрқ, бер жавоб?”
 Авлиё дер хотиржам: “Ёдингдами қай сана,
 Ўт балосига элинг йўлиққани росмана.
 Пойингга бош уриб боз нажот истаб келган пайт,
 Ўз элингнинг дардига дармон бўлганмидинг, айт?!”
 Рўшнолик топмай сендан аҳли юрт, қашшок, ғариб,
 Тарқаб кетди тўрт томон бошпана, ризқ ахтариб.
 Форлар, ўрмонзорларда ёввойиларга ўхшаб,
 Кун кечирди шўрлик эл неча йил қашшок, қақшаб.
 Сен эса молу мулкинг ҳеч раво кўрмай элга,
 Ибодатхона қуриб, совурдинг гўё елга.
 Шу боис бу маъбадинг илохийликдан холи,
 Иззатталаб таъмагир нафсингнинг тош тимсоли.
 Бундай эҳсонинг ҳатто Худога ҳам келмай хуш,
 Афсус-надомат билан шундай сўйлаган хомуш:
 “Фаровонлик, Адолат, Меҳр-Мухаббатга кон,
 Менга юсак, мунаввар Арши аъло ҳур макон.
 Таъмагирлик дардига мубтало ҳам кўр-басир,
 Ўз элини унутиб ким менга қураб қаср?!”
 Тангрим айтиб шуларни кошонангни тарк этган,
 Қашшоқларнинг бошига соябон бўлиб кетган.
 Гарчи ибодатхонанг зарҳал, нуқра ялтироқ,
 Кимсасиз хор кулбадай, аттанг, ичи қалтироқ!”
 “Ким ҳуқуқ берди сенга тик қарашга юзимга!”
 Титрар дарғазаб рожа: “Бас, кўринма кўзимга!”
 Авлиё дер: “Сен ҳануз қулсан қаттол ҳукмга,
 Аҳли имон не, ҳатто кун бермайсан ҳеч кимга!”

МУҶДАРИҶА

ШЕЪРЛАР

Чорлов.....	4
Оқ дарвоза.....	4
Накш.....	5
Йўлда.....	6
Ошиқона.....	6
Тоғлар.....	7
Соҳибқирон.....	7
Шукрона.....	8
Изхори дил.....	9
Қиш қуёши.....	10
Наво истаб.....	11
Орзу.....	11
Оқшом.....	11
Наврўз нашъаси.....	12
Надомат.....	13
Таскин.....	13
Онамга.....	14
Бобур Мирзо ва Хумоюн.....	14
Фаҳрия.....	15
Ҳолат.....	16
Ишонманг.....	17
Озод қалб.....	18
Кўк юзида.....	19
Қишнинг илк куни.....	20
Изхор.....	20
Баҳор.....	21
Зафар алёри.....	22
Тун.....	23
Фаввора.....	25
Муножот.....	27
Кетиб борар.....	29
Ҳаловат.....	31
Ҳаёт.....	31
Синоат.....	32
Дўстлик ҳазили.....	32
Тобақай.....	33
Таҳаммул.....	34
Қор.....	35
Машрабона.....	36
Халқ йўлида.....	38
Шеърят.....	40
Фигон.....	41
Юрагимга.....	41
Бу ҳаёт.....	43

Қисмат	44
Қонуният	44
Хукм	45
Илтижо	46
Тавалло	46
Қаноат	47
Васият	48
Насихат	48
Наҳот.....	48
Орзу	50
Хасталик	50
Висол	51
Эй, ёронлар	51
Бағишлов	53
Ўзбегим	58
Навой (<i>достон</i>)	60

ҲАЗАЛ ЙЎЛИДА

Мардуми Ўзбекистонман	68
Хастаман	69
Жамолингда	69
Фироқинг ўтида	70
Йиғлай-йиғлай	71
Хабар келди	72
Юзингизда	73
Бехабарсан	74
Ёр айлаган	74
Рози дилим	75
Кенг далалар	76
Анорга касида	77
Одам десам	78
Мухаммаслар	79
Мусаддас	85
Мусаббаъ	87
Мусамман	88
Маснавий.....	90
Тўртликлар	91
Туюқлар	105
Фардлар	115
Битиклар	117

ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИДАН

Рубойлар (<i>Фоний</i>).....	120
Қитъалардан (<i>Фоний</i>).....	130
Иқбол (<i>А.С.Пушкин</i>)	134



Оят (А.С.Пушкин).....	134
Башорат (М.Ю.Лермонтов).....	135
Фаришта (М.Ю.Лермонтов).....	135
Шоирнинг ўлими (М.Ю.Лермонтов).....	136
Тонг (А.Блок).....	138
Фаришта (А.Блок).....	139
Тулпор (А.Блок).....	140
Кузгун (А.Блок).....	141
Скифлар (А.Блок).....	141
Мангулик (Осип Мандельштам).....	144
Ҳазрати инсон (Осип Мандельштам).....	144
Хотира (Сергей Есенин).....	145
Армон (Сергей Есенин).....	145
Висол (Сергей Есенин).....	145
Кўшиқ (Сергей Есенин).....	146
Гуллар (Сергей Есенин).....	147
Тулпор (Иосиф Бродский).....	150
Хайкал (Иосиф Бродский).....	151
Қисмат (Иосиф Бродский).....	151
Тўртликлар (Шерали Лойиқ).....	153
Битиклар (Шерали Лойиқ).....	156
Тўртликлар (Абдулло Субҳон).....	156
Тўртликлар (Паймон).....	158
Тўртликлар (Жаъфар Муҳаммад).....	160
Хикматлар (Турмагамбет Изтилеули).....	161
Муҳаббат жанги (Жон Донн).....	171
Оташин ишк (Жон Донн).....	172
Висол (Жон Донн).....	173
Бўрон (Жон Донн).....	174
Англиядан жўнашда бир хонимга бағишлаганим (Жорж Гордон Байрон).....	175
Катуллга назира (Жорж Гордон Байрон).....	177
Дамет (Жорж Гордон Байрон).....	178
Қасос (Перси Биши Шелли).....	178
Табиат гултожи (Перси Биши Шелли).....	179
Озодлик химоячиларига мадҳия (Перси Биши Шелли).....	179
Вакт (Перси Биши Шелли).....	180
Прозерпина кўшиғи (Перси Биши Шелли).....	180
Ҳасрат (Перси Биши Шелли).....	181
Муҳаббат фалсафаси (Перси Биши Шелли).....	182
Ҳиндча тарона (Перси Биши Шелли).....	183
К...га (Перси Биши Шелли).....	183
Сурур (Уильям Йест).....	184
Одиссей (Георгос Сеферрис).....	185
Гофил (Робиндранат Тхакур).....	187
Авлиё (Робиндранат Тхакур).....	187

Абдуҳамид Парда

ЧОРЛОВ

Шеърлар тўплами

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош тахририяти
Тошкент — 2008

Мухаррирлар: *Ибодулла Шоймардонов, Фулом Каримов*
Мусаввир: *Музаффар Аъламов*
Техник муҳаррир: *Раъно Бобохонова*
Саҳифаловчи: *Лидия Цой*
Мусаххих: *Жамила Тоирова*

Теришга берилди 12.02.2008. Босишга рухсат этилди 31.03.2008.
Бичими 84x108 ¹/_з. «Петербург» гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табоғи 17,64. Нашриёт-ҳисоб табоғи 12,92.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 4448. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси,
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**